

Маънавий қалқон

Муассислар:
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
**Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ**

Бош муҳаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари в.б.:
Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:
Ориф ТОЛИБ

Масъул муҳаррир:
Элёр МУРОД

Бадий муҳаррирлар:
**Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожиддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Саҳифаловчи:
Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Фотограф:
Рустам НАЗАРМАТ

Манзилмиз:
Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳқўчаси, 16-“а” уй.
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
Тел/факс: (0371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

Босишга 19.10.2015 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан № 0253 раками билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда
“YOSHLIK”дан олинди” деб изоҳланиши шарт.
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Буюртма № 52. Адади 2765 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Тирик жон борки, ўзига хос қалқони – иммун тизими мавжуд. Бу қалқон организмни хасталиклардан асрайди, беҳосдан жароҳат етган тақдирда ҳам, ўзини тиклашга куч беради.

Миллат ҳам бамисоли тирик жондай: доимий ҳаракатда, изчил ривожланишда. Қалтис, танг вазият юзага келганда бирданига элнинг азалий қадриятлари, мустаҳкам эътиқоди, урф-одатлари – кўҳна иммун тизими безовталаниб, миллий қиёфани, ЎЗЛИКни сақлаб қолишга тиришади.

Ўзбек халқи ХХ асрда бошидан кечирган ҳодисалар: истибдод алангасининг зўрайиб, охир-оқибат гугуртчўп ёлқинидай сўниши, аср сўнггида хурриятга эришганимиз ва кейинги тикланиш, юксалиш жараёни – буларнинг барчаси миллий иммунитетимизнинг бақувватлигидан дарак.

Журналимизнинг ушбу сонидоғи бадий асар ва мақолаларни ана шу ноёб ҳодиса – халқнинг иммун тизими, яъни ўзлигини асраш, янада мустаҳкамлаш масаласи бирлаштириб туради. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниевнинг “Ёшларимизни замонавий билим, кўникмалар билан қуроллантирсаг-у, маънавий тарбиясига, миллий фазилатлар билан тўйинишига бепарво қарасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз”, деган сўзларида катта ҳақиқат акс этган.

Дунёда бир-биридан гўзал, сўлим юртлар, масканлар кўп. Лекин биз учун она Ватанимиз – Ўзбекистондан азиз маъво йўқ. Шоира Гулжамол Асқарованинг айрим беқўним, “Истасанг, ҳамма юрт – ватан, \\\ Макон айлаш мумкин ҳар не чаманни”, дегувчи кимсаларга қарата: “Йўқ! Мен Худойимдан сўраб олганман, \\\ Битта пешонамга битта Ватанни”, деган гапи барчамизнинг кўнглимизда акс садо беради. Зеро, бизнинг руҳимиз бу муқаддас заминга илоҳий ришталар ила чамбарчас боғлангандир. “Қақнус қанотидаги умр” қиссаси мазмунига ҳам айни ҳақиқат сингдирилган.

Тоғай Мурод ўзбекнинг маънавий қудратини кўрсата олган улғў ёзувчиларимиздан эди. “Устозлар альбомидан” рўкнда берилган фотосуратларни томоша қиларканмиз, ёзувчининг “Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!” деган ўктам овози қулоқларимиз остида жаранглагандай бўлади.

Мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг ўзаро аҳиллиги, бир мақсад атрофида бирлашгани миллий иммунитетимизга қувват бериб турибди. Қардош қорақалпоқ йигит-қизлари ижоди билан танишиб, бу фикримиз янада мустаҳкамланади. Ёш шоира Сарвиноз Мусатдинова “Халқим, мард-лигинга сира шубҳа йўқ, \\\ Бойсан, қўли очик, сахийлигинг рост”, дея ёзса, навқирон ёзувчи Байрам Айтмурод ана шу фазилатларнинг бардавом бўлишини тилаб, қўлига қалам олади.

Француз ёзувчиси Алфонс Доде қаламига мансуб “Сўнгги сабоқ” ҳикоясида халқнинг энг бебаҳо бойлиги она тили экани, бу хазинанинг қадри, айниқса, бегоналар чанг солганида яққолроқ сезилиши тасвирланган. Бу кечинмалар она тили Истиқлол туфайли чинакамига қадр топган халқимизга ҳам бегона эмас.

Алқисса, «Yoshlik» журналининг ушбу сони орқали навқирон авлодга: “Эзгулик йўлида илғор бўлинг! Мафкуравий хуружларга қарши миллий ўзликни қалқон қилинг!” дегимиз келди...

МУНДАРИЖА



47



41



59




35



8

9



№ 9 (292) 2015 й.

- 3 СУҲБАТ**
Ёшларга таянч бўлиш бахти
- 8 САБОҚ**
Замонавий ёшларга 20 ўғит
- 9 ДАДИЛ ҚАДАМЛАР**
Ўз келажагини қураётган меъмор
- 12 НАЗМ**
Гулжамол Асқарова. Мен ахир гулларнинг жамолидирман
- 15 НАСР**
Шодиқул Ҳамро. Қақнус қанотидаги умр
- 47 Байрам Айтмурод.**
Қўноқ. Оға.
- 56 ТААССУРОТ**
“Қўноқ” ва “Оға” ҳикоясини ўқиб...
- 33 МУҚОЯСА**
Бола кулгусидан ёришсин дунё!
- 34 ҚЎЛЁЗМА**
Матназар Абдулҳаким. Соғиниш
- 35 МУШОҶАДА**
Беҳзод Қобул. Ёшлар ижоди: ўзлик, услуб, маҳорат
- 40 ТАВСИЯ**
Яхши ёзай десангиз
- 41 УСТОЗЛАР АЛЬБОМИДАН**
Тоғай Мурод: “Юлдузим мангу ёнади”
- 44 УЧРАШУВ**
Жайхун соҳилида унган ниҳоллар
- 59 МУЛОҶАЗА**
Ақл ва қалб мувозанати
- 61 ТАРЖИМА**
Алфонс Доде. Сўнгги сабоқ
- 64 АНА ШУНАҚА**
Адиблар ҳаётидан



Ёшларга таянч бўлиш бахти

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси
Баҳодир ҒАНИЕВ билан суҳбат

– Муҳтарам Баҳодир Мухторович, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, ижтимоий фаол бўлиши ва мустақил ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиши мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги амалий тадбирлар фақат шаҳару туман марказларида яшайётган ёшларнигина эмас, балки энг чекка қишлоқлардаги йигит-қизларни ҳам қамраб олаётгани қувонарли. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ўтказилаётган тадбирлар қандай самара беряпти? Замонавий ёшлар учун тавсирчанлигини йўқотган эски тарғибот усуллари ўрнига қандай янги ёндашувлар, тарғибот технологиялари татбиқ этилмоқда?

– Оилада бирор фарзандинг муваффақиятга эришса, беихтиёр хурсанд бўлиб кетасан. Бу муваффақият замирида нафақат сен берган тарбия, балки давлатимизнинг ёш авлодга қаратаётган эътибори, ғамхўрлиги пойдевор бўлаётганини

идрок этсанг, шундай юртда яшаётганингдан гурур туясан. Бу эзгу жараёнда “Камолот” ЁИҲ ҳам фаол бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу интилишлар бугунданоқ ўз мевасини бера бошлади. Масалан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Меҳриноз Аббосова ҳам яқинда “Камалак” болалар ташкилотининг сардори эди. Ўзининг ортидан жажжи-жажжи тенгдошларини эргаштирган, биз ҳали қизалоқ деб юрган қизимизнинг “Майда қадамлар” шеъри унинг анча улғайганини сездириб қўйди.

*Манзилга элтмайди майда қадамлар,
Майда орзуларга бермайлик қанот.
Майда гап-сўзларни қўйинг, одамлар,
Токи майдалашиб кетмасин ҳаёт.*

*Майда дардлардан ҳам асрангин юрак,
Катта шеърятни сол дилистонга.
Катта мақсад, катта қадамлар керак
Катта йўлга чиққан Ўзбекистонга!*

Бугун бу шеърни билмайдиган ёшни топиш қийин.

“Камолот”чилардан яна бири Турин политехника университетининг етакчиси Олимжон Тўйчиевдир. У яратган роботлар билан халқнинг орасига кирганимизда, нурунийларимизнинг: “Яшавор, отаўғил!” деган олқишини эшитиб, фахрланамиз. Тўғри, дунёда роботлар кўп яратилган. Лекин Олимжоннинг роботи ўзбекча гапирди.

Беш тилда хорижликлар билан бемалол суҳбат қура оладиган Наврўза Яхёевадек қобилиятли қизга қойил қолмай бўладими? У бугун худди шу тилларни кўнгилли равишда ёшларга ўргатмоқда. Ўн тўққиз ёшида иккита корхонанинг раҳбари бўлган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган Муроджон Масалиев ҳам айна кунда аграр соҳасида илмий иш билан шуғулланмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида

қонун муҳокамаларида дадил қатнашаётган депутатларнинг 9 нафари ўзимизнинг “Камолот”чи фаолларимиз. Шахмат доналарини ўқтамлик билан суриб келаётган халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ҳозирда ўзининг шахмат мактабини очиб, ёшларга сабоқ бермоқда. Табиийки, бундай ақл-заковат эгалари билан ишлаш янги ёндашувларни талаб қилади. Чунки бугун зерикарли, таъсирчанлигини йўқотган тарбия усуллари самара бермайди. Шу боис дастлаб тизимимизда мавжуд ташкилотлар фаолиятини замон нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқдик. Баъзиларини қайта ташкил этишга тўғри келди. Умуман, “Камолот” ЁИХнинг ташкилий тузилмасига ўз вақтида киритилган муҳим ўзгаришлар бугун фаолиятимизда ўз самарасини бермоқда. “Камолот” етакчиларни тарбиялайдиган ташкилот бўлгани боис, аввало, ёшларнинг манфаатига хизмат қилувчи ғояларни ўрганамиз ва шу асосда ўзимизнинг режаларимизни тузамиз. Фаолияти қайта ташкил этилган “Етакчи” ёшлар маркази ўтган давр мобайнида йигирмага яқин ёшлар муаммолари юзасидан қатор ижтимоий тадқиқотларни олиб борди. Ҳаракат қошидаги ўқув-услубий марказлар эса етакчи ва фаол кадрларни тарбиялайдиган замонавий таълим масканига айланди. 2015 йили қабул қилинган “Камолот” муассислигидаги босма нашрларни ривожлантириш дастурини амалиётга татбиқ этиш натижасида ташкилотимизнинг ахборот манбалари фаолияти янги босқичга кўтарилди. “Бунёдкор” ёшлар телеклубининг ёшлар сиёсатига доир

аудиовизуал маҳсулотлари бугун давлат ва нодавлат телеканаллар орқали мунтазам намойиш этилмоқда. “Янги аср авлоди” нашриёти билан ҳамкорликда жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара дурдоналарини тарғиб этиш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Камолот” китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда Ҳаракат ўз оромгоҳи, маданият ва истироҳат боғлари, ёшлар марказлари, ёшлар ижтимоий хизмат марказлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, охириги беш йил ичида ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ижтимоий ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Бунинг натижасида ташкилотимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида охириги 5 йил ичида лойиҳалар 5 баробарга, иштирок этадиган ёшларнинг сони 8 баробарга, ҳамкор ташкилотлар сони 2 баробарга ошди. Айна пайтда “Камолот” ЁИХ Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик Палата-



си, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳамкорларимизнинг ёрдами, турли соҳа вакилларининг иштироки туфайли лойиҳаларимиз самарадорлиги ошмоқда. Агар биз ёшларга бизнес соҳаси бўйича сабоқ берсаг-у, ғояни ҳаётга татбиқ этишда майдонни кенг очмасак, маблағ йўналтира олмасак, молия муассасалари ва бизнесни йўлга қўйишда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамласак, ёшларнинг ишончини йўқотишимиз тайин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, бугун ижтимоий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда ёшларнинг хоҳиш-иродасини ўрганиш, уни рўёбга чиқаришга қаратилган барча шарт-шароит ва имкониятларни аниқ белгилаб олиш ва айнан шу ғояга муҳтож бўлган қатламлар орасида янгича шакл ва усулларда тарғиб этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шубҳасиз, бу борада замонавий ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий медиа имкониятларидан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз. Биргина интернетнинг ўзида ёшларга ахборот технологияларини, хорижий тилларни онлайн тарзда ўргатадиган ўнга яқин лойиҳаларимиз бор.

Яна бир катта янгилик, хушxabар деса ҳам бўлади, яқинда “Камолот ФМ” радиоканали ёшларимизнинг жўшқин овозини республикамиз бўйлаб жаранглашини режалаштирган. Ўйлаймизки, “Камолот” радиоканали ёшларнинг етакчи минбари бўлади.

– Ёшларимиз замонавий бўлсин, тараққий этган мамлакатларнинг ёшлари билан ҳар томонлама бўйлаша олсин, деяпмиз. Бу борадаги ютуқларимизни ҳалқимиз, жаҳон аҳли кўриб турибди. Айни пайтда ёш авлодга яна бир муҳим тилагимиз бор: улар миллий қадриятларимизга содиқ бўлиб, тафаккури замонавий билимлар, қалби ўзбекона фазилатлар билан зийнатлансин, деймиз. Бу икки жиҳатни уйғунлаштириш учун, аввало, нималарга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай таъкидлайди: **“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир”**. Ҳақиқатан ҳам, қаерда тарбия ва таълимни айри ҳолда кўрар эканмиз, ўша жойда фожиа юз бериши аниқ. Таълим-тарбия – жуда нозик масала. Бу жараёнда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Чунки эл-юртимиз ўзининг ёруғ истиқболини, эртанги бахту саодатини фарзандларида кўради. Сизнинг саволингизга Юртбошимизнинг фикрлари билан

жавоб берсам: **“Биз халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, аввало, маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим”**. Ҳақиқатан, ёшларимизни замонавий билим, кўникмалар билан қуроллантирсаг-у, маънавий тарбиясига, миллий фазилатлар билан тўйинишига бепарво қарасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Бу борада оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамият ўзаро уйғун иш олиб бориши даркор. Ушбу кучлар бирлашса, ёшларимиз ҳам янгича

Ҳаётни гоҳо пойгага ўхшатадилар.

Вақтнинг учқур

тулпориди маррага

етиб келиш

чавандознинг қувватига

боғлиқ. Мавҳум

нарсалар ҳеч қачон

олдинга элтмайди.

Аниқ мақсадлар билан

майдонга чиққан одам

манзилига тез ва осон

етиб бориши шубҳасиз.

фикрлайдиган, ҳам миллий қадриятларимизга содиқ қоладиган фарзанд бўлиб камол топадилар. Аслида, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳр-оқибат, яхшилик деган туйғулар бизнинг қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетган. Тўрт фаслда нуруний оталаримиз, оналаримиз билан елкама-елка миллий қадриятларимиздан бири – ҳашарда жонбозлик кўрсатамиз. ➤

“Камолот” ҳашарда, “Ҳар бир ёшга бир ниҳол” каби акциялар мунтазам ўтказиб келинади. Бу ишларнинг самараси сифатида ҳудудларимизда “Камолот” боғлари бунёд этилди. “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови ҳам муқаддас меъморчилик иншоотлари, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва ёдгорликларни тарғиб этиш орқали ёшларимизда миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини шакллантирмоқда. Танлов таркибида бир неча номинациялар бор. Биргина “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик” номинациясида айнан миллий фазилатларимизни ёшлар онг-шуурида қарор топтириш мақсади кўзда тутилган.

Ҳар йили анъанавий тарзда бўлиб ўтадиган “Биз – буюк юрт фарзандларимиз” фестивали ҳам ёшлар орасида умуминсоний

ва миллий фазилатларни кенг тарғиб этишга, ёшларда яратувчанлик, яқдиллик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Тадбирларнинг вилоятларимиздаги чекка ҳудудларда – қишлоқларда ўтказилиши бежиз эмас. Фестиваль доирасида тарғибот гуруҳлари томонидан 14 та лойиҳа амалга оширилади. Ҳар бир лойиҳанинг ўз ижтимоий мақсади, вазифаси бор. Масалан, “Замонамиз қаҳрамонлари” лойиҳасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари билан учрашувлар ташкил этилаётгани иқтидорли ёшлар учун ўрнак бўлаётган бўлса, “Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз”, “Президент асарлари билимдони”, “Эрта никоҳга қаршимиз” каби акциялар доирасидаги тадбирларимиз ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказётгани шубҳасиз. Шунингдек, “Биз – буюк юрт фарзандларимиз” фестивалида ҳудудлар бўйлаб “Сотқин”, “Гумроҳлар” каби ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган фильмларнинг кинолекторияларини ўтказдик. Қизгин баҳс-мунозараларга оммавий маданиятнинг салбий таъсирига дучор бўлган ёшларни ҳам таклиф этдик. “Ўзбекино” Миллий агентлиги билан ҳамкорликда тасвирга олинган, ёшларни ҳарбий ватанпарвар-

ликка ундовчи “Шунқорлар” бадиий фильмидан эса ёшларимиз бугунги замон қаҳрамонларини топгандек бўлди. Онги илғор билимлар, юраги ўзбекона фазилатлар билан тўйинган ёшларни тарбиялаш учун кўлимиздаги барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Шу ўринда “Камолот” ёшлар симфоник оркестри фаолияти йўлга қўйилганини айтишим мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Ўринбоев бошчилигидаги жамоа мусиқий меросимизнинг ноёб дурдоналарини катта сахналарга олиб чиқмоқда. Яқинда Камолот ёшлар ижод саройида атоқли шоира Зулфиянинг 100 йиллиги муносабати билан “Баҳор келди сени сўроқлаб” номли концерт ташкил этилди ва шоира қаламига мансуб энг гўзал қўшиқлар, шеърлар ёшлар эътиборига тақдим қилинди. Залда жаранглаган “тасанно”, “балли” деган олқишлар ҳаммамизнинг қалбимизни завққа тўлдирди. Ёшларни миллий ва замонавий руҳда тарбиялашнинг энг таъсирчан усуллари билан бири санъат эканини яна бир бор англадик.

– Бугун ёшларимиз илм-фан, маданият, спорт соҳаларида ўзларини кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳақида нима дея оласиз?

– Агар 20 йил олдин ўзбек боласи қонун лойиҳаларига таклиф беради, деса, бунга ишонадиганлар кам топиларди. “Камолот” етакчилари охириги уч йилда ўнга яқин қонун лойиҳаларига таклиф берди. Ҳозирги кунда ёшлар давлат ҳокимияти билан доимий мулоқотда. Бугун туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари билан ёшлар ўртасида бир ойда бир марта мунтазам учрашувлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, судьялар билан учрашувлар қизгин паллага кирган.

Ҳуқуқий саводхонликни оширишда Ҳаракат томонидан ўтказилаётган танловларнинг ўрни беқиёс. “Сиз қонунни биласизми?” танловимизнинг жорий ўқув йилидаги босқичларида 1500 дан ортиқ академик лицей ва коллежларнинг 220 минг нафардан ортиқ ўқувчилари иштирок этди. Бу ҳам ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти

*Бахтнинг сурати қандай бўлади,
деган саволга мен, ҳеч иккиланмай,
юртимиз фарзандларини кўрсатиб,
жавоб беришим мумкин. Чунки
ҳеч бир давлат ўз болаларини
Ўзбекистончалик севмайди, бошига
қўтармайди.*

ўсиб бораётганидан далолат. Мазкур танловнинг аҳамиятли томони шундаки, унда ўқувчилар бирор-бир қонунни ўқиб ёки ёддан айтиб бериш билан кифояланмайдилар, балки мустақил фуқаролик позициясига эга бўлган ҳолда қонунчиликка ўз таклифларини ҳам билдирадилар. Шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Тафаккур синовлари” танлови ҳам кенг аудиториясига эга.

Катта ҳақиқат акс этган бир сурат ҳаёлимда доим гавдаланиб туради. Фарғона давлат университети “Сарбон” жамоаси аъзоларидан бири Аббоснинг ушбу асари Ўзбекистон ёшлари қалбида ҳаяжон кўзгаган эди. Бу суратга жамоа сардори Гўзал Эргашева шундай таъриф бергани ёдимда: “Биз тасвирлаган суратда ўз халқини қоронғилик, зулматдан ёруғлик томон бошлаб бораётган Сарбон тасвири туширилган. Эътибор беринг-а, Сарбон отда кетаётгани йўқ. У буюк халқини уловларга ўтқизиш, ўзи эса пиёда ҳолда, бошини баланд кўтариб, қонун устуворлиги акс этган йўлдан ойдин манзиллар сари дадил бошлаб бораётир”. Бундай ижодий ишларни кўриш ҳам, муносиб баҳо бериш ҳам кишидан катта масъулият талаб қилади.

– Сиз ҳар куни ёшлар даврасидасиз. Бугунги авлоднинг табиатидаги ўзига хосликларни яхши биласиз. Ўзингизнинг ёшлик даврингиз билан қиёслаганда қандай фарқли жиҳатларни кўрасиз?

– Бахтнинг сурати қандай бўлади, деган саволга мен ҳеч иккиланмай, юртимиз фарзандларини кўрсатиб, жавоб беришим мумкин. Чунки ҳеч бир давлат ўз болаларини Ўзбекистончалик севмайди, бошига кўтармайди. Ёш йигит-қизларининг кўксига давлат мукофотларини тақиб қўйишдек танглик Ўзбекистоннинггина қўлидан келади. Бугунги ёшларга ҳавас қилса арзийди. Бизнинг пайтда ҳам бир-иккита танлов бор эди. Лекин бундай рағбат, бундай оталарча меҳрни туймасанг, “Ҳа, баракалла, болам”, деб қўллаб-қувватлаб турадиганлар бўлмаса, қизиқишинг ҳам сўниб кетаркан. Бугун бир ўсмирда



учта-тўртта иқтидорни кўраман. “Спорт маликалари” кўрик-танловида 1-ўринни олган қиз шеър ҳам ёзади, пианино ҳам чалади.

Масалан, сирдарёлик фаолларимиздан Севара Қўзибекова “Сукунатни истаб” шеърини тўплами муаллифи, уч тилда эркин гаплаша олади, синхрон сузиш бўйича 3 карра Ўзбекистон чемпиони, 30 дан ортиқ шогирдлари ҳам Ўзбекистон чемпиони. Яқинда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи. Қаранг, бир қизда шунча қобилият. Дунёнинг манаман деган йигит-қизлари билан беллаша оладиган бундай ёшлар номини узоқ вақт тўхтамай санаш мумкин.

Бугун замон тезкор, югурмасанг, ҳеч нарсага улгурмайсан. Ёшларимиз ҳам ғайратли, кўзлари шижатга тўла, изланувчан, юксак салоҳиятга эга. Улар касб-ҳунар сирларини ўрганиш билан бирга, нуфузли халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танлов-

лар, спортнинг қатор турлари бўйича ўтказилаётган жаҳон мусобақаларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Голиблик нашидасини суриб, шода-шода олтин медалларни қўлга киритиб, ҳаёт майдонида ўз ўрнини топмоқдалар. Президентимизнинг **“Бугун ёшлар катта куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен уларга ўзимга ишонгандек ишонаман”**, деган сўзлари тасдиғини айнан шундай заковатли йигит-қизлар тимсолида кўриш мумкин.

– Сўхбатимиз сўнгида Ўзбекистон ёшларининг адабий-ижтимоий журнали – “Ёшлик” ўқувчиларига дил сўзларингиз бўлса, марҳамат.

– Ҳаётни гоҳо пойгага ўхшатадилар. Вақтнинг учқур тулпориди маррага етиб келиш чавандознинг маҳоратига боғлиқ. Мавҳум нарсалар ҳеч қачон олдинга элтмайди. Аниқ мақсадлар билан майдонга чиққан одам манзилига тез ва осон етиб бориши шубҳасиз. “Ёшлик” журналининг ўқувчиларига фақат аниқ мақсадлар билан яшаш бахтини, эзгу орзулар рўёбини тилайман. Журнал ҳам ёшларни ўзига шундай, ипсиз боғлаб қўйсинки, нашрни талашиб-тортишиб, қўлма-қўл ўқийдиган йигит-қизлар кўпайсин...

Замонавий ёшларга 20 ўғит

Ёшлар ва катталарнинг дунёқараши, қизиқишларида ҳамиша тафовут бўлган. Бу фақат бизда эмас, бутун дунё бўйича кузатиладиган ҳолат. Ҳатто ибтидоий жамоа тузумида ҳам катта авлод вакиллари “Ёшлар бузилиб кетди!” мазмунидаги ўз ўқинчини тошга ўйиб ёзгани ҳақида ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳажвий, аммо жиддий шеър битгани бежиз эмас. Бу табиий ҳол: ҳар бир давр ёшларининг ўз руҳи, кайфияти бўлади.

Бугун дунё ёшларини ўрганаётган мутахассислар уларнинг ўзига хос устунликлари, фазилатларини эътироф этар экан, шу билан бирга, диққат қаратишлари лозим бўлган айрим жиҳатларни ҳам қайд этишмоқда. Қуйида ёшларга нисбатан уч-тўртта кўйлақни кўпроқ тўзитган катталарнинг навқирон авлодга аталган 20 та ўғитини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Бу маслаҳатлар ёшларимиз учун фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

1. Вақт ҳар бир кишига ўлчаб берилган, у битмас-туганмас хазина эмас.

2. Сиз истеъдодлисиз, лекин қобилиятингизга ортиқча баҳо беришса, ишониб қолманг.

3. Катталар ўйқусизлик касаллигига чалинганлари учун эмас, балки иши униб, барака топганлари учун эрта турадилар. Сиз ҳам синаб кўринг.

4. Сизга қўнғироқ қилишса, албатта жавоб беринг!

5. Ишга энг олдин келиб, энг кейин кетадиган ходим сиз бўлинг.

6. Вазифангизга доир кўрсатмани кутиб ўтирмасдан ишга киришинг.

7. Ўз хатоларингиз учун жавобгарликдан қочманг.

8. Сизга берилган ўринли жазо фойдадан холи бўлмайди.

9. Бир жойга қўним топмасдан, ҳар йили ишингизни янгиласангиз, ҳеч қачон “ўсмайсиз”.

10. Ишхонада қулай шарт-шароит эмас, балки сиз билан бирга ишлайдиган одамлар кўпроқ аҳамиятга эга.

11. Ўйлаб кўринг: бугунги фаолиятингиз эртанги муваффақиятингизга пойдевор бўляптими?



12. Гапни ўз эгасига айтинг, орқаворотдан гапириш обрў келтирмайди.

13. Замонавий технологиялар бўйича билимингизни муттасил ошириб боринг.

14. Ижтимоий тармоқларда сиз дўст тутинаётган кишиларнинг сони эмас, ким экани кўпроқ муҳим.

15. Сиздан кўра тажрибалироқ учта маслаҳатгўйингиз бўлсин.

16. Муҳим масала бўйича қарор қабул қилаётганингизда ўзингиздан “Мен ҳурмат ва ҳавас қиладиган фалончи шундай вазиятда қандай йўл тутган бўлар эди?” деб сўраб кўринг.

17. Китобни кўпроқ ўқиш, ижтимоий тармоқлардан камроқ фойдаланиш керак.

18. Даромадингизга нисбатан 25 фоиз камроқ харажат қилинг.

19. Шаънингиз ҳар нарсадан улуғ, унга доғ туширмасликка ҳаракат қилинг.

20. Сизга ҳар қанча зерикарли туюлмасин, катта авлод вакиллариининг ўғитини эшитишга вақт ва тоқат топинг.

Санжар ЖАВЛОН тайёрлади.



Ўз келажagini қураётган МЕЪМОР

“Юрт келажиги – 2015” иқтидорли ёшлар кўрик-танлови ғолиби Камолиддин Мамадалиев қиёфасига чизгилар

У архитектурага йўлни ҳайкалтарошлик орқали топди. Бу икки санъат қандай қилиб битта қалбда уйғунлашди, деб ўйлашингиз табиий. Қаҳрамонимизнинг айтишича, қадимда меъморлар кўп ҳунарлардан, жумладан, ҳайкалтарошликдан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Ушбу касб эгалари иморатларни лойиҳалаш ва қуришдан ташқари, безак ишлари билан ҳам шахсан ўзлари шуғулланган.

Болаликдан санъатга меҳр қўйган Камолиддин Бўка туманидаги 53-умумтаълим мактабини тамомлагач, республика рассомлик коллежида ўқишни давом эттириш учун пойтахтга келди. Ҳайкалтарошлик билан шу ерда ошно тутинди. Мазкур санъатнинг тарихини чуқур ўрганиб, архитектура билан узвий боғлиқлигини англади. Ниҳоят, олдида қатъий мақсад қўйди: “Мен, албатта, етук меъмор бўлишим керак!”

Ҳозир Камолиддин Тошкент архитектура-қурилиш институтининг охириги босқичида таҳсил олмоқда. Ўтган тўрт йил мобайнида касбининг сир-асрорини пухта ўрганди, баланд-пастини кўрди. Бир қанча креатив лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалга оширди. Қаҳрамонимизни бошқа кўп-лаб тенгдошлари, ҳатто ҳамкасбларидан фарқлаб турадиган жиҳати ҳам шу – ўзига хосликка интилиш. У қайси лойиҳага қўл урмасин, ҳамиша ноанъанавий ечимлар излайди.

Камолиддиннинг иқтидорини шу йил ўтказилган “Юрт келажаги” кўриктанловининг нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳам эътироф этди. Ўнлаб иқтидор соҳиблари – архитектура йўналишида ижод қилиб келаётган ёшларнинг асарлари орасидан айнан Камолиддин Мамадалиевнинг иши юксак баҳоланганида ҳеч ким ажабланмади. Чунки “Лочин” оромгоҳида ўтказилган икки ҳафталик финал баҳслари аввалидаёқ “Ўздоминант” меҳмонхонасининг макети ҳаммада ҳайрат уйғотган эди. Ўта замонавий, шу билан бирга, миллийлигимизни ўзида яққол ифодалаб турган мазкур бетакрор иншоот, аввало, ноанъанавийлиги билан киши эътиборини тортади.

Асосий “сюрприз” эса бинонинг энг юқори қисми – муқарнас остидадир. Бу ер юртимизнинг янги тарихидан ҳикоя қилувчи мўъжазгина музей учун ажратилган. Меҳмонлар унда Ўзбекистоннинг кечаги, бугунги ва эртанги кунини кўриши мумкин.

– Фоя коллежда ўқиб юрганимда ҳаёлимга келган, – дейди суҳбатдошимиз. – Хадра майдони яқинида истиқомат қиламан. Пойтахтимизнинг эски шаҳар қисми ўзига хос архитектурага эга. Айтиш керак, бугунги кунда мазкур ҳудуд қиёфаси давр билан ҳамнафас ҳолда янгиланмоқда. Замонавий иншоотлар қад ростлаяпти. “Ўздоминант” меҳмонхонасини шулар қаторида кўришни жуда хоҳлардим.

Камолиддиннинг лойиҳаси азим Тошкент кўркига кўрк қўшиши шубҳасиз. Биринчи навбатда, оригинал дизайн ҳисобига. Меҳмонхона биносининг алоҳида белгиси бор – бу миллий

ҳунармандчилик анъаналари асосида яратилган нақшинкор устун. Унинг баландлиги 80 метрга мўлжалланган бўлиб, тепа қисми муқарнас билан тугайди. Дарвоқе, мазкур элемент шарқона услубда бунёд этилган аксарият иморатларга хос. Устун ташқи томондан тўлиқ миллий услубда ишланган бўлишига қарамай, ичи замонавий конструкция билан тўлдирилган. Масалан, устуннинг ичида тезюрар лифт жойлашган. Лифт меҳмонларни бир неча ўн метр баландликдаги иккита очиқ ҳовлига олиб чиқишга хизмат қилади. Ҳовлилар устунни меҳмонхона биноси билан туташтириб туради. Камолиддин уларда ресторан ёки кафе каби маиший объектларни жойлаштиришни ўйлаган. Меҳмонлар таом тановул қилиш билан бирга, гўзал Тошкентимиз жозибасидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Ички интерьерда ҳам бир қанча янги жиҳатлар мавжуд. Тасаввур қилиб кўринг-а, меҳмонхона номерида ўзингизни табиат кўйида дам олаётгандек ҳис этсангиз. Масалан, қишки боғ кўйида. Йилнинг тўрт фаслидаям турфа дарахтлару гуллар кўзингизни қувнатиб туради. Қаҳрамонимиз лойиҳалаштирган меҳмонхонанинг ҳар бир номери ўз эгасига ана шундай “сюрприз”ни ҳада этади. Асосий “сюрприз” эса бинонинг энг юқори қисми – муқарнас остидадир. Бу ер юртимизнинг янги тарихидан ҳикоя қилувчи мўъжазгина музей учун ажратилган. Меҳмонлар унда Ўзбекистоннинг кечаги, бугунги ва эртанги кунини кўриши мумкин. Камолиддин Мамадалиев ўз лойиҳасида кўзда тутган ҳар бир деталь Ватанимиз ҳақида унутилмас таассуротлар қолдиришга хизмат қилади.



Тенгдошимизнинг шу пайтгача эришган барча муваффақиятлари замирида, аввало, меҳнат ётади. Унинг ишончи комил: меҳнат қилмаган киши ҳаётда ўз йўлини ва ўрнини тополмайди.

– Болалиқдан тартиб-интизомга кўникканман, – дейди Камолиддин. – Отанам керакли ишни ўз вақтида бажаришимни доимо уқтириб келади. Уларнинг ўғитини олиб сира кам бўлмадим. Вақтни бой бермай, ўқиб-изландим. Янги билимлар эгаллашга ҳаракат қилдим. Мана, натижаси – бугун ўзимга ишонаман. Қўлимда ҳунарим, сеvimли касбим бор. Лойиҳаларим мутахассислар томонидан эътироф этиляпти. Шукрки, ёшларга ҳар жиҳатдан эътибор кўрсатилаётган юртда туғилдим. Қолаверса, Ўзбекистон – ўзининг қадимий меъморий обидалари билан дунёга донғи кетган юрт. Мен аждодларимиз анъанасини давом эттиришни, Ватанимизга нафим тегишини хоҳлайман. Президентимиз таъкидлаганидек, келажак – биз ёшларнинг қўлида. Бугун қанча кўп меҳнат қилиб, илмий, ижодий зафарлар кучсак, эртанги кунимиз шунча порлоқ бўлади.

Камолиддин сўзи ва амали бир йигитлардан. У нафақат ижодий танловлар, балки илмий беллашувларда


бир қанча йирик галабаларни қўлга киритган. Институтда таҳсил олиш давомида кўп маротаба фан олимпиадаларида қатнашди. Ўтган йили республикада 1-ўрнини эгаллади. Ёш архитекторга яна креативлик ёрдам берди. Олимпиаданинг якуний синовидида иштирокчилар олдига тураржой биносининг лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Бу ишни улар атиги уч соат ичида бажариши керак эди. Қаҳрамонимиз ҳакамлар ҳайъатини яна меҳмонхона чизмаси билан лол қолдирди. Йўл ёқасида жойлашган, одатда йўловчи сайёҳлар бир-икки кун тўхтаб кетадиган мотель лойиҳаси атрофида кичик ошхона, тиббий хизмат кўрсатиш пункти ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси жойлаштирилгани туфайли алоҳида қизиқиш билан қарши олинди.

Бундан икки йил аввал лойиҳалаштириш фанидан талабалар ўртасидаги интеллектуал беллашувда Камолиддин илк мустақил иши – “Рассом уйи” (“SmART house”) лойиҳасини тақдим этганди. Баҳаво тоғлар бағрида барпо этишга мўлжалланган мазкур объект рассом учун бир йўла ижодий устахона, шахсий галерея ҳамда тураржой вазифасини бажаради. Бундай антиқа уйни қуришда энергияга тежамкор технологиялар ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилади. У чалқанча ётган цилиндр шаклида бўлиб, деворлари кўпикли бетондан қўйилади. Дераза-ромлари уч камерали алюминий металлдан ишланган. Қизиғи, бинода бирортаям бурчак йўқ. Бу уйнинг ичида иссиқликни бир меъёрда тақсимлаш ва узоқроқ сақлаб туришга ёрдам беради. Электр энергияси қуёш батареяларидан олинади. Сув эса ер остида иситилади. Камолиддин бунинг учун ер сатҳидан

бир неча метр чуқурликда гидравлик насос ўрнатишни таклиф қилган. Ер остида ҳаво ҳарорати қишин-ёзин мўътадил бўлгани туфайли ҳосил бўлувчи иссиқлик энергиясидан истаган пайтда фойдаланиш мумкин.

Камолиддин Мамадалиевнинг ижодий режалари бисёр. Институтни тамомлагач, дунёнинг етакчи архитектура марказларидан бири – Лондонда магистратура таълимини олмоқчи. Дунё кезиб, хорижлик ҳамкасблари яратаётган илғор услубдаги лойиҳалар билан танишишни, шунингдек, ўзбек архитектурасининг энг ноёб жиҳатларни эса жаҳонга кўз-кўз этишни ният қилган. ●

Наргиза УМАРОВА





Гулжамол АСҚАРОВА

1978 йили туғилган.
ЎзМУнинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Дил фасли”, “Уйғотувчи
алла”, “Ошиқлар тумори”,
“Эркалик имтиёзи” сингари
китоблари нашр этилган.
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори.

Мен ахир гулларнинг ЖАМОЛИДИРМАН

Битта Ватан

Одамлар бегона эларда юриб,
Саёҳат завқидан айлармиш ҳузур.
Энг зўзал ўлкага йўласалар ҳам,
Мен бундай ҳузурни туймадим, узр.

Яхшидир эҳтимол бегона элда
Баланд бинолардан ҳайрат топмоқлик.
Мен учун яхшидир ўз уйгинамнинг
Эшигини ҳар кун очиб-ёпмоқлик.

О дерлар, воҳ дерлар ўзга юртларни,
Сайр ила саёҳат айлаган дўстлар.
Улар айтадилар галат эмишман,
Февлимда бор эмиш кўп каму кўстлар.

Билман, ўз юртин телбадек севган
Битта беморман мен дўстлар наздида.
Ҳа, менга шарафли жимгина яшаи,
Ватанни асрабон юрак остида.

Айтарлар: истасанг ҳамма юрт – ватан,
Макон айлаш мумкин ҳар не чаманни.
Йўқ! Мен Худойимдан сўраб олганман
Битта пешонамга битта Ватанни.

Дилозорнинг кўшиғи

Дилозорман, дилозор,
Эй, менадан ҳамма безор,
Менга инсоф бер ўзинг,
Тўзим бер, Парвардигор.

Дилозорман, дилозор,
Бошимда саланглар дор.
Айтинг, кескир қиличдан
Менинг нима фарқим бор?

Дилозорман, дилозор,
Кўнглим ўзимдан ҳам хор.
Шунчаям бераҳми
Менинг каби бир дилдор?

Дилозорман, дилозор,
Ичимда бир илон бор.
Шу илонни ўлдирсам,
Олам бўлади гулзор.

Дилозорман, дилозор,
Рухимга ёгади қор.
Қаҳратонни тугатсам,
Бошланади гулбахор.

Дилозорман, дилозор,
Ҳеч кимга эмасман зор.
Шу зулмкор дилдорга
Борми бирор харидор?

Дилозорман, дилозор,
Ўзимдан қиламан ор.
Ёмон бўлсам ҳам нега
Севасан, Парвардигор?

Менсиз ҳам

Балки фаришта ҳам асрамас мени,
Ёмонман-ку, балки урмас мени жин.
Лекин, илтимосим, ҳеч қачон айтма,
Менсиз ҳам ҳаётинг чиройлигин.

Менсиз ҳам бахтиёр, шод яна хуррам,
Қўзингда қувончлар билан яшасанг.
Менсиз ҳам хотиринг бўлса агар жам,
Богингда гулласа гуллар турфа ранг.

Менсиз ҳам ҳар кунинг ўтса осуда,
Менсиз ҳам бахтдан шод ва мамнун кулсанг.
Агарки сен мени согинсанг жуда,
Жаннат чорласа ҳам бормасман, билсанг.

Севмай қолдим дема, бу сўздан қайтгил,
Биламан бу тақдир азаллигини.
Фақат қандоқ қилиб тушунай, айтгил,
Менсиз ҳам ҳаётинг гўзаллигини.

Шоир

У нурлар бағрига қиради секин,
Илоҳий ҳарфлар қўрингач зарҳал.
Шеър уни бағрига олади сокин,
Руҳида вулқонлар уйгонган маҳал.

Ишқ келиб қаламни тутар қўлига,
Бошланар оғриқлар, дод солар гамлар.
Яқинроқ боради олис ўлимга,
Денгизлар тубида ёнади шамлар.

О, бу шеър азоби, тўлгоқларида
Билинмас рангларнинг қўнғир, оқлари.
Ҳаёт ва ўлимнинг қиргоқларида
Бонг урар руҳининг қўнғироқлари.

Ниҳоят, тугилар муқаддас сўзлар,
Юз берар ҳаёт ва ўлим висоли.
У энди лавзатли уйқуга кетар,
Қўзлари ёриган она мисоли.

13

Ошиқлик

Юрагида азоблар улгайган бешиқдирман,
Остонаси гам кирган, бахт кирган эшиқдирман,
Авжи сен билан баланд бетакрор қўшиқдирман,
Ишқ бўлмаса оламмас, илунчаки бўшиқдирман,
Сен Худога ошиқсан, мен сенга ошиқдирман.

Аёлдир илк бор Одам Атони севган одам,
Севаман деган сўзни, садони севган одам,
Хатолардан дарс олар, хатони севган одам,
Бандани севмайдими, Худони севган одам?
Сен Худога ошиқсан, мен сенга ошиқдирман.

Руҳимни телба этди руҳингдаги оппоқ нур,
Ишқ денгизидан пайдо бўйнингдаги оппоқ дур,
Кел, бахтиёр яшайлик, Исрофил чалгунча сур,
Эй, зимистон руҳимни оқ нурга тўлдирган хур,
Сен Худога ошиқсан, мен сенга ошиқдирман.

Шаън давралар

Бир жойда депсиниб турганим етар,
Мен шаън давраларга кетмогим керак.
Кенгликлар бағрига бағрини босиб,
Олис манзилларни согинди юрак.

Хандон кулгуларим, ўзимга келинг,
Яшамоқ завқига тўлди борлигим.
Нақадар шарафли, қанчалар яхши
Бу ёруғ дунёда менинг борлигим.

Шукр, оғриқлиман ишқ дарди бирлан,
Руҳимнинг осмондан ҳомиласи бор.
Не учун чарақлаб ёнмасин кўзим,
Юзимдан бўсалар олганда баҳор.

Йўлимни тўсмангиз, қочинг, бўҳтонлар,
Мен битим тўзганман қайгулар билан.
Ва бутун умримни яшаб ўтарман,
Энг ёруғ, энг гўзал туйгулар билан.

Эй, кир қўлларингни торт мендан, фосиқ,
Қоч, чўчитма нурни, тўсма зиёни.
Мен ахир ГУЛларнинг ЖАМОЛидирман,
Гулларга тўлдириб кетай дунёни!

Сафарда

Кетишимга озгина қолди,
Ўз юртимнинг дийдорин кўргум.
Кўз ёшларим арийди энди,
Чин кулгуга айланар кулгум.

Ўз тилимда сўзлайман энди,
Завқу шавқлар, баҳралар билан.
Бугун қутлуг учрашувим бор
Файзли, очиқ чехралар билан.

Соддагинам, мунисим халқим,
Томчи-томчи сингдинг қонимга.
Қандоқ қилиб ўрнашиб олдинг
Бор борлигим, жон-жаҳонимга.

Ўзбекистон деган исмни
Манглайдан юракка кўчирдим.
Дийдоринг кўрмаган кунларни
Умр дафтаримдан ўчирдим.

Фидоликда топаёй ўзимни,
Қолайин Ватаннинг ёдида.
Чунки фақат тиз чўкиш мумкин
Худо ва Ватаннинг олдида.

Онасин согинганлар

Соғиндим онамни, мустаргинамни,
Мунисим, мушфиқим, рангпаргинамни,
Сўлимим, чиройлим, дилбаргинамни,
Йўл беринг онасин согинганларга.

Сочига оқ гуллар экибди ҳаёт,
Юзига имзолар чекибди ҳаёт,
Онам хўп чўкибди... тўкибди ҳаёт.
Кўл беринг онасин согинганларга.

Кўп меҳр бермадим, хизмат қилмадим,
Қачон хизмат қилсам, миннат қилмадим?
Балки пушаймоним шундан, билмадим.
Дил беринг онасин согинганларга.

Жуда кўп юрдим мен ўзимни севиб,
Энди кўз ёшларда қолайин ивиб,
Юрак зангларини олсинлар ювиб,
Кул беринг онасин согинганларга!

Ҳар тирик жон бориб онасин кўрсин,
Кечикиб қолмасин, илдамроқ юрсин,
Қабригамас, бориб қўлига берсин,
Гул беринг онасин согинганларга.

Йўл беринг онасин согинганларга,
Соғиндим онамни...

Давоми. Боши ўтган сонда.



Расмларни Аслиддин КАЛОНОВ чизган.

**Шодиқул
ҲАМРО**

Қақнус

қанотидаги умр

Биз, хотиним иккимиз ундан кўз узмай турар, кўнглимизда қизиқиш ва хавотир ҳисси устун келаётган бўлса-да, унинг хаёлини бузишга журъатимиз етмасди.

Орадан имиллаб бир неча дақиқа ўтгач, ўғлим хўрсингандек, оғир нафас олди-да, қўлчаси билан тутиб турган гилам қатини ўзига ярашмаган аллақандай зарда ва иддао билан қўйиб юборди ва яна бояги важоҳат билан уй тўрига, тахмон томонга эмаклаб кетди.

У ҳадемай тахмон қаршисига етиб борди: кўрпа-ёстиқ йиғиб қўйилган тахмон унинг бўйидан анча баланд эди. Бироқ ўғлим тахмон чеккасига чираниб осилганча ўрнидан туриб, ўнг қўлини тахмон қатига суққанча ҳафсала билан титкилашга тушди. У гўё ҳаммасини олдиндан пухта ўйлаб олган ва ўзини шунга руҳан ҳозирлагандек, ҳар битта ҳаракатини адашмай-оғишмай бажарар, ўнг қўлини чаққонлик билан кўрпа-тўшак қатига суқиб, тез-тез титкилар, чап қўли билан эса, азбаройи йиқилиб тушмаслик учун, тахмон четини маҳкам чангаллаб ушлаган эди. У, афтидан, илгари ҳам мана шу ҳолатда тахмон қатини кўп марта титкилагани ва шундан бунинг яхшигина ҳадисини олгани кўриниб турарди.

У қўлчасини тахмон қатига узатаркан, кўзларини оҳиста юмган қўйи узоқ пайт пайпасланиб изланар, бундай чоғда юзини ҳозир кутилмаган воқеа содир бўлиб қоладигандек, ҳаяжонли бир ифода қоплаб оларди. Баъзан қўли тахмон орасида туйқус алланимага теккандек, бирдан кўзлари ярқ этиб катта-катта очилиб кетар, баъзан эса, чамаси, ҳадеб титкилашга сабри чидамай қоларди, шекилли, кўрпа-тўшакларнинг четидан тутиб, тортқилаганча, тахмонни йиқитишга уринар, азбаройи чиранганидан икки юзи қип-қизил тортиб қоларди. Фақат, у негадир йиғлаб хархаша қилмас ва ҳеч кимни кўмакка чақирай демас, ҳамма нарсани унутган қўйи тахмон атрофида ўралашар, биз нафасимизни ичимизга ютганча унга тикилиб турганимизни хаёлига ҳам келтирмас, гўё уй ичида ўзидан бошқа бирор тирик жон йўқдек, бошини хиёл ўгириб қараб ҳам қўймасди.

Мен ўғлимга киприк қоқмай тикилиб турар эканман, дафъатан хаёлимга у ниманидир излаб, тахмон қатини титкиляпти, деган ўй урилди. Аммо бунга шу заҳотиёқ биринчи бўлиб ўзим ишонмадим. Ҳатто шундай ўйга борганимдан ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Ахир,

буни ақлу тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмайди, ўғлим – ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак муштдек боши билан нимани излаши мумкин?! У кечагина дунёга келган, ҳали оқни қорадан, қорани оқдан тузук-куруқ ажратиб олмайди, бунинг устига унинг ҳали тили ҳам чиқмаган, бирор бир нарсанинг номини билиб олишга улгурмаган бўлса, яна нимани излаши мумкин?

Ким билади, аслида, ўғлим ҳам бирор нимани излаб тахмон қатини титкиламаётган, балки шунчаки ўз кўйида ўйнаётгандир. Эҳтимол, мен унинг ёшига номананд хатти-ҳаракатларидан буткул бошқа маъно излаб янглишаётгандирман. Ахир, биз кўпинча болаларнинг хаёлини банд этиб олган, ўзини қизиқтирган оддий ва жўн нарсаларни ҳам тушунмаймиз, идрок этишга қийналамиз ва охир-оқибат уларнинг устидан янглиш хулоса чиқариб қўямиз.

О, йўқ, мен айна дамда, гарчи ич-ичимдан шундай бўлишини қаттиқ истаб турган бўлсам-да, нотўғри ва янглиш хаёлга бормаган эдим. Бунинг устига шундай қаршимда турган ўғлимнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юз-кўзини қоплаб олган ифода менинг шубҳа-гумонларимни тўлиқ тасдиқлаб турар, буни сира бошқача изоҳлаб бўлмасди. Ўғлим, ростдан ҳам, ичккан қўйи тахмон орасидан алланимани излаётган эди. Айна дамда унинг фикру зикрини фақат ўзи жони ҳалак бўлиб қидираётган ўша нарсанинг сурати банд этиб олган, фақат шу ҳақда ўйлар ва уни тезроқ топишга уринар эди. Мен яна шунга қаттиқ ишониб турардимки, ўғлим ўзи излаётган ўша нарсани илгари ҳам кўрган, унинг ранг-туси, шаклу шамойили ва ўзига нима учун кераклигини жуда яхши билар эди, шунинг учун у ортиқ ҳеч нарсага эътибор бермас, умиду ишонч, шижоату қатъият билан тахмон қатини титкилашда давом этарди. Ўғлимнинг хаёлини ўғирлаб қўйган нарса фақат бизгагина қоронғи эди.

Ўғлим ҳали-ҳануз тахмонни четидан тутганча тортқилар, у худди қояга ўжарлик билан ёпишиб олган бургут боласига ўхшар, ўзига мутлақо ярашмаган важоҳат билан боши устида турган тахмонни тортқилаб йиқитишга уринар, пишиллаган қўйи зўриқиб, тез-тез нафас оларди. У ҳали-бери шаштидан қайтадиганга ўхшамас, аксинча, қиёфаси баттар қатъий ва ўжар тус олиб борарди.

Аммо унинг барча уриниш ва чиранишлари беҳуда кетаётган эди, чунки тахмон унинг

боши устида худди қоядек соя ташлаб турар, у нечоғлик уринмасин, барибир йиқитишга қурби етмасди. Мен ўғлимдан кўз узмай қараб турар эканман, у ниманидир излаётгани ва шундан буткул тинчини йўқотиб қўйганига тобора ишониб борар, хаёлимни бир-биридан сирли ва чигал ўйлар банд эта бошлаган эди. Ўғлим бунчалик ичиккан кўйи нимани излаяпти, ўзи? Бу савол бир қарашда жуда оддий ва ўта жўн туюлса-да, мен айна пайтда қанчалик бош қотирмай, барибир жўяли жавоб топма олмасдим.

Аслида, бу саволга ўғлимдан бўлак ҳеч ким жавоб беролмасди. Аммо ҳали унинг тили чиқмаган, шу боис, табиийки, хаёлини қандай сирли нарса ўғирлаб қўйганини аниқ-таниқ айтиб беролмасди. Фақат унинг кўнглида қандай ўйлар кечаётган бўлса, барча-барчаси кўзларида акс этган эди. Бироқ нигоҳидаги маънони уқиб олишга бизнинг ақл-идрокимиз ожизлик қиларди.

Ўғлим ҳамон тахмон четини қўйиб юбормаган, лекин энди унинг хатти-ҳаракатлари аста-секин асабий тус олиб борар, қўлчалари ўзига бўйсунмай зир-зир титрар, ҳансираб оғир-оғир нафас олиши эса, уй ичини тутиб кетган, юзини ҳам тушқун бир ифода қоплаб олган, кўзларида гир-гир ёш айланар ва у тахмон четини тутганча омонатгина чайқалиб турарди.

Мен ўғлимнинг хатти-ҳаракати охир-оқибат шундай аянчли якун топишини олдиндан сезган ва юрагим қўрқув ва хавотирга тўлиб тоқатсизланиб турган эдим. Ўйлаганимдек, бир чоғ ўғлим алам ва иддао билан ўзини ерга ташлаб юборди ва уй ичини унинг чинқириб йиғлагани тутиб кетди. У саркашлик билан ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб йиғлар, оёқчалари билан ерни тап-тап тепиб қўяр ва кўзларидан тирқираб ёш қуйилиб келар эди. Овози шунчалик алам ва изтиробга тўла эдики, бу оддий гўдакнинг хархашасига сира ўхшамас, балки бошига оғир жудолик тушган кимсанинг фарёди сингарри юракка санчилиб ботар эди.

Менинг бирдан кўнглим бузилиб, кўзларим ўзим сезмаган ҳолда ёшга тўлиб қолди ва ўрнимдан отилиб туриб, ўғлимни ердан кўтариб олдим. Аммо унинг кўнгли баттар ўксиб кетди, шекилли, юзини кўксимга босиб, боягидан ҳам аянчлироқ овозда чинқириб йиғлашга тушди. У сўз билан ифода этолмаган изтиробу аламини йиғи орқали англатмоқчидек, ўзини босолмай селу селоб бўлиб йиғлар, йиғи зарбидан миттигина жуссаси силкиниб-силкиниб тушар, аъзойи бадани темирдек қизиби кетган, кўзлари-

дан тирқираб чиқаётган иссиқ кўз ёш кўксимга шилқиллаб сингиб бораётгандек эди.

Мен уй ўртасида ўғлимни бағримга босиб турарканман, уни қандай қилиб овутишни билмасдим, назаримда, одатдаги ширин сўз ва эркалаларим айна дамда ўзининг таъсирини буткул йўқотиб қўйган эди.

Бунинг устига унинг миттигина жисму жуссасини ўраб-чирмаб олган изтиробу ўкинч, алам ва қайғу, ўзини буткул унутганча чинқириб йиғлаши мени ҳам бирдан қарахт қилиб ташлаган, бошим ҳеч нарсани идрок этмас, худди чорасиз қолган кимса каби ўғлимни бағримга босганча тошдек қотиб турардим.

Хотиним ҳам аллақачон ўғлимга қўшилиб, пиқ-пиқ йиғлашга тушган, аммо у нега йиғлаётганини ўзи ҳам тузук-қуруқ билмас, фақат кўнгли қандайдир нохушликнинг шарпасини сезганидан кўзлари қўрқув ва ваҳимага тўлиб қолган эди. У ўғлимнинг бошини силаган кўйи алланималар деб овутишга уринар, аммо тили сира калимага келмаётганидан гўлдирашдан нарига ўтмасди.

Ўғлимнинг ҳадеганда йиғиси босилавермагач, хотиним уни қўлимдан олиб, бағрига босди ва, зора, овуниб қолармикин, деган ўйда кўкрак тутди, одатда ўғлим хархаша қилиб йиғлашга тушган пайт хотиним дарров шундай қилар ва бола бирдан андармон бўлар эди. Бироқ бу гал ўғлим кутилмаганда, оғзига кўкрак олишни истамади, худди ўзига сут эмас, балки захар бераётгандек, бошини орқага ташлаб йиғлар, оёқчаларини бетиним типирчилатиб, онасининг бағридан халос бўлишга уринарди.

Хотиним дам унинг қўлига қандайдир ширинлик тутар, дам ўйинчоқларини шиқирлатиб, хаёлини чалғитишга уринар, лекин буларнинг барини унинг адоқсиз йиғиси босиб кетарди.

Ахийри, хотиним ўғлимни бешикка ётқизди-да, бешикни оҳиста тебратган кўйи ҳазин овозда алла айта бошлади, у алла айтаётгандан кўра кўпроқ нола қилаётганга ўхшар, ғамгин овози ҳали-ҳануз биғиллаб йиғлаётган ўғлимнинг йиғисига қоришиб, хонани тутиб кетганди.

Хотиним бешикни узоқ тебратди. Ўғлимни йиғи қаттиқ ҳолдан тойдириб ташлаган эди, кўп ўтмай кўзлари уйқунинг сирли домига илинди-ю, тинчиб қолди. Аммо жуда нотинч ухлар, алаҳсираганча алланималар дея гўдранар, гоҳо у ёқдан-бу ёққа ағдарилишга уринар, бироқ бешикнинг маҳкам тортиб боғланган боғичлари бунга имкон бермасди.

Ҳа, шундай, ўғлимнинг хаёлини ўғирлаган ўша сирли нарса уйқусида ҳам тинчлик бермасди, у ухлаб ётаркан, юзидаги ифода тез-тез ўзгариб турар, гоҳида қуруқшаган лабларида кутилмаганда беғубор кулги шарпалари югургилаб қолар, аммо кулгичлари ҳали росмана ёйилишга улгурмай туриб, бирдан сўнар, сўнг чехрасини тагин тунд ва рутубатли, мутлақо тушунисиз ифода қоплаб оларди. Баъзан эса, уйқусида алланимадан чўчиб-чўчиб тушганидан ранг-рўйи терс оқариб кетар ва лаблари тортилиб, йиғлашга чоғланарди-ю, лекин уйқу бунга йўл қўймасди.

Ўғлимнинг руҳияти қаттиқ безовта тортган, ич-ичидан қандайдир дард қийнаётгани кўри-ниб турарди. Мен унинг изтиробга ботган юзига қараб туришга ортиқ сабрим чидамади, бешик-нинг ёпинғичини секин тортиб қўйдим.

* * *

Эртаси куни эрталаб институтда илмий раҳбарим бўлмиш қирқ беш ёшлар чамасидаги, пакана бўйли профессор билан учрашдим: илмий ишим аллақачон ниҳоясига етган, фақат ҳимоя кунини белгилаш қолган эди. Профессор мен билан ҳол-аҳвол сўрашгач, кейинги ойнанинг охирида илмий ишим ҳимояга тавсия этилганини айтар экан, баъзи бир камчиликлар устида жиддий ишлашим лозимлигини қайта-қайта тайинлади:

– Иш ҳар жиҳатдан пухта бўлгани яхши, – деди у. – Ҳали олдинда етарлича вақт бор. Илмий ишингизни яна бир марта бошдан-охир қайта кўздан кечириб чиқинг.

Профессор тагин бир талай топшириқларни берди. У ҳимоя муросасиз ва кескин ўтишини, тирноқ остидан кир қидирадиган айрим кимсалар пайт пойлаб юрганини, уларнинг ҳар бир илмоқли саволига ўзимни йўқотиб қўймай, босиқлик билан жавоб қайтаришим лозимлигини қайта-қайта уқтирди.

Профессор анча бадгумон одам эди, илмда ганимларим кўп деб ўйлар, гўё ҳар бир босган қадамини кимдир таъқиб этиб юргандек, ўта эҳтиёткор эди.

Мени негадир жуда қобилиятли, кўп нарсага қодир ёшлардан бири деб ҳисоблар, бундан беш йил бурун ҳам, институтни тугатиш арафасида талабалар орасидан ёлғиз мени илм билан шуғулланишга ундаган эди.

Профессор билан хайрлашгач, тўппа-тўғри уйга йўл олдим. Айни пайтда илмий ишим, ниҳоят, ҳимояга тавсия этилгани ҳам кўнглимга таскин беролмасди. Ҳолбуки, ҳаётимдаги энг

катта мақсадим – шу илмий ишни ҳимоя қилиш эди. Мен бунинг учун қарийб беш йил машаққат чеккан, тунларни уйқусиз ўтказган, кутубхона-нинг зах босган хоналарида ойлаб китоб титкилаб ўтирган эдим. Айниқса, ота-онам ва хотиним худди мўъжиза содир бўладигандек, ҳимоя кунини сабрсизлик билан кутар эди.

Тунни нотинч ўтказганимдан бошим лўқиллаб оғрир, бутун вужудим ланж ва карахт тортган, ҳеч нарса ёқмас, хаёлим паришон эди. Аммо шундай афтодаҳол аҳволга тушиб қолганимга қарамай, ўғлим нимани излаб бунча безовта тортаяпти, деб дам-бадам ўз-ўзимдан сўраб қўярдим. Бироқ кеча оқшомдан буён бу ҳақда тинимсиз ўйлаганимга қарамай, ўзимни қониқтирадиган жўяли жавоб топа олмаган эдим. Ўғлим уйдаги бирор буюм ёки ўйинчоқ-нинг дардида шунчалик ичкиб безовта тортаётган бўлса, аввало, унинг ўзи ўша кўзига қизиқ кўринган нарса томонга талпинар, қўли билан имо-ишора қилиб кўрсатганча, олиб бер, дея хархаша қиларди. Аммо кеча оқшомдан буён бирор-бир буюм ёки жиҳозга қайрилиб ҳам қарамаган эди. Қолаверса, ҳар қандай ўжар бола ҳам ўйинчоқ ёки буюмнинг кўйида бунчалик ичкиб, безовта бўлмайди. Ким билади, эҳтимол, ўғлим излаётган нарса нафақат уйимизда, балки умуман дунёда йўқдир?! Эҳтимол, ўғлим нимани излаётганини ўзи ҳам тузук-қуруқ билмас?! Эҳтимол, бу узоқ вақт яширинча давом этган ва кутилмаганда қалқиб юзага чиққан қандайдир оғир дарднинг аломатидир? Ахир, дунёда нима кўп, дард кўп, ўғлим ҳам шуларнинг бирига чалинган ва шундан қаттиқ безовта тортаётгандир?!

Шундай ўй-хаёлларга ғарқ бўлганча уйга етиб келиб, ичкарига қадам босарканман, эшикни очган хотинимнинг ғуссага ботган сўлғин юзига кўзим тушиб, хаёлимдан ўғлим кеча оқшомдагидек тинчини йўқотганча яна алланимани излаяпти, деган ўй кечди. Кўнглим баттар қоронғи тортиб, хотинимга сўз қотишга ҳам ҳафсалам етмай, ичкарига бош суқдим.

Ўғлим бешик қаватида тўшалган кўрпача устида хаёлга чўмган кўйи тиззаси устига қўйиб олган қалин муқовали китобни – менинг илмий ишимга тааллуқли “Қадимги дунё солномаси” эди – бир-бир варақлаб ўтирар эди. Менинг уйга кирганимни пайқамади, шекилли, бошини кўтариб ҳам қарамади. О, йўқ, айни дамда, у нафақат мени, балки бутун дунёни унутган, гўё тиззаси устига қўйиб олган китобнинг қат-қатига сингиб кетгандек, бирор-бир туки қилт этмас, юз-кўзида хаёлнинг оғир шарпалари

сузиб юрар, лабларини чўччайтириб олган эди. Китобни шошилмай, битта-битта варақлар, ҳар бир саҳифани берилиб, диққат билан кўздан кечирар, ҳеч нарсани кўздан қочирмас, баъзан аллақайси суратга узоқ тикилиб қолар, пешонасини тириштириб алланималарни хаёлидан ўтказар, бундай пайтда юзининг бир чеккаси хиёл ёришиб кетгандек туюлар, аммо бу ифода бир лаҳзада ғойиб бўлар, сўнг худди хўрсингандек, чуқур нафас олиб, жимгина навбатдаги саҳифани очар эди. Ҳали эсини танимаган гўдакнинг бундай вазмин ва жиддий тортганча китоб варақлаб ўтириши, табиийки, ҳар қандай кишини ҳайратга соларди. Аммо ўғлим шунчаки ўйнаган бўлиб, китоб титкилаётгани йўқ, балки юрагига қутқу солган ўша сирли нарсани китоб орасидан излаётганди. Боя уйга бош суқиб, унга кўзим тушган заҳотиёқ кўнглимдан шундай ўй кечган эди.

Остонада анча пайт туриб қолдим. Бир пайт ўғлим нимадандир хаёли бўлинди, шекилли, китобдан нигоҳини узди-да, бошини ўгириб менга қаради: аммо кўзимиз кўзимизга тушганда ҳам, унинг юзида қилт этган ўзгариш аломати сезилмади. Худди мени танимаётгандек совуқ ва бегонасираб тикилиб турар, нигоҳи аллақандай қайғули ва ғамгин эди. Афтидан, уни хаёл буткул чалғитиб қўйган ёки жисму жуссаси қарахт тортиб қолганидан ҳеч нарса сезмас ва идрок этмасди. Мен буларни ичимдан тўқиб-бичиб айтаётганим йўқ, балки ўғлимнинг айна дамдаги ҳолатини бошқача изоҳлаб бўлмасди. Одатда, ҳар кунни уйга келганимда у мени кўрган заҳотиёқ ирғишлаб, бағримга талпинар, қувончдан кўзлари порлаб кетарди. Айна дамда эса, биз худди икки нотаниш кимса каби бир-биримизга бегонасираб тикилиб турардик.

Анча пайтдан сўнг ўғлим нигоҳини худди қийналгандек базўр узиб олди-да, оғир хўрсиниб, тагин жимгина китобни титкилашга тушди. У менинг остонада ўзига тикилиб турганимни бирдан эсидан чиқариб юборгандек, қайта ўгрилиб қарамади ҳам.

Мен кутилмаганда жуда ғалати аҳволга тушдим, худди бегона уйга адашиб кириб қолган кимсадек, ўзимни ноқулай ҳис этар, остонада тош қотиб туришни ҳам, ташқарига чиқиб кетишни ҳам билмасдим.

Шу пайт боя уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай дўкондан харид қилган ўйинчоқлар туйқус ёдимга тушиб қолди-ю, ҳали қўлимдан ҳам қўйишга улгурмаган тўрхалтани шоша-пиша титкилай бошладим. Мен ҳаяжонланган кўйи ўйинчоқларни тўрхалтадан олиб, ўғлимнинг

қаршисига териб қўйдим. Кейин қаддимни ростлаб: – Муайяд! – дедим овозимни кўтариб. Овозим ҳаяжон ва энтикишга қоришиб эшитилганидан ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим. – Қара, ўғлим, сенга қандай чиройли ўйинчоқлар олиб келдим.

Дарвоқе, ўйинчоқлар жуда бежирим ва чиройли эди, ҳар қандай боланинг эътиборини бирдан ўзига тортиб, кўзини ўйнатиб юбориши тайин эди. Ўғлим ҳам китобдан нигоҳини узиб, ўйинчоқларга тикилиб қолди. Афтидан, ўйинчоқлар унга ёқиб тушди, шекилли, бирдан қуруқшаган лаблари ёйилиб, кўзларидаги рутубатли ифода аллақаяққа ғойиб бўлди. Аммо тиззаси устидаги китобни маҳкам ушлаб олган, чамаси, ундан ҳали хаёлини бутунлай узолмаган эди.

Бироқ орадан бир лаҳза ўтиб-ўтмай, унинг кўнглида уйғонган қизиқиш ҳисси бирдан сўниб қолди, шекилли, тагин қабоқлари солиниб кела бошлади. Ўғлим ўйинчоқларга қўл уриш у ёқда турсин, ҳатто шу томонга талпинишга ҳам рўйхуш қилмади. Фақат ўйинчоқлардан нигоҳини узиб олаётиб, гўё буларни нима мақсадда олиб келганимни ич-ичидан яхши англаб тургандек, кўзларини катта-катта очганча, ялт этиб менга қаради ва бир муддат киприк қоқмай тикилиб қолди. О, унинг тигдек ўткир, изтиробу алам қоришиб кетган нигоҳига дош бериш жуда оғир эди. Аммо бизнинг кўзларимиз тўқнаш келганда, мен унинг нигоҳидан шунчалик кўп нарсани ўқиб олдимки, азбаройи юрагим кўрқув ва ваҳимага тўлиб қолганидан, бирдан бўшашиб кетдим.

Ўғлим ўзини қийнаётган дарду балога кеча ёки бугун чалинмаган, балки бунга анча пайт бўлган, эҳтимол, дунёга келган заҳотиёқ у мўру малаҳдек унинг этагига ёпишган ва кунлар ўтган сайин буткул жисму жуссасини ўраб-чирмаб олган эди.

Ҳа, ҳа, шундай, айна дамда ўғлимнинг инон-ихтиёри ўзида эмасди, бу дард қора хаёл каби фикру зикрини банд этиб, буткул ўз измига солиб олишга улгурган эди.

Энг даҳшатлиси, ўғлимнинг биздан – мен ва хотинимдан аллақачон кўнгли совиган ва биз, икки қутбнинг ўртасида тубсиз жарлик пайдо бўлган эди. Бизнинг меҳру муҳаббатимиз, еру кўкка ишонмай суюб эркалашларимиз унинг муз тортган юрагини энди қайта илита олмас, худди меҳрга тўймаган, мудом хўрлик, жабру ситамдан боши чиқмаган ўғай фарзанд сингари аллақачон бағримиздан бош олиб кетган ва ўзга бир дунёда сарсон-саргардон тентираб юрар эди. ◉

У ўзи адашиб кириб қолган бу дунё мурғак кўнглига муттасил азоб ва изтироб ўтини солиб турса-да, бизнинг бағримизга қайтишни сира хаёлига келтирмас, гўё бошидан кечираётган жабру ситамлар жисму жуссасига роҳат бағишлаётгандек тобора узоқлашиб борарди.

Эҳтимол, ўғлим бу дарду ситам худди қора кўланка сингари ваҳм билан устига бостириб келган пайт кўмак ва нажот истаб, бизнинг бағримизга талпинган, чинқириб йиғлаганча нола қилган, умид ва илинж билан оғзимизга тикилган, соғинч ва изтиробдан кўзлари толиб қолган, аммо умиду илтижоси, нолаю фиғони худди сувга отилган тош сингари сас-садосиз кетаётганини кўргач, тушкунликнинг беаёв исканжасида бизнинг бағримиздан бош олиб кетишга мажбур бўлгандир.

Йўқ, йўқ, ўғлим хаёлини ўғирлаб, буткул ўз изму ихтиёрига солиб олган ўша сирли нарсани, энг аввало, бизнинг жисму жуссамиздан излаган, кўнглимизнинг ҳеч қачон очилмагани боис занг ва рутубат босиб кетган эшикларини умид ва илинж билан узоқ пайт тақиллатиб турган, ҳатто овоз бериб чақирган, аммо ичкаридан ўзини дафъатан қувонтириб юборадиган бирор-бир сас-садо эшитилавермагач, тушкун ва умидсиз қиёфада изига қайтиб кетган. Биз эса, унинг аҳвол-руҳияси, юрак уриши, интилишу изтиробларидан мутлақо беҳабар ҳолда ғафлат кўрпасига бурканиб яшаган, ширин сўз ва эркалашларимиз билан мурғак қалбини қувонтираяпмиз, деб ўз-ўзимизни алдаб келган, аслида эса, унинг кўм-кўк майса сингари ўса бошлаган умиду ишончини шафқатсизларча топтаб ташлаган эдик. Ўғлим бизнинг бағримизга талпинаркан, буткул ўзга нарсаларни излаган, аммо ташландиқ уй сингари харобага айланиб, ҳувиллаб ётган қалбимизни кўргач, бирдан ишончу умиди сўниб қолган эди. У биздан қанчалик тез узоқлашса, шунчалик енгил тортиб борарди.

Мен боя ўғлимнинг нигоҳидан шуларни уқиб олган ва азбаройи даҳшатга тушганимдан юрагим муз тортиб кетган эди.

* * *

Оқшом биз ўғлимни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Ўғлим тун алламаҳал бўлгунга қадар уй ичида у ёқдан-бу ёққа тентираб, хаёлини буткул ўғирлаб қўйган ўша нарсани бесамар излаб юрди. На менинг, на онасининг қучоғига талпинди; инжиқлик ва хархаша ҳам қилмади. Фақат кўзларига уйқунинг аччиқ захри қадалгандан сўнги инжиқланиб, йиғлашга тушди.

Онаси уни жимгина бешикка ётқизиб, тебратгач, тезда ухлаб қолди.

* * *

Аниқ ёдимда йўқ, ҳафтанинг чоршанба ё пайшанба куни эди, биз Муайядни дўхтирга олиб бордик. Зеро, бундан бўлак чорамиз қолмаган, уни росмана касал деб айта олмасак-да, алланиманинг кўйида ичиккандан сўлиб-сарғайиб бо-раётган юзига жимгина тикилиб яшай олмасдик.

Бунни қарангки, ҳаммаси мен ўйлагандан мутлақо бошқача бўлиб чиқди. Дўхтир ўзининг биргина истехзоли кулгиси билан кўнглимга тинимсиз кўрқув ва ваҳима солаётган нохуш ўйларни чиппақка чиқариб юборди. У, афтидан, ўз касбини миридан-сиригача билар, ҳар бир сўзини ишонч билан гапирар, ортиқча эътироз ва тушунмовчиликка ўрин қолдирмасди.

Дўхтир бизни очиқ юз билан илиққина қарши олар экан, менинг ўғлим қандай касалликка чалиниб қолгани ҳақидаги гапларимни охиригача жимгина эшитди. Унинг ўйчан тортган юзидан бирор-бир маънони уқиб олиш қийин эди, фақат хотинимнинг тиззасида лаб-лунжини осилтирганча, тумшайиб ўтирган ўғлимга тикилиб разм соларкан, кутилмаганда ўзини тутолмай бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди. Кулгиси зарбидан хона деразаси ойналари зирқираб кетгандек туюлди. Мен ҳайрон қолганча саволомуз қарадим: кулги таъсирида унинг кўзлари ёшланиб, икки юзи кип-қизил тортган эди.

– Оббо сизни-ей, – деди у ўзини кулгидан базўр тияр экан. – Ўйлаб топган гапингизни қаранг: алланимани излармиш! Ўғлингиз ҳали эсини таниб улгурмаган гўдак-ку, муштдек боши билан нимани излаши мумкин?! Бундай гапларни қаердан топдингиз, сира ақлим етмайди.

У сўзини қисқа қилди, боя нечоғлик тез шарақлаб кулган бўлса, шунчалик кутилмаганда жиддий тортиб, ўғлимни хона тўридаги оппоқ чойшаб тўшалган тўшакка ётқизди-да, кўздан кечира бошлади. У энгашган ҳолда, бегонасираётганидан тинимсиз типирчилаётган ўғлимнинг гоҳ қорнини босиб кўрар, гоҳо қабоқларини кўтариб, кўзи остига қарар ва ора-сирада хотинимга юзланиб, туғилганда йиғлаганмиди, асосан қайси пайтлар безовта бўлади, деб сўраб қўярди. Унинг кўзлари ўйчан тортган, юзида аллақандай мубҳам фикрнинг шарпаси сузиб юрар, чамаси, ўғлимни қандай дард безовта қилаётгани ҳақида ўйларди. Кейин у дераза қаршисидаги ўриндиққа келиб ўтирар экан, менга юзланди:

– Хўш, хавотир олмасангиз ҳам бўлади, – деди у сўзларига имкон қадар салмоқ беришга тиришиб. – Ўғлингиз айтарли жиддий касалга чалинмаган. Тўғри, бола нимадандир қаттиқ безовта бўлиб, тинчини йўқотган. Аммо у, сиз ўйлагандек, алланимани излаётгани йўқ. Асаблари бузилган. Одатда, асаби бузилган болалар шундай тинчини йўқотиб қўяди. Ўз вақтида олдини олиш керак, йўқса, ёмон асорат қолдириши мумкин. Болани фақат уйда олиб ўтириш ҳам ярамайди, тез-тез тоза ҳавога олиб чиқиб, айлантриб туриш зарур. Онаси ҳам ҳамма нарсага сиқилавермасин, бу ҳам сут орқали болага таъсир қилади. Ҳозир зарур дориларни ёзиб бераман, кунига уч маҳал ичириб турасизлар. Бир ҳафтада ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

Мен унинг гапларини жимгина тинглар эканман, ўзим ҳам юрагимни босиб ётган ваҳм ва қўрқувдан халос бўлиб, руҳим енгил тортиб борардим. Хотинимни билмайман, аммо, менинг назаримда, ўғлим аллақачон соғайиб кетгандек туюлар ва шунча кундан буён беҳуда қўрқинчли хаёлларга берилиб, ваҳимага тушиб юрганимни ўйлаб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим.

Биз дўхтирнинг ҳузуридан енгил тортиб чиқдик.

* * *

Оқшом уйимизда анча кундан буён биринчи марта сокин ва ёқимли жимлик чўкди: хотиним ўғлим касалга чалинганидан буён тузук-қуруқ қўл урмаганидан тўзиб кетган уйни супуриб-сидирар, буюм ва жиҳозларнинг чанг-чунгини артиб, тартибга келтирар эди. Унинг анча чиройи очилган, кўзларидаги ғусса-ли ифода ғойиб бўлган эди.

Ўғлим дўхтир тавсия этган дориларни ичгач, гўёки мўъжиза рўй бергандек, кечаги безовталиги бирдан йўқолиб, мулойим тортиб қолган, гарчи юз-кўзидан ҳали-ҳануз тунд ва рутубатли ифода аримаган эса-да, энди ортиқ ниманидир излашга уринмас, бўшашган кўйи мудраб ўтирар, уйқу сели бостириб келаётганидан кўзлари дам-бадам юмилиб-юмилиб кетар эди. Энг муҳими, онаси кўкрак тутганда, инжиқлик қилмай олган ва чўлпиллатиб-чўлпиллатиб узоқ эмган эди. Бу, табиийки, яхшилик аломати эди. Унинг иштаҳаси очилгани дард аста-секин ортга чекинаётганини сўзсиз айтиб турарди.

Бунинг устига, одатдагидан анча барвақт – ҳали онаси бешикка белашга улгурмай туриб, шундай кўрпача устида ухлаб қолди. Тош қотиб ухлар, нафас олиши сокинлашган, чамаси, унинг

ичикиш ва безовталиқдан толиққан вужуди ором олаётган эди.

Мен дўхтир тавсия этган дориларнинг биринчи кундан шундай таъсир қилганини хаёлимдан ўтказар эканман, ўғлим ҳадемай дард кўрмагандек, буткул соғайиб кетиши, унинг кулгуси тагин уйимизни тўлдириши, кўнглимизга қувонч ва умид олиб киришига асло шубҳа қилмасдим.

* * *

Илмий ишимни ҳимоя қилиш куни яқин қолган, жиддий тайёргарлик кўришим керак эди. Шу боис диссертациямни яна бир карра кўздан кечириб чиқиб, тартибга солиш, уч нусхада кўпайтириб, институтдаги обрўли домлаларга тақризга бериш ва ҳатто ҳимоядан сўнг мўлжалланган зиёфат тўғрисида ўйлашим лозим эди. Мен шуларни ўйлаб, эрталаб уйдан чиқиб кетар, кун узоғи югур-югурдан дайди итдек толиқиб, оқшом пайти қайтиб келардим.

Ўғлим ҳам, назаримда, аста-секин соғайиб борар, уни ортиқ ҳеч нарса безовта қилмай қўйган, ранг-рўйи ҳам ўзига келиб қолганди. Фақат чақалоқлик кезларидаги каби кунни тунга, тунни кунга улаб ухлар, уйқудан уйғонган кезлари ҳам кўзларини базўр очиб, эснаб-эснаб ўтирар эди. Хотиним унинг бу ҳолатини касалликдан кейинги дармонсизликка йўяркан, болам шўрлик озмунча дард чекдими, бир ҳафтанинг ичида озиб-тўзиб, чўпдек бўп қолди, илоё, барча кўрганлари шу бўлсин, дея ёзғириб қўярди. Назаримда, у ўғлимдан кўра кўпроқ ўзининг зада тортиб қолган кўнглига таскин-тасалли бераётгандек туюлар, ҳали-ҳануз овозининг қат-қатида ҳадик ва хавотир шарпалари сезилиб турарди.

* * *

Орадан кўп йиллар ўтгач, мен шаҳарда айни илмий ишимни ҳимоя қилиш арафасида худди қўрқинчли туш сингари беҳаловат кечган ҳаётимни ҳар гал эслаганимда, жисму жуссамни алам ва ўкинч ҳисси совуқ илондек ўраб-чирмаб олганидан беихтиёр ўрнимдан отилиб туриб кетар, шафқатсизлик билан ич-этимни кемираётган мудҳиш ва азобли ўйлардан сира қутула олмас, ҳали тилу забони чиқмаган, бу ҳаётнинг қўйнига бир лаҳзагина қўниб ўтган мана шу гўдак – ўғлим қаршисида ўзимни нафақат гуноҳкор, балки унинг шаффоф туйғуларини аёвсиз топтаб ташлаган, умиду ишончини поймол этган ёвуз кимсадек ҳис этардим.

Аммо мен юрагим куйиб, нечоғли ўртанмай, барибир ўғлимга ич-ичимдан ҳавасим келарди. ❊



У гарчи бу дунёнинг бағрига бир нафасгина кўниб ўтган, ҳали бирор-бир ниманинг номини билишга ҳам улгурмаган бўлса-да, биз ҳеч қачон хаёлимизга келтирмаган, аммо ҳаётнинг маъно-мазмунини ва мезонини саналган ўша муқаддас нарсани гўдак тасавури билан англаб етган ва бир кўришдаёқ унга ошурфта бўлиб қолган, бу сирли хилқат унинг масъум хаёлларини юксак-юксакларга парвоз қилдирган, митти юрагини жунбушга солган,

ёр хажрида ўзини унутган ошиқ сингари бутун вужуди билан унга томон интиланган, интила туриб юраги туйғуларга тор келганидан нолаю фиғон қилган, қувончдан қийқириб юборган, аммо унинг қувончу нолаеси, аламу изтироблари худди аллакимнинг бефаросатларча ташлаган қадамидан кўзи бекилиб қолган муқаддас булоқ сингари кўнглининг туб-тубида қолиб кетган эди.

Мен, ростига гап, ўша кунларда ўғлим буткул ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, ўжарлик билан кечаю кундуз нимани излагани ва излаётган нарсасини унга нега керак бўлиб қолганидан мутлақо беҳабар, ҳаётимда қандай кўргилик рўй берган бўлса, барини тақдири азалининг ҳукмига йўйиб, тинчгина яшаб юраверишим мумкин эди. Ким билади, эҳтимол, қисматнинг йўриғи шундай кечганда изтиробу азоб чекмай, турли хаёлларга берилмай, қисматнинг ёздиғига кўникиб кетар ва охир-оқибат ҳамма-ҳаммасини унутиб юборар эдим. Ахир, бу дунёда нималар унутилмайди, қандай муқаддас туйғулар эскириб бурда-бурда бўлган либос каби йўқолиб кетмайди, дейсиз? Бу дунёда аввал бошдан ҳамма нарса унут бўлишга маҳкум этилмаганми?!

Бироқ ўғлимнинг дарди кутилмаганда қайта хуруж қилиб қолган, биз азбаройи саросимага тушганимиздан буткул эс-ҳушимиздан айрилган ўша кунларда йўлак четида ўтирадиган анави тиланчи чол ердан чиқдимиз, осмондан тушдимиз, билмайман, туйқус ҳовлимизда пайдо бўлди-ю, бир зумда ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборди, у бизга ўғлим шунча кундан буён жонсарак ва ичиккан кўйи қандай сирли нарсани излаётганини айтиб кетди...

* * *

Ўшанда ҳафтанинг охири – якшанба куни эди. Ўғлим дўхтир буюрган дориларни аллақачон ичиб бўлган ва, назаримда, унинг юз-кўзидан

дарднинг оғир сояси аста-секин кўтарилиб борарди. Фақат ҳали-ҳануз уйқудан кўз очай демас, уйқунинг аччиқ захридан қабоқлари шишиб кетган, афтидан, ўзи ҳам аллақандай карахт тортиб қолган эди. Муҳими, у бурунгидек аллангани излаб безовта бўлмасди.

Аммо якшанба куни эрталаб биз хаёлимизга ҳам келтирмаган воқеа юз берди: ўғлим гўё аъзойи-танида чидаб бўлмайдиган оғриқ тургандек, ваҳм билан йиғлаганча уйқудан уйғониб кетди. Аллақандай бўғиқ, алам ва изтироб қоришиб кетган йиғиси бир зумда уй ичини тутди. Ўғлим бўғилиб йиғлар ва чиранган кўйи бешик боғичларидан қўл-оёғини бўшатишга уринар, юзи бўзариб қонталаш тусга кирган, типирчиладан бешик “ғийқ-ғийқ” этиб чайқалганча тебранарди.

Унинг йиғиси қулоғимга урилган заҳотиёқ, гўёки аллақачон унутилган мудҳиш хотира кутилмаганда қайта ёдимга тушиб қолгандек, бирдан юрагим совуқ тортиб кетди: ҳа, бу ўша, бир ҳафта бурунги йиғининг айнан ўзгинаси эди, фақат айни дамда узоқ вақт даммини ичига ютиб юрган аламзада кимсанинг фарёди сингари зардали ва қахрли тус олганидан, юракни сескантириб юборар эди.

Хотиним ҳовлида қандайдир юмуш билан куймаланиб юрарди, ўғлимнинг йиғлаганини эшитган заҳотиёқ отилиб уйга кирди. Афтидан, у қаттиқ кўрқиб кетган, ранг-рўйи оқариб, қўл-оёғи дағ-дағ қалтирар ва энтиккан аҳволда тез-тез нафас олар эди. У уйга кира солиб, ўзини бешикнинг устига ташлади ва шоша-пиша ўғлимни ечиб олди-да, бағрига босди.

Аммо ўғлим онаси бағрига боришни истамади, аксинча, баттар чинқириб йиғлаганча, зарда билан кескин равишда ўзини орқага силтаб ташлаб юборди. Унинг боши худди жонсиздек осилиб қолди, нафаси ичига тушиб кетганидан овози хириллаб, базўр эшитилар, кўзлари орқага тортиб кетган ва пешонасидан тер селдек қуйилиб келар эди. Хотиним унинг аянчли аҳволини кўриб, баттар кўрқиб кетди ва дарров кўрпачага ўтирғизиб, пиёлада сув олиб, тутди. Ўғлим сувни ҳам ичишни хоҳламади, аммо кўрпачада омонатгина чайқалиб ўтирар экан, кутилмаганда, бирдан йиғлашдан тўхтади ва уйқу ҳамда йиғининг таъсирида шишиб кетган кўзларини йириб-йириб очганча, уй ичига жавдираб тикилиб қолди. У гўё бу торгина уй ва ундаги жиҳозларни биринчи марта кўриб тургандек, ҳайрат ва кўрқув аралаш киприк қоқмай боқар, ўткир ҳамда аллақандай аламли нигоҳини ҳамма нарсага бир-бир қадаб чиқарди. У дафъатан

тинч тортиб қолган эди, аммо кўзларини катта-катта очганча жавдираб тикилиб туришининг ўзи оғир ва қайғули эди. Ўғлимни бу дарду бало буткул ҳолдан тойдириб ташлаган, эти устихонига бориб ёпишган, пажмурда жуссасига қарашга юрак бетламасди.

Мен унинг мана шундай аянчли қиёфасига қараб туриб, ҳамма-ҳаммасини бирдан тушуниб етдим-у, кўнглим баттар қоронғи тортиб кетди. Биз, хотиним иккаламиз шунча кундан буён ўғлимиз дарддан халос бўлаяпти, деган ўйда ўз-ўзимизни беҳуда алдаб келган, унинг дарди тузалиш ўрнига баттар зўрайган эди. Дўхтир тавсия этган дорилар ўғлимга зиғирча таъсир қилмаган, аксинча, асабларини қақшатиб, баттар жиззаки ва инжиқ қилиб ташлаган эди. Бояги жазавага тушган кўйи чинқириб йиғлаши ҳам шундан дарак бериб турар, чунки илгари ҳеч қачон бунчалик ўзини йўқотиб зорланмаган эди.

Ҳа, шундай, биз кутгандек, ўғлим этагига ёпишган бу дарддан халос бўлмаган, гарчи ўн кундан буён уйқудан кўз очмай ётган эса-да, ўша хаёлини ўғирлаган сирли нарсани унутиб юборолмаган эди. Йўқ, чамаси, ўғлим кечаю кундуз ишончу умидини йўқотмай, ўша сирли хилқатнинг ёди билан яшаган, уйқу салтанатининг кўз илғамас сарҳадларида сарсон-саргардон кезинган, ўзини ҳар томонга ташлаб, нолаю фиғон қилган, типирчилаб безовта ураётган юраги алам ва изтиробга тўлиб кетган, аммо уйқунинг кўз илғамас тўрларидан халос бўлишнинг имконини топа олмаган. Йўқ, йўқ, уйқу салтанати уни худди эртақлардаги жодулаб ташланган паҳлавон каби бағрида маҳкам тутиб турган, қимир этишга имкон бермаган эди.

Ўғлимнинг ўша, ўзи ичиккан кўйи излаётган сирли нарсага муҳаббатияю ошуфталиги янада ортган, у гўё маъшуқасидан айрилган ошиқ сингари телбага айланиб қолган, ўртаниб олов каби ёнаётган юрагининг ҳовурини эса ҳеч вақо боса олмас, афтидан, унинг кўзига ўша сирли хилқатдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

У айни дамда йиқилиб тушадигандек бир аҳволда чайқалибгина ўтириб, уйнинг қоронғи тортган бурчакларига киприк қоқмай тикилар экан, ҳеч шубҳасиз, ўша хаёлини ўғирлаб қўйган сирли нарсани излар эди.

* * *

Ўғлим ўша куни ортиқча инжиқлик ва хархаша қилмай, уй ичини обдон кўздан кечириб чиқди. Илгари ҳам минг марта нигоҳи тушган, қўлчалари билан ушлаб кўрган буюмларни яна эринмай қайта титкилар, синчков ва безовта разм солар эди. ◉

Аммо ўзи жонсарак бўлиб излаётган ўша сирли нарсани ҳеч қаердан топа олмас, бундай пайтда бирдан бўшашиб, қўлчалари шалвираб осилиб тушар ва истамайгина нарёққа эмаклар кетарди. У, афтидан, бизни бутунлай эсдан чиқариб қўйганга ўхшар, ўзини шунчалик бефарқ ва эътиборсиз тутардики, қараб туриб беихтиёр таажжубга тушарди киши. У эрталаб ваҳм билан йиғлаган кўйи уйқудан уйғонганидан буён бирор марта бўлсин, на менинг ва на онасининг бағрига талпинган, лоақал бошини ўгириб қараб қўймаган эди. Чамаси, хаёлида ин қуриб олган бу дард ўғлимни буткул гангитиб ташлаган ва у ўз-ўзи билан овора бўлиб қолганга ўхшарди.

Ўғлим шу алпозда уй ичини бир қур титкилаб чиққач, кутилмаганда шитоб билан эмакларганча остонага келди ва ерга ястаниб ўтириб олди-да, қўлчалари билан апил-тапил тирнаганча эшикни очишга урина бошлади. У худди қотган нонни очқўзлик билан кемираётган сичқондек эшикни тез-тез тирнар, тирноқлари остидан чиқаётган “қирт-қирт” этган бўғиқ овоз юракка оғир санчилиб, сукунатга ботиб ётган уй ичига таҳликали ёйилар эди.

Ўғлим шунчаки ўйинқароқлиги тутиб, эшикни тирнаётганга ўхшамасди, балки уни росткамига очишга уринар, ҳар бир хатти-ҳаракати қатъий ва зардали эди. О, йўқ, уни остонага бошқа ўй етаклаб келганга ўхшар, чамаси, ўзининг хаёлини ўғирлаб қўйган ўша сирли нарсани уйдан жони ҳалак бўлиб қанчалик изламасин, барибир топа олмаслигига кўзи етган ва уни энди ташқаридан излаш мақсадида эшикни очишга уринаётган эди. Ҳа, ҳа, рост, унинг қиёфасини чулғаб олган ўжар ифода ҳам шундан дарак бериб турар, айна дамда эшик очиқ бўлса, бизга – ортида нафасини ичига ютган кўйи юрак ҳовучлаб турган ота-онасига қайрилиб ҳам қарамай, ташқарига чиқиб кетиши аниқ эди.

Ўғлим ўжарлик билан эшикни очишга узоқ уринди, аммо оча олмади, эшик зилдек оғир, бунинг устига, ичкаридан қулфлаб қўйилган эди, сўнг тирноқлари тирналиб оғриганиданми ёки азбаройи хўрлик ва алам ҳисси босиб келганиданми, иддао билан ўзини орқага ташлаб юборди, боши “гурс” этиб ерга урилди ва бўғиздан отилиб чиққан аччиқ йиғи уй ичини тутиб кетди.

Ўғлим ер билан битта бўлиб ётар, ўзини боса олмай йиғлар, юраги аламга тўлганидан оёқчалари билан ерни “гурс-гурс” тепиб қўярди.

Хотиним ўзини тута олмай ҳиқиллаб йиғлаганча дарров уни кўтариб олди-да, бағрига босди. Мен ўғлимни худди ўтган сафаргидек

ҳеч нарса билан овутиб бўлмаслигини, бизнинг ширин сўзу эркалаларимиз унинг зимистонга айланиб кетган кўнглига ёруғлик олиб кирмаслигини ич-ичимдан сезиб турардим. Мен шу ўйни хаёлимдан ўтказар эканман, худди чорасиз қолган кимсадек судралиб қадам босганча ташқарига чиқдим.

Ўғлимнинг бояги аянчли ҳолати сира кўз ўнгимдан нари кетмас, худди мудҳиш ва хунук манзара сингари юрагимда қаттиқ оғриқ қўзғар, хаёлимни тўзғитиб юборган эди.

Ростини айтганда, мен ўғлим ҳадемай дард кўрмагандек, буткул соғайиб кетишига қаттиқ ишонган ва бу ҳақда деярли ўйламай қўйгандим. Аммо кутилмаганда унинг дарди қайта хуруж қилиши менинг оройиш топган хаёлимни бирдан остин-устун этиб юборган, айна дамда ақлим ҳеч нарсани тузук-қуруқ идрок қилмасди.

Аслида бу дарду бедаво ўғлимнинг этагига қаердан ёпишганига сира ақлим етмасди. У онадан соппа-соғ ва тўрт мучаси бут туғилган, чақалоқлик дамлари ҳам тинч ва осойишта ўтган, айтишга арзийдиган бирор-бир касалликка чалинмаган, биз ўша кезларда унинг на уйқусида ва на ўнгида бирор нохушлик юз кўрсатганини сезмаган эдик.

Эҳтимол, бу дард суяк сурганмикин?! Ахир, шундай ҳам бўлиши мумкин-ку! Йўқ, йўқ, нималар деб алжираяпман, ўзи, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Авлодимизда ҳеч ким бунақа дард билан оғримаган, боболарим ҳаётда қандайдир қора хаёлга берилмай, тинчгина умргузаронлик қилишган – мен буни аниқ биламан.

Аммо ўғлим-чи, ўғлим?! У кутилмаганда бу дардга қандай чалиниб қолди?! Бу қандай дард, ўзи?! Унинг давоси борми?!

Айна дамда мен ўзимни ҳеч нарса билан овутолмас, ваҳима ва хавотир тўлиб кетган кўнглимга ёлғондан таскин-тасалли бера олмасдим. Ахир, шундай кўз ўнгимда ўғлимни қандайдир дард аёвсиз эзгилаб, тобора ўз комига тортиб борар, мен эса унга на нажот ва на далда бера оламан...

Дарвоқе, ўғлим бу гал аввалгидан ҳам оғир аҳволга тушган, уни бу сирли дард буткул исканжасига олиб, қутурган шамол япроқни қандай чирпирак айлантурса, худди шундай шафқатсизлик билан эзгилар, бир дам бўлса-да ўз ҳолига қўймасди. Мен кунлар ўтган сайин бунга янада қаттиқроқ ишонч ҳосил қилиб борардим. Ўғлим уйқусини буткул йўқотган, оқшом маҳали хотиним уни мажбуран бешикка белаганда, кўзига бир чимдим уйқу олганини айтмаганда,

деярли ухламас, тунда худди ойпараст кимса сингари уй ичида у ёқдан-бу ёққа тинимсиз эмаклар юрар, алланамаларни қитир-қитир ковлаштирар, баъзан эса қайсидир бурчақда бир нуқтага тикилганча тошдек қотиб ўтирар, кўзлари қоронғилик қаърида худди унутилиб қолдирилган бир жуфт чироқдек чақнаб турарди. Унинг ҳаётида кун билан тун буткул қоришиб кетган эди.

У овқатга ҳам қарамасди, фақат онаси кўкрак тутганда, инжиқлик қилмай жимгина эмар, гўё сутнинг лаззатли ва ҳаётбахш таъмидан бутун аъзойи-тани роҳат қилаётгандек кўзлари юмилиб-юмилиб кетар ва шундай дамларда унинг юзига қон югуриб қолгандек туюлар эди. Аммо буларнинг бари ўткинчи бир ҳол эди, чунки ўғлим ҳали онасининг бағридан бўшашга улгурмай туриб, кутилмаганда қийналиб-қийналиб ўқчиганча ҳозиргина эмган сутини қайт қилиб ташларди.

Ҳайратланарли томони шунда эдики, ўғлимга уйқусизлик ва очлик негадир таъсир қилмаётгандек туюларди, аслида мени ана шу ҳол қаттиқ ташвишга соларди. Чунки ўғлимнинг жисму жуссасида толиқиш ёки чарчоқ аломатли сезилмас, у ҳамиша аллақандай тетик қиёфада уй ичида тентираб юрар, хатти-ҳаракатлари қатъий ва шиддатли эди. Мен баъзан унга тикилиб туриб, гўдак боши билан шунчалик кучқудрат ва сабр-бардошни қаердан олаётганини ўйлаб, ақлим шошарди.

Аммо бу дарду бало ўғлимга зоҳиран таъсирини ўтказаётганини, уни усталик билан аста-секин ҳолдан тойдириб бораётганини ичичимдан сезиб турардим. Аслида менинг кўнглимга ана шу ўй кўрқув ва ваҳм соларди: ахир, ҳаммаси бир умрга шундай давом этавермайди, бугун бўлмаса, эртага ҳаётимда нимадир кутилмаганда “чирт” этиб узилади-ю, барчаси бирдан тамом бўлади, деган фикрдан баъзан юрагим увишиб кетарди.

Назаримда, ўғлимнинг руҳиятига қандайдир ёвуз куч бостириб кириб, макон тутиб олган ва уни усталик билан бошқариб турарди. Ўғлим бутун инон-ихтиёрини шу маккор кучнинг изму ихтиёрига бериб қўйган, у қаёққа бошласа, шу томонга юрар, нимани буюрса, итоаткорлик билан шуни бажарар эди. Ҳа, аслида ҳам шундай: ўғлим ҳали ақлини ҳам танимаган мурғак гўдак, унинг қандайдир сирли нарсанинг кўйида бунчалик ичкишини сира ақлга сиғдириб бўлмайди. Уни, ҳеч шубҳасиз, дард шаклида кўриниш берган қандайдир қора куч бошқариб турибди. Шу ёвуз куч уни бизнинг кучоғимиз-

дан юлқиб олган ва етти ёт бегона хилқатга айлантириб қўйган.

Албатта, бу ҳақда ўйлаш менга жуда оғир эди. Ахир, у бегона эмас, юрак кўримдан яралган тўнғич фарзандим эди, унинг бу дунёга келиши бўм-бўш тортган кўнглимни тўлдирган, ҳаётимга ранг ва мазмун олиб кирган эди. Йўқ, йўқ, бу ҳаётда ҳар қандай разолат, хунрезлик рўй бериши, ҳатто дунё тескари айланиши мумкин, бу мени сира ажаблантирмайди. Аммо менга тортиқ этилган шу норасида жондан – ўғлимдан жудо бўлишга, ажал уни бағримдан юлқиб олишига тоқат қилиб бўлармиди?!

Аммо ўғлимнинг туриш-турмуши худди рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат сингари буткул бошқа нарсаларни айтиб турарди. Унинг ичичига чўккан кўзларига тикилиб туриб, ўзимга нисбатан на меҳру муҳаббат, на талпиниш ифодасини топардим. Йўқ, йўқ, бу шунчаки араз ёки иддао эмасди, балки ўғлимнинг кўнглида нималар кечаётган бўлса, барисини нигоҳи аниқ-таниқ сўзлаб турарди. Унинг кўзларига тикилиб, ўзим ҳақимдаги ҳақиқатни янада аниқ-таниқ ўқирдим. Назаримда, ўғлимнинг гўдак тасаввуридан бизнинг – мен ва хотинимнинг қиёфамиз буткул ўчиб кетган эди. Ваҳоланки, унинг булоқ сувидек зилол, тип-тиниқ хотирасидан энг аввало, биз жой олишимиз керак эди. Ҳайҳот, ўғлим бизни унутиб қўйган, о, нафақат унутган, балки ташландиқ буюм сингари шуури тасаввуридан бутунлай ўчириб ташлаган эди.

Ким билади, эҳтимол, ўша, ўзи жони ҳалак бўлиб излаётган нарса унинг хаёлини буткул чалғитган, дунё сингари бизни ҳам ёвуз ва жирканч қиёфага солиб кўрсатгандир. Билмайман, ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо мен ўғлимни биздан кўнгли совиб, бегона тортиб қолганини ҳеч нарса билан инкор эта олмасдим.

* * *

Ўғлимнинг дарди қайта хуруж қилганининг тўртинчи куни эди, уйимизга кутилмаганда талаба йилларидаги дўстим эшик қоқиб кириб келди. Унинг исми Ҳаёт эди. Жанубий вилоятларнинг бирида туғилиб ўсган, қорамағиз, бўйчан ва чайир йигит эди. Биз у билан талабалик даврининг барча қувончу заҳматини бирга “бахам” кўрган, юпун ва ғариб, аммо орзу-умидларга бой навқиронлик фасли бизни ўзимиз сезмаган ҳолда бир-биримизга жуда яқин қилиб қўйганди. Ҳаёт очиккўнгли, дали-ғули, бир сўзли йигит эди. Биз бир-биримизни тез ва осон тушунар, кўнглимизда пайдо бўлган сир узоқ вақт яшириниб ётмасди.

Фақат дорилфунунни тугатиш арафасида бизнинг йўлимиз турмушнинг бошқа-бошқа кўчаларига қайрилиб кетган, ўртамизда илимилиқ муносабат юзага келган эди. Ҳаёт талабалик йилларида институтни тугатгач, қишлоққа қайтиб бориб, болаларга сабоқ беришни орзиқиб гапириб юрса-да, бахтга қарши шаҳарда қолиб кетди. Аммо мен айна дамда у шаҳарнинг қайси кўнжида яшаши-ю, қандай юмуш билан банд эканини билмасдим. Ўзи ҳам бу ҳақда оғиз очишни истамас, баъзан учрашиб қолган пайтларимизда сўраб-суриштиришга тушсам, узуқ-юлуқ жавоб беришдан нарига ўтмасди.

Ким қандай ўйлайди, билмайман, аммо бу ҳаётда одамнинг дўсти жуда кам бўлади. У менинг талабалик йилларида орттирган яккаю ёлғиз дўстим эди. Унинг исми Ҳаёт эди, бир пайтлар ҳаётнинг ўзи каби жўшқин, саркаш ва ўт-олов эди. Хотирамда ана шундай қиёфада қаттиқ муҳрланиб қолган эди.

Аммо кейинчалик у менинг шундай кўз ўнгимда бирдан ўзгариб кетди, яшашга бўлган жўшқин муҳаббатияю иштиёқи, хаёлдек покиза ва учқур орзу-умидлари худди бозиллаб яшнаб турган чўққа сув сепилгандек, бирдан сўниб қолди. Афтидан, у тушқун ва умидсиз кайфиятдан сира халос бўла олмасди, шекилли, ҳамма нарсага лоқайд ва эътиборсиз қарарди. Мен кўпинча унинг қаримсиқ тусга кирган афт-ангорига қараб туриб, кечагина ҳаёт, келажакдаги орзу-умидлари ҳақида баъзан тонгга қадар жўшиб гапирган, бу дунёдан фақат эзгулик излаган йигитни мутлақо таний олмай қолардим. У ақл бовар қилмас аснода ўзгариб кетганди.

Аслида унинг табиатидаги бу фавқулодда ўзгариш анча илгари, институтни тугаллаш арафасида рўй берган эди. Ҳали таътил кунлари етиб келишига ҳам сабри чидамай, тўсатдан қишлоғига отланиб қолганди. Жўнаб кетишдан аввал хавотирга тушган кўйи, жуда нохуш туш кўрдим, ишқилиб, уйда тинчлик бўлсин-да, деган эди. У фақиргина оилада ўсиб-улғайган, камхарж, шаҳарда ўз кунини ўзи кўрар, одатда, тўрт-беш ойда бир марта қишлоғига бориб келарди.

У ўшанда орадан уч кун ўтиб қайтиб келган. Аммо мен уни дафъатан таний олмаган эдим: бор-йўғи уч кун ичида буткул озиб-тўзиб, арвоҳга ўхшаб қолган, тим қора сочлари бирдан оқариб кетган, кўзлари тушқун ва умидсиз боқар эди. Мен унинг бундай қайғуга ботган афт-ангорига қараб туриб, уйда қандайдир му-

сибат юз берган бўлса керак, деган ўйга борган, бироқ дабдурустдан сўрашга ботина олмаган эдим. Йўқ, аниқроғи, ундан юрак ютиб, қандай сўрашни билмаганман, чунки қиёфаси шунчалик тушқун ва аламли эдики, кишини бирдан эсанкиратиб қўярди. Унинг ўзи ҳам гўё қўрқув ва ваҳмдан жисму жуссаси буткул қарахт тортиб қолгандек, икки кун миқ этмаган, фақат бир нуқтага тикилиб ўтирган эди.

Кейин, оқшом маҳали у кутилмаганда тилга кирган ва худди бўғзига тош қадалгандек юзини аянчли тириштирганча қийналиб-қийналиб, қишлоғидаги яккаю ягона тобут ўз-ўзидан аллақаяққа ғойиб бўлгани ва жинни қиз ҳақидаги ғалати воқеаларни гапириб берган эди. Мен ўшанда унинг овозида занг ураётган қўрқув ва ваҳм шарпасини аниқ-таниқ ҳис этган ва бундан ўзимнинг юрагимга ҳам қўрқув оралаб қолган эди. Аммо ўшанда мен унинг телба-тескари гапларига сира ишонмаган, кўнглимдан Ҳаёт ақлдан озиб қолибди, деган нохуш ўй кечган эди. У эса, ўзини буткул унутган кўйи узоқ гапирган, кўнглидаги барча дарду ҳасратини оқизмай-томизмай тўкиб солган, алам ва изтироб жисму жуссасини жунбушга солганидан ўзини босолмай қон бўлиб узоқ йиғлаган эди.

Шундан сўнг у бу ҳақда қайта оғиз очмади. Амал-тақал қилиб ўқишни тугатгач, шаҳарда қолиб кетди. Мен, боя айтганимдек, айна пайтда у шаҳарнинг қайси кўнжида яшашию, қандай юмуш билан машғул эканини билмасдим. Унинг ўзи онда-сонда мени йўқлаб, ижара уйимга келиб турарди. Одатда, худди осмондан тушгандек, кутилмаганда, ҳовлимизда пайдо бўлар ва баъзан тузук-қуруқ ҳол-аҳвол сўрашишга ҳам улгурмай туриб дарров изига қайтиб кетарди.

Ростини айтганда, Ҳаёт билан ўртамизда талабалик йилларининг тиниқ ва беғубор хотираларидан бўлак ҳеч нарса қолмаган эди. Мен илгари унинг куйиб бораётган умри, афтадаҳол ва савдойи афт-ангорини хаёлимдан ўтказар эканман, юрагим туз сепгандек ачишар, унга кўмак бериш, кўнглида яна умид ва ишонч уйғотиш ҳақида ўйлардим.

Бахтга қарши, барча уринишларим, насиҳатомуз гап-сўзларим бесамар кетаётганини кўргач, ўзим сезмаган ҳолда уни ёмон кўриб қолган эдим. У уйимизга кириб келган пайтда ўзимни негадир ноқулай сезар, юрагим қисилиб, бетоқат бўлар ва ич-ичимдан унинг тезроқ кетишини истардим. Уни кўрсам, ўзимнинг ҳам кўнглимни тушқун ўйлар қоплаб олар ва бирдан ҳаётдан совиб кетгандек бўлардим.

Афтидан, у ҳали-ҳануз уйланмаган – сўққа-бош яшар, ўзига муқим бошпана ҳам топмаган, дуч келган жойда ётиб-туриб юрганга ўхшар эди. Чунки уни ҳар сафар соч-соқоли ўсган, кийим-боши кир-чирга ботган иркит қиёфада учратар эдим. У тарки дунё қилган кимсадек ўзига мутлақо қарамай қўйган, эгнидаги талабалик давридан қолган кийимларининг ҳам аллақачон оҳори буткул тўкилиб кетган эди.

Бироқ ўша куни у ижара уйимга кўнгли алланимадан чоғ, кайфияти баланд бир қиёфада кириб келди. Уни институтни тугатгандан буён биринчи марта чиройи очилган, юз-кўзидан тушқунлик ифодаси хиёл ариган ҳолда кўриб туришим эди. Рост гап, бундан ўзим ҳам бироз шошиб қолдим. У мен билан қуюққина ҳол-аҳвол сўрашди, ҳатто алланима дея ҳазил қилган ҳам бўлди. Аммо уйга кириб, хонтахта атрофида ўтиргач, хаёлим паришонлигини пайқади, шекилли, бирдан хушёр тортди.

– Тинчликми, ўзи? – деб сўради ботинмайгина.

– Ҳа, тинчлик, тинчлик, – дедим базўр жилмайишга уришиб.

Ўзимни хотиржам тутишга ҳар қанча тиришмай, барибир кўнглим тўлиб турар, ўғлимнинг дардга чалиниб қолгани мени шунчалик эзиб ташлаган эдики, дунё кўзимга қоп-қоронғи кўринар, кимгадир дарду аламимни тўкиб солиб, юрагимни бўшатгим келар эди. Боя Ҳаётнинг ҳовлига кириб келганини кўриб, рост гап, ўзимга юпанч топилгандек, қувониб кетгандим.

Анча пайт у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдик, аммо ҳадеганда гапимиз қовушмас, ўртамизга қандайдир ноқулайлик тушган эди. Ҳаётнинг ҳам бояги кайфияти ўзгарган, бевақт келдиммикан, деган ўйга борди, шекилли, ўнғайсизланар ва дам-бадам худди кетишга чоғлангандек ўрнидан кўзғалиб қўярди.

Ахийри, мен Ҳаётга кўнглимни ёрдим: ўғлим ғалати дардга чалиниб қолгани, анча пайтдан буён эс-ҳушини йўқотган кўйи алланимани излаётгани, бироқ у излаётган нарса бизга батамом мавҳум экани, шундан нима қилишни билмай бошимиз қотиб қолганини айтиб бердим.

– Энг ёмони, ўғлим ўша нарсанинг дардида ичкиб, кундан-кунга адойи-тамом бўлиб бораяпти. Озиб-тўзиб кетганидан афтига қараб бўлмайди, – дедим мен.

Азбаройи ҳаяжонга тушганимдан тез-тез гапирар, сўзларим ҳам пойинтар-сойинтар чиқаётган эди. Аммо Ҳаёт бунга эътибор бермай

гапларимни диққат билан тинглаб, дам-бадам кўз ости билан бир четда тўмшайиб ўтирган ўғлимга қараб-қараб қўярди.

Мен ўғлимнинг аллақандай дардга чалиниб қолгани ҳақида гапирар эканман, барибир кўнглимнинг бир четида Ҳаёт ҳам анави дўхтир сингари гапларимга ишонмайди, қайтага, устимдан кулгани қолади, деган хавотир ғимирлаб турарди.

Аммо ҳаммаси кутганимдан бошқача бўлиб чиқди.

– Жуда қизиқ-ку! – деди Ҳаёт чинакамига ҳайратга тушганча кўзларини катта-катта очиб ўғлимга тикилар экан. – Ниманидир излайди, дегин. Ҳали гўдак боши билан ниманидир излаши жуда ғалати...

Аммо Ҳаёт ортиқ ҳеч нима демади, балки узоқ пайтдан буён жони ҳалак бўлиб излаб юрган сирли нарсани айни дамда ўғлимнинг қиёфасида кўриб қолгандек, ҳаяжонга ботган кўйи ундан кўз уза олмай қолди. У ўғлимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмай кузатар, ўзича алланималарни мулоҳаза қилар, гоҳида эркалаган кўйи уни гапга солишга уринар эди. Бироқ ўғлим ундан ҳали-ҳануз бегонасираганча, қовоғини очмай тумшайиб ўтирар эди. Ҳаёт барча уринишию эркалаб гапиришлари зое кетаётганига қарамай, асло кайфиятини туширмас, аксинча, ҳаммаси шундай бўлиши керакдек, ўғлимнинг атрофидан парвона бўларди.

Шу кун Ҳаёт уйимизда узоқ қолиб кетди. Кейин ўғлимдан базўр кўзларини узиб, уйдан чиқаркан, менга юзланиб шундай деди:

– Ўғлинг, ростдан ҳам, ниманидир излаяпти, мен буни унинг кўзларига қараб билиб олдим. Бола бечора жуда ичкиб кетибди. Мен у нимани излаётганини билмайман, аммо унинг ўзи қидираётган нарсасини жуда яхши билади. Илгари ҳам уни кўрган. Мана мени айтди дейсан, агар излаётган ўша нарсасини топса, ҳаёти жуда равон кечади, жуда улуғ одам бўлади...

Ҳаёт яна алланималар тўғрисида узоқ гапирди, гўё бу дунёда ақл бовар қилмайдиган мўъжиза юз берган-у, унинг шоҳиди бўлиб қолгандек, сира ҳаяжонини босолмас, сўзларига мени ҳам ишонтаришга уринар, ҳар бир гапини қайта-қайта таъкидлаб айтар эди.

Аммо менинг кўнглим сира ёришай демас, аксинча, баттар қоронғи тортиб борар, дўстимнинг тинимсиз жавраши кўнглига таскин-тасалли бермас, балки Ҳаёт ўзининг телба-тесқари дунёсидан келиб чиқиб гапираяпти, деган фикр хаёлимни банд этиб олганди.

Ким билади, эҳтимол, Ҳаётнинг гапларида ҳам жон бордир?! Аммо бунинг ўғлимга қандай фойдаси тегади? Бу қуруқ, ҳавойи сўзлар ўғлимнинг дардига малҳам бўладими? Мени айна дамда шундан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмасди.

Ҳаёт кетгач, уйга киришга шошилмай, ҳовли саҳнида узоқ туриб қолдим. Тўғриси айтганда, уйимизда гўё азоб-уқубат, изтиробу алам макон тутиб олгандек, ичкарига бош суқишга юрагим бетламас, оёқларим ўз-ўзидан орқага тортиб кетаверарди. Ҳаммасидан ҳам, миттигина жисму жуссасини дард эзиб ташлаган ўғлимнинг афт-ангорига қараш ниҳоятда оғир эди. Нимасини айтай, бу дард охир-оқибат ўғлимни енгган ва уни аста-секин ҳаётнинг қучоғидан юлқиб олаётган эди.

Ўғлимнинг айна дамдаги аҳвол-руҳияси ҳам шундан дарак бериб турарди: у буткул ҳолдан тойган, юзида қон йўқ, худди мурданики сингари оқариб кетган, кўзлари сўник ва бемажол боқар эди. Аммо шунга қарамай, уни ҳамон ўша қора хаёл ўз ҳолига қўймас, у оғир судралган кўйи уй ичида эмаклар юрар, фақат тез-тез ҳолдан тойганидан оғир-оғир нафас олганча ётиб қоларди. Баъзан остонани қучоқлаганча узоқ вақт қимир этмай ётар, кўзлари олайиб орқага тортиб кетар ва ҳатто нафас олаётгани ҳам сезилмасди. Бундай пайтда у жонсиз жасаддан сира фарқ қилмас, аммо мен ёки онаси қўлимизга олишга уринсак, кутилмаганда жонланиб, хархаша қилишга тушарди.

Мен ич-ичимдан ҳаммасини сезиб турардим: бу шунчаки оддий ва ўткинчи дард эмас, балки қора хаёл шамоилига кириб, ўғлимнинг этагидан тортқилаётган нақ ажалнинг ўзи эди...

Энг ачинарлиси, ҳар гал ўғлимнинг ҳаёт талъати аста-секин сўниб бораётган юзига кўзим тушганда, ўзимнинг нақадар ожиз ва нотавонлигимни ҳис этиб, юрагим кўксимга сиғмай қоларди. Мен уни қанчалик яхши кўрмай, унинг учун ҳатто жонимни қурбон этишга тайёр бўлмай, барибир бефойда эди. Бу дард менинг ўтинчу илтижом, оҳу нолам, ғазабу алашим ва ялиниб-ёлворишларимга қулоқ солмасди, худди ўлжасини батамом янчиб ташлашга чоғланган махлуқдек, ўғлимни тобора ҳолдан тойдириб борарди.

Бу дарднинг қаршисида мен ҳам ўғлим сингари ожиз қолган эдим.

Яккаю ягона умидим дўхтирдан эди, ўша кун унинг сўзларига қаттиқ ишонган, аммо ҳаммаси охир-оқибат сароб бўлиб чиққан эди. Ўғлимни яна дўхтирнинг ҳузурига олиб боришни сира истамас, кўнглимнинг бир четида унинг дарди

баттар зўрайиб кетишига дўхтир тавсия этган дорилар ҳам сабаб бўлди, деган ўй ғимирлаб турарди.

Ҳаммасини тақдири азалнинг измига ташлаб, индамай қўл қовуштириб ўтириб ҳам бўлмасди. Аммо мен айна дамда қандай йўл тутишни ҳам билмасдим.

Мана шундай оғир ўйлар қуршовида қадамимни судраб босганча уйга кирар эканман, туйқус хаёлимга қишлоққа – ота-онамнинг олдига борсак-чи, деган ўй урилди-ю, худди калаванинг учини топгандек, бирдан онг-шурим ёришиб кетди. Бу ҳақда нега илгари ўйламаганимни хаёлдан ўтказар эканман, ўзим ҳам ҳайратга тушдим. Уйга киргач, хотинимга Муайядни бугуноқ қишлоққа олиб кетиш ҳақидаги фикримни айтганимда, дафъатан, унинг сўлиб, қаримсиқ тусга кирган юзига “дув” этиб қон югуриб, кўзлари ёшга тўлиб қолди. Хотиним менга тикилган кўйи унсиз йиғлар, кўзларидан думалаб тушган ёш ёноғи устида муаллақ туриб қолган эди.

Мен унга бир муддат жимгина тикилиб турдим, сўнг кечки поездга чипта харид қилиш учун шошиб уйдан чиқдим.

Трамвайда вокзал томон кетиб борар эканман, хотинимнинг бояги унсиз йиғлаётган ҳолати сира кўз ўнгимдан нари кетмасди. Ўғлимнинг кутилмаганда дардга чалиниб қолиши ва соғайиб кетиш ўрнига тобора оғирлашиб бораётгани унга жуда ёмон таъсир қилган, мен бунинг уйда кечган ҳар дақиқада ҳис этиб турардим. Афтидан, унинг юрагини адоқсиз ўйлар кемириб борар, дам-бадам “уф” тортиб қўйганини айтмаганда, “миқ” этиб оғиз очмас, одатда, ўғлимга унсизгина термилиб ўтирар эди. Унинг мана шундай тез-тез “уф” тортиши кишининг кўнглига хавотир ва қўрқув соларди. Одатда, қандайдир нохушликнинг шарпасини илғаган кимса шундай оғир-оғир хўрсиниб қўяди.

Айниқса, икки кун бурун ярим тунда хотиним жуда галати аҳволга тушганига тасодифан гувоҳ бўлгандим. Ўша оқшом мен одатдагидан анча барвақт ухлаб қолгандим. Аммо бир чоғ, туннинг қайси палласи эканини аниқ эслай олмайман, қулоғимга чалинган овоздан чўчиб уйғониб кетдим: тунчиноқ зулмат чўккан уйни хира-шира ёритиб турар, эшик томонда – бурчакда эса кимдир қиблага юзланган кўйи алланималар дея ёзғирарди. У гарчи худди пичирлаётгандек паст овозда нола қилаётган эса-да, овози тун сукунатини бузиб, уй ичинини тутиб кетган эди. Мен ёстиқдан бошимни илкис кўтариб,

бурчакда чўкка тушиб ўтирган кимсага қарар эканман, дафъатан ўзимни қаерда ётганимни-ю, бемахалда ким бунчалик фарёд қилаётганини англай олмадим. Ҳалиги кимсанинг овози эса ҳадеганда тинай демас, балки гувраниб қўзғалган бўрон сингари тобора шиддатли ва қахрли тус олиб борарди. Мен қаттиқ қўрқувга тушган, пешонамдан совуқ тер ёғилиб келар, нималар рўй бераётганига сира ақлим етмас, юрагим ваҳм билан гурс-гурс урар, аммо қимир этишга журъатим етмасди.

Шундай алпозда қанча вақт ётганимни билмайман, балки бир неча лаҳза, эҳтимол, бир соат ётгандирман, фақат бир чоғ, онг-шууримни уйқу қарахтлиги бирдан тарк этди, шекилли, бурчакда ўтирганча нола қилаётган кимсани бирдан таниб қолдим: хотиним-ку!..

Хотиним – бу фикр унинг хаёлига қаердан келганига сира ақлим етмайди – қиблага юзланган кўйи, йиғлаб-ёлвориб, Яратганга илтижо қилар, яккаю ёлғиз ўғлимиз Муайяднинг дардига шифо сўрарди. У худди тош хайкалчадек чўкка тушиб ўтириб олган, қўллари тиззаси устига узатилган, қоронғилик қаъридан жуссаси аллақандай пажмурда ва кичкина бўлиб кўринар, аммо овози шиддатли ва телбавор эди. Йўқ, у худди меҳроб қаршисида бўйин эгиб, тавба-тазарру қилаётган кимсага ўхшар, кўнгли, чамаси, мумдек эриб борарди, шекилли, тез-тез гапирар, юрагида нимаики бўлса, барини тўкиб солар, ўзи ҳам тузук-қуруқ билмайдиган аллақайси гуноҳу айблари учун минг тавалло билан шафқат ва мағфират сўрар, йиғлар ва ёлворар, сўнг йиғи ва илтижо саси қоришиб кетган овозда Муайядни жонидан ортиқ яхши кўришини, бу дунёга келиб, тентираб-тентираб топган ёлғиз бахти шу ўғли эканлигини, ундан айрилиб қолса, ўзини ҳеч нарса билан овута олмаслигини, то умри адо бўлганча тақдирини қарғаб ўтишини аллақандай ўжарлик билан айтаркан, кутилмаганда ўпкаси тўлиб кетганидан ўзини тутолмай ўкраб йиғлаб юборди. У ихраётгандек азобли овозда узоқ йиғлади, йиғи ва изтироб зарбидан озғин жуссаси қандай силкиниб-силкиниб тушаётганини аниқ-тиниқ ҳис этиб ётардим. Аммо бошимни кўтариб, унга қарашга, алла-



нималар дея юпатишга ўзимда журъат сезмас, унинг айна дамдаги ҳолати мени буткул қарахт қилиб ташлаган эди.

Ҳа, хотиним жуда аянчли ва афтодаҳол аҳволга тушган эди. Йўқ, йўқ, менинг назаримда, у айна мана шу паллада ўзининг қиёфасини тарк этиб, тун қўйнида улкан нолага айланиб қолган, бу нола тўрт томони девор билан ўралган мана шу пастак томли уй ичидан эмас, балки дунёнинг ҳув нариги чеккасидан ёйилиб оқиб келар, худди афсунгарнинг дуоси сингари сирли ва жунунвор янграр, хаёл дунёсига шитоб билан бостириб кириб, кишини бир зумда маҳв этиб қўярди.

Ҳа, бу улугвор ва маҳобатли нола эди, гўё хотинимнинг юрагидан эмас, балки фалакнинг бўғзидан отилиб чиқар, ҳайҳотдек кенг оламда ундан бўлак “тиқ” этган товуш қулоққа чалинмас, унинг селу селоб бўлиб оқиши ҳамма-ҳамма нарсани босиб кетган эди.

Йўқ, йўқ, бу нола ва фиғон эмасди, балки асли фаиришта қавмидан яралган, аммо кейинчалик юрагини ялмоғиз еб қўйган одам боласидан қолган кўхна мунгли кўшиқ эди. Мен ҳам дунёда шундай мунгли кўшиқ борлигини ўша тунда англаб етган ва унинг юрагимга оқиб кираётган эзгин оҳангидан тонгга қадар селу селоб бўлиб ётган эдим.

Бу кўшиқни куйлаш ҳам, тинглаш ҳам ўта оғир эди, у бамисоли олов сингари жисму жусани ёндириб юборар, юракни жунбушга солиб, одам боласи яралгандан буён бошидан кечирган изтиробу армони, топталган умиду ишончи, муҳаббат ва хиёлати, айрилиқ ва соғинчидан сарбасар огоҳ ётарди.

Эртаси кун эрталаб хотинимни аллақандай паришонхотир ва ҳолсиз бир қиёфада кўрдим. Аммо унга ҳеч нарса сездирмадим.

Фақат хотиним ўша кун ниманидир кутаётгандек бетоқат бўлиб юрди.

* * *

Кун, чамаси, чошқайдан ўтгач, мен кечки поездга иккита чипта харид қилиб, уйга қайтдим. Поезд оқшом саккизу ўттизда жўнаши керак эди. Мен дарвозани очиб, ичкарига кирар эканман, дафъатан ўзимга пешвоз чиқиб келаётган хотинимга кўзим тушди-ю, турган ўрнимда тошдек қотиб қолдим. Йўқ, йўқ, мен туйқус хотинимни таний олмай қолдим, унга тикилиб туриб, кўзларимга сира ишонмас, бояги ғам-ғуссага ботган ва чўкиб қолган қиёфасини фавқуллода бир ҳаяжон чулғаб олган, ёноқлари чўғдек қип-қизил тусга кирган ва кулиб турган кўзларидан дув-дув ёш куйилиб келарди. У мен томонга алпанг-талпанг қадам ташлаб келар экан, ўзини сира боса олмас, энтикиб-энтикиб нафас олар ва алланимани гапиришга чоғланарди-ю, бироқ овози чиқмасди.

Мен унга кўзим тушган заҳотиёқ юрагимга хавотир оралаган ва уйда, албатта, ўғлимнинг тақдирига дахлдор қандайдир воқеа рўй берган ва хотиним шундан ақлдан озгудек кўйга тушганини ғайришуурий тарзда англаб етган эдим. Аммо мен ҳам қандай воқеа юз берганини сўрашга ботинолмас, тилим худди танглайимга ёпишиб қолгандек сира айланмас, фақат юрагим мумдек эриб бораётганидан йиғлагим келар эди.

Ана шундай ҳаяжон ва хавотир гирдобига фарқ бўлиб қанча вақт турганимни билмайман, бир пайт хотинимнинг ҳовлиққан кўйи айтган сўзлари қулоғимга урилди-ю, бирдан ҳушим ўзимга келди.

– Муайяд шунча кун ўз ёғига ўзи қовурилиб нимани излаганини биласизми? – деди қичқиргандек бир овозда. Унинг овози қувонч ва ўкинчга тўла эди.

– Йўқ, – дедим дафъатан ҳушёр тортиб. – Нимани излаган экан?

– Болам шўрлик, – деди хотиним, аммо ўпкаси тўлиб кетганидан пиқ этиб йиғлаб юборди. Сўнг йиғи саси қоришиб кетган овозда гапира бошлади. – Туғилган пайтида кесилган киндиги бор-ку, шуни излаётган экан...

Мен унинг сўзларини эшитиб, кимдир тўсатдан бошимга зарб билан ургандек, карахт тортиб қолган онг-шууримнинг оғир эшиклари бирдан шарақлаб очилиб кетди: тавба, ўғлим шунча кундан буён ҳузур ҳаловати, тинчи ва оромини йўқотиб излаган нарсасини қаранг... Унинг кўнглига бу ўй қаердан келдийкин, шунча кундан буён ичкканча излаётган бу нарса ўзига шунчалик зарурлигини, бусиз ҳаёт ҳам, дунё ҳам ўзининг қадр-қиммати, мазмун-моҳиятини буткул йўқотиб, сариқ чақага ҳам арзимайдиган матога айланиб қолишини у гўдак ақли билан қандай англаб етдийкин?

Мен қаттиқ ҳаяжон ичида қолган, ўзимни сира боса олмас, хотинимнинг оғзидан ўғлим излаган нарсанинг номини қайта-қайта эшитишни ва эшита туриб бутун вужудимда оғриқ ва лаззат туйишни истардим.

– Муайяд нимани излаган экан?

– Нима бало, қулоғингиз том битганми? Қирқ марта айтдим-ку, туғилган пайтида кесилган киндиги бор-ку, шуни излаётган экан. Шуни топиб, ёстигининг остига қўйсақ, бир пасда тинчиб қоларкан...

– Сенга буни ким айтди?

Саволимни эшитиб, хотиним негадир бирдан ҳушёр тортиди, атрофга олазрак қараб оларкан, гўё муҳим сирни ошкор этаётгандек, шивирлаб гапиришга тушди:

– Сиз боя вокзалга кетганингиздан сўнг ҳовлига битта чол кириб келди, – деди у. – У ичкарида қандай пайдо бўлиб қолганига сира ақлим етмайди, дарвозани қулфлаб қўйгандим. Мен уйда ўтиргандим, бир маҳал ҳовлида кимнингдир қадам товуши эшитилгандек бўлди. Шошиб ташқарига чиқсам, ҳалиги тиланчи чол анави ерда, – у кўли билан ҳовли ўртасини кўрсатди, – қаққайиб турган экан. Афтангорида қараб бўлмайди, туғилгандан бери сув тегмаганми, ўлардек ислиқи, соч-соқоли ўсиб кетган, эгнида увадаси чиққан тўн. Унга кўзим тушиб, кўрққанамдан юрагим ёрилиб кетай

деди. Бирдан ўзимни шоша-пиша ичкарига урдим-да, эшикни қулфлаб олдим. Кейин деразадан аста мўралаб қарасам, у ҳали ҳам жойида қимир этмай турган экан. Ана кетади, мана кетади, деб ичим тапиллаб роса кутдим. Йўқ, қайда дейсиз, қоққан қозикдек қимир этмайди, тагин денг, унинг деразасидан кўзини узмайди. Охири, тоқатим тоқ бўлди, кунидан қолган тиланчи бўлса керак, деган хаёлда яримта нонни қўлимга олиб, секин ташқарига чиқдим. Қўрққанымдан дағдағ қалтираб, унинг олдида бордим-да, нонни узатдим. У нонни олиб, тўрвасига солаётиб, негадир ғалати кулди, сўнг менга қараб нима дейди денг: «Қизим, мен ҳовлингизга садақа сўраб келганим йўқ. Майли, кўнглингиз шуни тусанган экан, қўлингиз қайтмасин», деди. Қуриб кетгур, ўзи тиланчи бўлса ҳам, овози жуда ғалати, эшитган одамнинг юраги жимирлаб кетади. Шунданми, мен кўрқувни ҳам эсимдан чиқариб, унинг қаршисида туриб қолибман. Бир пайт тагин унинг ўзи гапириб қолди. Бу гал нима дейди денг: “Қизим, анчадан буён болангиз бетоб-а?”. “Ҳа, ҳа, – дедим мен, – анчадан буён боламнинг мазаси йўқ. Емайдиям, ичмайдиям, ухламайдиям. Алланимани излаб, тинчини йўқотган”, дедим. “Болангиз нимани излаётганини биласизми?” деб сўради у. “Йўқ, – дедим мен, – агар билсак, шунча кундан буён ўғлимнинг рангини сарғайтириб қўл қовуштириб ўтирардикми?!”. “Ҳалиям гумроҳлик қилиб, болага кўп азоб берибсизлар, – деди у. – Оҳу ноласи етти осмонни тутиб кетган. Ҳозир унинг кўзига на нон, на сув кўринади. У туғилганида кесилган киндиги бор-ку, шуни излапти. Унга шуни топиб беринглари!”. Тиланчи чол бошқа ҳеч нарса демади, фақат атаган садақангизни худо ўз даргоҳида қабул қилсин, деб юзига фотиҳа тортди-да, ҳовлидан чиқиб кетди. Ҳа, айтмоқчи, сиз уни танийсиз. Анави, йўлак четида ўтирадиган тиланчи чол бор эди-ку, ўша у! Мен ҳам уни ҳовлидан чиқиб кетгандан сўнг таниб қолдим.

Хотинимнинг сўзларини эшита туриб, баттар ҳайрат ва таажжубга тушдим. Нималар рўй беряпти, ўзи?! Тушми бу ё ўнгим? Анави тиланчи чол ҳеч кутилмаганда ҳовлимизда қаердан пайдо бўлди? Манзилимизни сира адашмай-оғишмай қандай топиб келди? Ҳовлимизга қаердан кирди, эшик ичкаридан ёпилган бўлса?! Ўғлим ниманинг дардида бунчалик ичкики ётганини у қайдан била қолди? Нега бунчалик жон куйдириб менинг ҳаётимга араллашиб юрибди? Ким у, ўзи? Одамми ё...

Тиланчи чолни бир неча ой бурун анави йўлакдан оёғини ерга теккизмай олиб кетишган, шундан буён ҳеч қаерда қораси кўринмаган эди-ку! Аммо сира кутилмаганда ҳовлимизда пайдо бўлгани, тагин денг, ўғлим нимани излаётганини оқизмай-томизмай айтганини сира ақлу тасаввурга сиғдириб бўлмасди.

Мен яна танг аҳволга тушиб қолган, тиланчи чол ҳақида қанчалик бош қотириб ўйламай, барибир ҳеч нарса билмаслигимга ич-ичимдан иқрор бўлардим. Бунинг устига, айна дамда у ҳақда ўйлаб ўтиришга тоқатим етмас, балки ўғлим ичкики излаётган нарсани тезроқ топишим зарур эди. Мен бошимни кўтариб, рўй бераётган воқеаларга худди ўзим сингари ақли етмай, лол қолиб ўтирган хотинимга қарадим.

– Муайяднинг кесилган киндигини энди қаердан топамиз?

– Унинг киндигини туғилган пайти туғруқхонада кесишган. Ўша ерда қолиб кетган, – деди хотиним.

Хотинимга бир муддат қараб турдим-да, сўнг ҳозир келаман, сен Муайядга қарагин, дея шошиб кўчага чиқдим.

* * *

Туғруқхонада мени қирқ беш ёшлардаги, сарғиштоб юзини ажин босган бақалоққина хотин қарши олди. У ўзини дояман, деб таништирди. Мен унга ўғлим қандай дардга чалиниб қолгани-ю, ўзим нима мақсадда бу ёққа келганимни батафсил айтиб бердим. Доя хотин гапларимни киприк қоқмай эшитди, аммо кутганимга зид ўларок, унинг юзида бирор-бир ўзгариш аломати сезилмади. Афтидан, унга бундай масалалар юзасидан жуда кўп марта мурожаат этишган ва у эшитавериш аллақачон дийдаси қотиб кетганга ўхшар эди.

– Ҳм, – деди у хўрсингандек овоз билан. – Ўғлингиз туғилганига бир йил бўлай деб қолибди-ю, сиз энди унинг киндигини излаб келдингизми? Биз бирорта ҳам боланинг киндигини атай асраб қўймаймиз. Кесилган заҳотиёқ ахлатга чиқариб ташлаймиз. Дайди итлар еб кетади...

Туғруқхонадан қандай отилиб чиққанымни ўзим ҳам билмайман. Ҳушим ўзимда эмас, бошим ғувиллаб оғрир эди. Қадамимни судраб босганча кетиб борарканман, ўғлим ҳақида ўйлар, унинг худди чақмоқ урган қушдек уй ичида бемажол эмаклар юриши кўз ўнгимдан сира нари кетмасди. Ўғлимга энди нима дейман, унинг ичиккан кўзларига қандай қарайман – билмайман...

Сўнгсўз ўрнида

Ҳар бир гўдакнинг дунёга келиши аслида тенгсиз мўъжиза. Шу боис халқимиз азал-азалдан бунга алоҳида эътибор билан қараган. Элимизнинг бу борадаги кўп мингйиллик тараққиёти давомида шаклланиб келган, асрлар синовидан ўтган анъана ва удумлари юксак қадрият даражасига кўтарилган.

Масалан, аждодларимиз яратган бешик, исм қўйиш маросими ёки оналаримизнинг қадимий алласи кишини ҳайратга солмай қўймайди.

Аммо мустабид шўро тузуми даврида миллий ўзлигимизнинг устунларидан саналган ана шу қадриятларимиз ҳам кўр-кўрона топталди, бу бебаҳо меросни халқимизнинг хотирасидан ўчириб ташлашга уринишлар бўлди.

Бугун кўптчилиكنинг ёдида бўлса керак: ўтган асрнинг 80-йилларида оналаримиз томонидан минг йиллардан буён айтиб келинаётган, гўдак қалбида миллий туйғуларни шакллантиришда тенгсиз ўрин тутадиган алла ҳам “эскилик сарқити” дея қаттиқ қораланган эди.

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши ана шундай бедодликларга, халқимизни ўз-лигидан Мосуво қилишга қаратилган машъум сиёсатга батамом чек қўйди.

Биз, ижодкорлар элимиз бошидан кечирган ана шундай аянчли воқеаларни бадий талқин этиб, кўппроқ ёзишимиз, бу машъум даврнинг мақсад-моҳиятини ҳаққоний равишда кўрсатиб беришимиз керак, деб ўйлайман. Шундагина Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигининг қадр-қиммати янада теранроқ намоён бўлади.

Эътиборингизга ҳавола этилган “Қақнус қанотидаги умр” қиссасида ҳам ўша рутубатли даврда азалий қадриятлар, илоҳий борлиққа туташтирувчи риштани топа олмай бахти забун бўлган қаҳрамонларнинг аянчли қисмати бадий тарзда талқин этишга ҳаракат қилдим.

Бу қораламалар Сизга манзур бўлган бўлса, бугунги ёруғ кунларимизга шукроналик уйғотган бўлса, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Муаллиф



Итиринжи

– Наманган вилоятининг Чортоқ тумани аҳолиси бу сўзни увол қилинган нарса-буюмга нисбатан қўллайди. Масалан: “Шукур яп-янги сумкамни итиринжи қилди”.

Лукламачак

– Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани шевасига хос. “Ўйдим-чукур”, “нотекис” маъносида ишлатилади. Масалан: “Қишлоқ мактабига олиб борадиган лукламачак йўлдан юриб кетди”.

Хоразм шевасида айни шу маънони ифодалаш учун “ғолтинг” сўзидан фойдаланилади.

Менжашмоқ

– Хоразмнинг асосан Ҳазорасп тумани, шунингдек, Қашқадарёнинг айрим туманларида ишлатилади. “Ўчакишмоқ” маъносини беради. Масалан: “Отанг тенги одам билан менгжашма, бола!”, деди сотувчи.

Ханпай

– Жиззах вилоятининг Бахмал тумани шевасида “мадад” маъносида ишлатилади. Масалан: “Уч кундан бери ханпай кутиб ўтирибман”.

Шав бермоқ

– Бухоро шевасида “гиж-гижламоқ” маъносида ишлатилади. Масалан: “Агар дўст бўлсанг, буларга бошқа шав берма!”.

Қашқатаёқ

– асосан қитчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар лексиконида мавжуд. Калтак ейвериб, таъсир қилмай қолган одамларга нисбатан ишлатилади. Масалан: “Азимбек бу маҳаллада энг тўполончи. Ўзиям қашқатаёқ бўлиб кетган”.

Жасур ЖАМИРОВ тайёрлади.

Бола кулгусидан ёришсин дунё!

Ўзбек миллати ҳақида сўз кетаркан, кўплаб гўзал сифату таснифлар тилга олинади. Шулардан бири – “болажон халқ”. Чиндан ҳам, шоир айтганидек: “Дунёда болам деб яшайди ўзбек!” Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳиятини ҳам ана шу қадрият ташкил этаётгани қувонарлидир. Президентимизнинг “Фарзандларимиз биздан кура кучли, билимли, доно ва албатта бахтли булишлари шарт!” деган сўзларида бутун халқимизнинг хоҳиш-тилагига, орзу-истагига акс этган. Биз нафақат ўз фарзандларимизнинг, балки бутун дунё болаларининг бахтли, бекаму кўст бўлишини хоҳлаймиз. Минг афсуски, бугун дунёнинг турли оловли нуқталарида авж олаётган талотўпу хуружларларнинг қурбони бўлаётган норасида гўдақлар, бегуноҳ болаларнинг сон-саногига йўқ. Уларнинг яқинларига, ота-оналарига ҳамдарад бўларканмиз, айна пайтда юртимиздаги осойишталик, хотиржамликнинг қадрига етишимиз, тинчлик учун курашда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз лозимлигини чуқурроқ англаб етамиз. Ҳақиқат қиёсларда юзага чиқади, деганлари шу бўлса керак...



Сабо нафаслисан,
сабоҳ юзлисан,
Сен соҳибжамолсан,
сен – соҳибкамол.
Сувлар товушидай
ажиб сўзлисан,
Сен ноннинг исидан
тероласан бол,

Юрсанг, қадамингда
гуллайди чақмоқ,
Баҳорларни тугар
сенга деб боғлар,
Сен – аскар шамоллар
топинган байроқ,
Кифтин тутиб турар
мўйсафид тоғлар.

Шамолдай эркинсан,
суддай ҳалолсан,
Сут каби азизсан,
жон каби болсан,
Соҳибистикболсан,
соҳибкамолсан...

Эшқобил ШУКУР

Айлон болам, тур болам,
Изладингми нур, болам?!
Шўрликкина бошингни –
Кел, кўксимга ур, болам.

Дунёларни ларзага
Солди сенинг суратинг.
Кўзларимга михланиб
Қолди сенинг суратинг.

Ўпиб эркалай, десам,
Юз-кўзларинг қум экан.
Сени шу кўйга солган,
Кўрсат менга, ким экан?!

Сен ётибсан, юзингдан
Тўлқин ўпиб қайтыпти.
Онанг уммон остидан
Сенга алла айтыпти.

Ҳали замон аканг ҳам
Сувдан голиб келади.
Севган ўйинчоғингни
Топиб, олиб келади.

Аравдасан, юракчанг
Иддаоси нимаиди?
Ўйла-а-аб ётибсан гўё:
“... Муддаоси нимаиди?!”

Отанг келади албат,
Гар сўзимга ишонсанг.
Ечиб ташла, ҳўл бўпти
Кўйлақ, ковуш, иштончанг!

Жоним болам – Айлоним,
Соҳилдаги жайроним.
Дунё кирдикорига –
Тушунмаган ҳайроним.

Бўлди болам, тур энди,
Ана, отанг кўринди.
Осойиш юрт истасанг –
Бизникига юр энди!

Тур болам-а, тур болам,
Пешонаси шўр болам!

Ориф ТҶХТАШ





Халоллик – фирромликнинг зидди, инсонни ҳаётлигида ҳам ва, айниқса, дунёдан ўтганидан кейин юксак инсоний мартабада хотирлашга боис бўлгучи фазилат. Инчунин, ижоддаги халоллик ижодкор умрини авлодлар силсиласида мудом пойдор этгучи сифат – хусусият. Камина назарида Матназар Абдулҳаким худди шундай шоир эди. Билмадим, балки унинг сиймоси каминанинг тасаввур ва тахайюл дунёсига шу тахлит сингиган чиқар. Ҳар ким не деганда ҳам, мен уни шундай хис қиламан, шундай қабул қиламан. Ва бу туйғуларим, хаёлларим тасдиғини унинг вақт жиҳатидан энг сўнги китоби – “Сайланма”сидан топгандек бўламан...

Шухрат РИЗАЕВ,
адабиётшунос.

СОҶИНИШИ

Шиндогоҳ каби тўғоғар,
Ғиррайдан ҳам медалеро, оғил.
Соғинганман уни шунчалар,
Соғинишдир шонинг фалотили.

Ҳўп келдики мен бағридангдан елме,
Ҳўп келдики саргашилти юрдил.
Ҳўп соғиндики вақтингма, бирот,
Соғинишдан тоғиниш, Ҳўпдил.


Майиб ҳитероғи зўлматини қадрил,
Ғорлаб турди қутлуғ соғиниши.
Ҳузурингга, латза сўнмасдан,
Ғорлаб турди қутлуғ соғиниши.

Мамо, буғун бўғданим тақроғи,
Ҳўмаринини шара эйилот, мушкул
Ҳўрзингга келдики мотуғинини
Қилди шодлик, Ҳўмаринида Ҳўп.

Шоғин бўлган кўзи сўйдангдан
Салом, Ватан оғил оғилот.
Салом, сўйи шарадан латза,
Мухри сўйдангдан тили оғилот.

Майиб, ама қар оғил қалбим,
Матин сандан Ҳўр, келдики мен.
Ҳўйиғили басдир, вақтиниб кўндрой,
Ҳўр... қарзанду бўлди кейнаи мен!

Матназар Абдулҳаким



Беҳзод ҚОБУЛ

1984 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида аспирантурани ўтаган. "Адабиёт фалсафасининг назарий асослари" мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Уч шоир, уч олам...

Шеър тоза, ғаразсиз юракдан оқаётган селдирки, ботиниб шархлашдан кўра ўқиб, қайта-қайта ўқиб, хаёл суриш, завқланиш ёқимлироқ. Аммо муайян бир шеърга, шоирга доир ўйлар жамланиб, яхлитланиб, кузатувларни ўртоқлашиш истаги туғилар экан. Мана шу истак туфайли тенгдош шоирлар ижодининг ўзига хосликлари, сўз қўллаш маҳорати, ижодий имкониятлари ҳақида баъзи мулоҳазалар қоғозга тўкилди.

Шоирлар – Шодмонқул Салом, Беҳзод Фазлиддин, Носиржон Жўраев ижодини қарийб ўн йилдан бери кузатиб-ўқиб келаман. Орада шеърга ошифталик, адабиётга муҳиблик бор. Қолаверса, касб тақозоси туфайли ўртамизда илиқ дўстона муносабат пайдо бўлди. Носиржон билан магистратурада, Беҳзод билан аспирантурада бирга ўқидик. Шодмонқул ака билан эса, одатдагидек, драматик, шеърбоп кайфият умидида ҳар муюлишдан таниш-нотанишдан шеър ахтариб юрган дилгир пайтларида юзлашиб-дўстлашиб кетдик. Бу гапларни айтишдан мурод шуки, тақдир тақозоси билан бу уч шоирнинг қалб бисоти, кундалик ҳаёт тарзи, ижодий лабораторияси билан имкон қадар танишман. Шеърда шахсиятнинг бўй кўрсатиши, сатрлар узра сочилиб-ёйилиб, баъзан бўртиб туриши аён бир гап. Шу маънода Шодмонқул Саломнинг ҳассос лирик шеърларида ҳам, Ватан дея ёнишларида ҳам, тарихга, боболар руҳига мурожаатида ҳам муаллифни – чапани бир йигитни кўргандай-танигандай бўласиз. ➤

Беҳзод Фазлиддиннинг шеърда қимтиниброқ, тортиниброқ, аммо кўнгилни аямай, оғриб-оғритиб дилдошлик қилишидан сезасизки, айна сатрлар муаллифи ўз ақидасида собит, қобил ва ҳалим бир инсон. Худди Евгений Онегин мисоли ўйчан, бироз олифтароқ, бироз такаббурроқ, ўта нозик дидли, ўта таъсирчан лирик қахрамон Носиржон Жўраевнинг феъл-атвориға қай бир жиҳатлари билан яқин келади. Хуллас, уч шоир – уч олам, уч хил дунёқараш...

“Аммо ҳали яшамадим, ҳозирландим, чоғландим...”

Истеъдодли шоир Шодмонқул Саломнинг “Йўқ, ўттизга кирганим йўқ, бўлсам йигирмадаман”, деб бошланувчи шеъридан узиб олинган юқоридаги сатр, назаримда, унинг бутун ижодига тааллуқлидай: қарийб барча шеърларида ҳозирланиш, чоғланиш руҳи, нафаси бор. Нимага ҳозирланади, нимага чоғланади – бу энди бошқа масала, ҳар бир шеърнинг вазну даромадига тан...

Мен Шодмонқул Салом шеърлари ҳақида ўйлаганимда, айрим қофиядош сўзлар ва бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар баъзан фожеий, баъзан юмористик мазмун касб қилганча беихтиёр хаёлимдан ўтаверади. Кейин ўша – “кулаётганда”, “бўлаётганда”, “тўлаётганда”, “қолаётганда” тўлиб-тошиб шеър ўқийётган қадрдон шоир сиймоси гавдаланади. Ажабки, унинг шеърий бисотига оҳангдош бу сўзлар реал ҳаётдаги рангтар лаҳзаларига ҳам қай бир жиҳатдан муқобил келади.

Шеърларида ҳам, гурунгларида ҳам фикрни яхлитлашга, гапга нуқта қўйишга шошмайди Шодмонқул Салом ана ўша ҳолатни шеърий дастхати, услубига айлантирган, десак, муболага бўлмас. Унинг шеърларида жумлалар олисдан келади, ўқийверасиз; тарихлар айланади, тақдирлар турланади, ўқийверасиз; ўзликдан, “мен”дан бошланган поэтик тасвир ўзбекка, бизга туташади, ўқийверасиз; ана шундан кейингина, матн яку-



*Унинг
шеърларида
жумлалар
олисдан келади,
ўқийверасиз;
тарихлар
айланади,
тақдирлар
турланади,
ўқийверасиз;
ўзликдан,
“мен”дан
бошланган
поэтик тасвир
ўзбекка, бизга
туташади,
ўқийверасиз;
ана шундан
кейингина, матн
яқиндагина
шеърдаги
ягона нуқта (.)
қўйилади.*

нидагина шеърдаги ягона нуқта (.) қўйилади. Менга баъзан шундай туюладики, Шодмонқул Саломнинг шеърлари бошида, ўртароғида келадиган нуқта аслида ўринсиз, нокерак – гўё улар қандайдир яхлит куйма; синтактик бўлиниш, айириш, нафас ростлаб ўқиш фикрни бўлади, маромни бузади.

Шодмонқул ака шеърни қачон тугаллашни, асарга сўнги нуқта қўйишни биладиган шоир. Баъзан гўзал тизмаларни ўқиш асносида авжидан бир парда олдин ёки кейин, самимият, поэтик тасвир сулалашган паллада тугалланган шеърларни илғаб қоласиз. Мана шу ҳолатни шоирнинг ўзи ҳам англаса ва бошлама билан тугалланма фикрни нафис боғлай олса, ана ўша шеърнинг манзил-макони китобжавон эмас, мутаассир қалб бўлади. Юқорида эслаганимиз – “Йўқ, ўттизга кирганим йўқ, бўлсам йигирмадаман”, деб бошландиган шеърнинг сўнги мисралари шундай: “Ҳеч ишонманг, сочларимни тунга бўяб олганман, Лек ўттизга кирганим йўқ, балки мингдадир ёшим”. Дастлабки банддаги ўкинч, ҳадик-хавотир беш банддан кейин келадиган якунда қатъий ишончга, келажак орзусига, мискин кайфиятдан фазилат ахтаришга алмашади. Бу мисрани қандай кайфиятда ўқисангиз, шунга монанд хулоса, маънони уқасизки, шоирнинг кўз илғамас сеҳрарлиги, усталиги, кайфият йўлдоши экани мана шундай пайтлари билинади.

Яна бир шеърни кўриб чиқайлик. У “Сирқирайди суягим, тилим қонар сўзлардан”, деб бошланади. Дастлабки сўзданоқ шеърда драма туғилди, энди шоир сизнинг кайфиятингизга йўлбошчи, сарбон – эргашасиз, ўқийсиз. Шоир кейинги

сатрларда жамият билан қалбнинг муносабати ва мувозанатини элақдан ўткази бошлайди. “Мангу тавоф этмоққа бардош”, “қорайган бир кўнгилга қуёш”, “ҳамдард, ҳамроз ё рақиб – элдош” бўлолмаслик ҳисси билан қоврилаётган лирик қаҳрамон яқунда шундай хулосага келади: “Бир саркаш тулпордаман, ювош бўлолмаяпман”.

Авалло сатрда асосий маъно ташийдиган уч сўзнинг таъми, моҳияти ёқимли, чинакам шоирона – “Саркаш”, “Тулпор”, “Ювош”. Эътиборли жиҳати, бу сўзлар бир вақтнинг ўзиде асл маъносиде ҳам, кўчма маъносиде ҳам истифода этилмоқда. Бундан ташқари, тулпорнинг эмас, тулпордаги моҳирнинг ювош бўлолмаслиги сатрга янаде жозибе бағишлайди.

Шодмонқул Саломнинг бошқе шеърларида ҳам ана шундай таранглик, узвийликни кўришимиз мумкин. У “Онамга” шеъри аввалида “Тонгу шомнинг орасинда”, дея сўз айтади. Кейин яхлит бир монолог бошланади ва сўнгги ўн уч сатрни ўқиш асносиде туйғулар бир маромда кўтарилиб, юксаклаб, авж пардаларга чоғишиб боради. Охиридаги сатрда “Мен онамни соғинганман”, деган оддийгина жумла билан шеър тугайди. Йўк, шошманг, оддийгина жумла дедикми? Энди уни биринчи сатр билан кетма-кет ўқинг-чи? Маъно сал каттарди, юксалди, шундайми? Ана энди орадаги ўн уч сатр билан қўшиб бир нафасда ўқисангиз, сўнгсўзнинг жозибаси, унга юкланган мазмуннинг қамрови ортишини тасаввур қилиб кўринг. Шундай қилиб, шоиримиз жуда оддий усулда ўқувчи тафаккурини чархлайди. Лекин ана ўша “оддий” дея таъриф берилган усул, сўз йўли катта ижодий меҳнат ва истеъдод қувватининг ҳосиласидир.

*Зотан,
мантиқсиз
шеърлар
ҳам турли
йўллар билан
китобатга
айланаётган
пайтда
ўзига, сўзига
ишонган
шоиргина
ўқувчиларга
дангал савол
ташлаб,
қиёслашга,
баҳолашга
ҳақли тарзда
даъват қила
олади.*



Демак, шеърнинг тузилиши ақлни, рационал тафаккурни чилпарчин қилиб, гўёки буткул янги олам очишга бемаъни уринишда эмас, аксинча, тахайюл кенгликларида ҳам мутаносибликни, фикрлар, туйғулар аро боғланишни маҳкам тутишда намоён бўлади. Эътироф этиш керакки, бундай яхлитлик шоир шуурининг эмас, гайришуурининг маҳсули – атайлаб, ўйлаб, ҳисоблаб бундай шеър ёзиб бўлмайди. – Шодмонқул Саломнинг ўқувчиларга манзур, эътирофларга ноил шеърларида ана шундай хусусият бор.

“Қайси қиёфамда Сенга яқинман...”

Хоразм томонларда “Суворе” деган ашула тури, хониш йўли бор. Бир қарашда, нисбатан енгил туюладиган, бироз ўйноқи, савт бу қўшиқларни маҳаллий халқ ўзгаче ардоқлайди, севади. Ҳофизларнинг давра қуриб баҳслашиши – “дийралишма”сида ҳам суворани ўзиб айтиш мезон саналади. Суворе матнида ирфоний оҳанглар, маънолар қат-қат – жанрнинг асосий белгиси мана шу. Суворе Хоразм қўшиқчилике анъаналарига хос, бошқе жойларда бу сўзни учратмайсиз.

Беҳзод Фазлиддиннинг Бобораҳим Машрабга мурожаат бўлиб жаранглаган “Ўртар” шеърида учраган ушбу сўзнинг миллийлашиши, маъно кўламнинг кенгайиши, интеллектнинг намоён бўлиши каби мавзуларда мулоҳазалар туғилди. Хоразм санъатига хос сўз Наманганда туғилган шоирнинг шоҳ Машраб ҳақидаги шеърида ярақлаб турибди. Бошқе томондан олганда, бу – қаламкашнинг нозик дидидан дарак. Машраб бобо ижодига дохил битикка сўз танланар экан, ўзиде ирфоний маънони англаган каломга, табиийки, эҳтиёж бор эди. Натижада шу битта сўз туфайли шеърнинг юки ортади, улуг қаландарга яқинлик, вобасталик руҳи матнга сингади: “Томиримда куйлар оқар – сувораман”. Сатрнинг жозибаси унинг оддийлигида, гўё тилингизнинг учиде турган гап айтилгандай, шеър мутолаасининг айна нуктасига етганда шундай дейишга тараддулланаётган бир пайтингизда шоир олғирлик қилгандай туюлади.

Бундай кайфият Беҳзод Фазлиддиннинг бошқа шеърларини ўқиганингизда ҳам сезилади. Хусусан, “Чигал саволлар” шеъри номига монанд равишда риторик саволлардан тузилган. Бошдан-охир сўроқдан иборат. Ўқувчига қандай қизиқ жиҳати бор?! У нега бу саволларни ўқиши керак?! Шоирга қўшилиб файласуфна хаёлларга берилсинми?! Йўқ, Масала бошқа... Беҳзод ўқувчи кўнглига мангу саволларни қайта муҳрлаш, моҳиятга ошифталик уйғотиш фониди битта гап айтадики, кейинчалик ушбу савол китоб мутолааси давомида сизга сарбонлик қилади. Қолаверса, шоирнинг бутун ижодига муаллиф ўзи таклиф этган тарзда назар ташлайсиз. “Шеъримнинг имони бутунми?” деб хитоб қилар экан, бошқа сатрлардаги саволларнинг, ўша чигал саволларнинг (“Адашдимми ишққа кўнглимни очиб?”; “Муштарак билдимми япроқ, илдизни?”) айнаи шеърга, умуман, шеърятга алоқадорлиги ортади. Зотан, мантиқсиз шеърлар ҳам турли йўллар билан китобатга айланаётган пайтда ўзига, сўзига ишонган шоиргина ўқувчиларга дангал савол ташлаб, қиёслашга, баҳолашга ҳақли тарзда даъват қила олади. Услубининг соддалиги ва, айнаи пайтда, бадиий мақсаднинг кўламдорлиги, бу мулоҳаза кўнглидан ўтгач, янада чуқурроқ англашилади.

Шеър – драма, бинобарин, ҳар бир шоир ўзига хос услубда бадиият яратади. Беҳзод Фазлиддиннинг серсавол, ўқинчларга, араз-гина оҳангига эш шеърларини ўқир экансиз, драматик ҳолатнинг замини асосан лирик “мен”-нинг оғриқларидан, тўқнаш келган ҳодисага таассуф ёки истиғфор айтишидан иборатлигини туясиз. Мана шу борада шоирдан гина қилишга ҳаққимиз бор. Яъни, адабиётда “мен”нинг юки оғирлашмас, назари улғаймас экан, ўқувчи қалби билан қандайдир умумийлик касб этмас экан, лирик қахрамон шеърхон учун бегона, учинчи шахс мисоли бўлиб қолаверади. Аслида, ҳар қандай шеърдаги драма ўқувчининг қалб дафтарида ҳам муҳрланиши керак. Шеърхон мутолаа жараёнида аввало ўзини, ўзлигини ахтаради. Қалб оғриқларига малҳам, эш бир кайфият топгиси келади. Беҳзод Фазлиддин-



*Шоир ҳар бир
сўзни, жумлани
пишитиш,
сўзларни
чертиб-чертиб
танлаш орқали
шундай сатрлар
яраладики, энди
ўша мисрада
лирика бор,
драматик
ҳол бор, бироқ,
ибтидоий
дағаллик,
савқи табиий
йўқ – шеърга
олифта камзул
кийдирилган.
Шу боис унинг
шеърлари
чарсиллаб
туради.*

нинг жуда кўп шеърларида кечинмалар хусусий мазмун касб этиб, тушуниш мавҳум бир пардада қолиб кетади. Фикримча, Беҳзод Фазлиддин ижодидаги бу ҳол ижодий маҳорат билан боғлиқ бўлса керак. Маҳорат сайқаллашгани, юксалгани сайин энг инжа туйғуни, энг нозик вазиятни, энг дақиқ фурсатни ҳам дилбар бир шаклда, самимият билан ўртоқлашиш малакаси пайдо бўлади. Беҳзод Фазлиддиннинг шеършунослар эътирофига сазовор бўлган, мухлислар тилига, дилига кўчган шеърлари кўпчилигини таъкидлаган ҳолда, шаклланаётган истеъдоднинг қирралари ҳақида тугал гап айтиш қийинлигини ҳам унутмаслигимиз зарур.

**“Сен мени ўқидинг,
кўксимни ёриб...”**

Носиржон Жўраевнинг шеърларини деярли ёд биламан. Аксариятини биринчилардан бўлиб ўқиганман. Ўшамаган мисраларини биргаллашиб муҳокама қилганмиз, баҳслашганмиз. Аммо ҳар сафар янги бир шеър туғилганда ўртадаги тушунмовчилик тумандай тарқайди – яна мутолаа, яна муҳокама...

Носиржоннинг топган-қўллаган ташбеҳлари жуда серқатламлиликини, мутлақ ажралиб туришни даъво қилмайди. Кўз ўнгимизда кечаётган воқелик унинг нигоҳида поэтик маъно таший бошлайди: “Мушт тугсам – куртақдир, кафт ёзсам – япроқ”; “Киприк қоқишидан чиққай бир наво”; “Пешонамга омоч тортади кунлар”. Битта шеърда кўпти билан икки-учта ташбеҳдан фойдаланган шоир кейинги мисраларда туйғуларнинг ўзига, қалбнинг айтганига кўнади-кўяди. Фикрни ўраб-чирмаб, шира боғлатиб айтишга ошиқмайди.

Носиржоннинг назмдаги ёқимли тажрибаларидан бири образ яратишда кўринади. Унинг шеърларида дарпарда, стул, ёқа, куйлак, ўчоқ, ноябрь, август сингари турли тушунчалар бадий образга айланади. “Оқшом уйга кирди ёлғизлик”, деб ёзади шоир. У уйга кириб, “диваннинг ярмига ўзини ташлайди”, кейин “худди улкан кўздек бақраяр кўзгу”, “кўкрак қафасини ланг очар шкаф”, “дарпарда ўралиб келади эзгин” – хуллас, уйда ёлғизлик руҳи кезиб юрибди. Шоир ана шундай манзарани усталик билан чизар экан, ўқувчини навбатдаги, янада оғирроқ бахтсизлик билан юзлашишга тайёрлаётган чиқади. “Ёстиқ ёш боладек кирар пинжига” деган сатр ўқувчи қалбини портлатади. Ана ўша манзарани кўз олдингизга келтиргачгина, фожеанинг кўламини чуқурроқ ҳис қиласиз. Бу номсиз, шонсиз одамга ва айна тасвири бамайлихотир чизаётган мусаввир-шоирга таассуф қиласиз Аммо шеър буткул руҳсиз, умидсиз якунланганда, эҳтимол, муаллифдан ёзғирар эдик. Асар якунида узилар-узилмас сақлаб келинган умид ипи бўй кўрсатади:

*Чорасиз кўз юмса – ухлар ёлғизлик,
Онаси қавиган кўрпа ёпиниб.
Туш кўраб. Тушида юрганмиш тирик
Аллақадқларга кетган хотини...*

Шеър якунидаги “тирик” деган сўз, услуб тақозосидан келиб чиқиб шарҳланса, бир дунё умидни, илинжни, ҳамдардликни ифодалайди. Шоир ҳикоя йўсинидаги оҳангни ўзгартириб, мушфиқ қиёфада кўрингиси – сўзлагиси келмайди, холос.

Ижодкор маҳорат билан поэтик манзара чизар экан, шундай бир тасаввур қолдирадими, муаллифининг ўзи ҳам тақдирнинг ўйинларига, тафаккур мавжланишига шунчаки бир гўянда. Шеърда муаллиф “мен”ининг иштироки матн сатҳиданоқ сезилмайди, бамайлихотир айтимчилик қилаётган қалб кўринади.

Носиржон Жўраевнинг ижодида, умумлаштириб айтганда, беором ўйларга ғарқ бўлганча ўзини ахтараётган инсон қиёфаси бор. Ўзини ахтарган одам эса манзил сари одимлаб бораверади.

Хулосадан бурунги ўйлар

Уч мусофир – қалб бисотини гўё қаландарнинг кашкулидай ортмоқлаб, адабиёт оламига кириб келаётган уч навқирон шоир ҳақидаги гапни, эҳтимол, шу нуқтада тугатиш мумкиндир. Бироқ ҳали баъзи мулоҳазаларни айтиш зарурати бордай...

Тасаввур қиламанки, Шодмонқул Салом тўлиб-қайнаб ёзади. Илҳом тошганда, шу фурсатда нима ёзишини ўзи ҳам билмайдиган алпозда қўлига қалам тутса керак, деган фикрдаман. Сезишимча, шоирнинг ўзида ҳам ана ўша ижодий тошқин пайтидан кўрқув ҳисси бор.

Беҳзод Фазлиддин аввал бир гоёни миясида пишитиб, етилтириб, кейин ўшанинг ўзинигина ёзади. Унинг шеърларида ижобий ёки салбий маънодаги оғиш, бир йўналишдан чекиниш қарийб йўқ. Демак, шеър қоғозга кўчишидан аввалроқ воқе бўлган. Энди фақат қалб тандиридан узиб олинса, бас.

Носиржон Жўраев эса шеърни ўйлаб ёзади. Унинг шеърларини ўқиётганингизда “Мана бу мисра айнан шундай туғилмаган бўлса керак”, деган хаёлга борасиз, шеърларда совуққон ақлнинг иштироки борлигини сезасиз. Ҳар бир сўзни, жумлани пишитиш, сўзларни чертиб-чертиб танлаш орқали шундай сатрлар яраладики, энди ўша мисрада лирика бор, драматик ҳол бор, бироқ ибтидоий дағаллик, савқи табиий йўқ – шеърга олифта камзул кийдирилган. Шу боис унинг шеърлари чарсиллаб туради.

Шеърни қандай ёзиш, қандай қайта ишлаш кераклиги ҳақида баҳслашиб, ижобий ва салбий жиҳатларини тарозига солиб бўлмайди. Ҳар бир шоирнинг ишлаш услуби – ўзи учун энг тўғри йўл.

Тенгдошларим ижодини салмоқлаш асносида муаллифининг услубини нисбатан равшан акс эттирган шеърлардан намуна келтирилди. Чунки, бир мутафаккир айтганидай, услуб – ўзлик демак. Услубсиз шаклбозлик ўқувчини ҳам, шоирни ҳам алағда ўйларга ошно қилади, холос. Ижодкорнинг ўз овози, фарқлашиб турадиган сўз йўли бўлсагина, истеъдод тўла бўй кўрсатади. Бировга эргашиш, бегона йўлларда улоқиш умрнинг ҳам, истеъдоднинг ҳам заволидир.

Кўриб-кузатиб бораман – матбуотда, интернетда айрим тенгдош ижодкорларимиз ҳавола қилган “асар”лар даставвал мазза қилиб ўқилади. Негаки, жумлалар силлик, равон, қофия, туроқ жойида, айтилажак фикр, гоё бор, аммо шоирнинг хос каломи, “Шу шеърни мен ёзганман”, дегандай билдиргиси, дастхати йўқ. Мана шундай “арзимас” камчилик туфайли ҳам баъзи шоирлар ўртамеънализгича қолиб кетади. Шодмонқул Салом, Беҳзод Фазлиддин, Носир Жўраев сингари бу ҳақиқатни аллақачон ўқиб, муқаллид-шеърбозликдан чекиниб-тийилиб бораётган тенгқурларимиз ҳам сафдалиги адабиётимизнинг келгуси парвози янада юксак бўлишига умидлантиради.

Яхши ёзай десангиз

Марк Твен (1835–1910) саргузашт романларидан ташқари, ўткир ҳажви, ҳикматли сўзлари билан ҳам машҳур. Дунё эътироф этган адибнинг бошловчи ёзувчиларга берган маслаҳатлари, шубҳасиз, мактаб вазифасини ўтайди.

“Жуда”, “ўта” деган сўзни ишлатмоқчи бўлганингизда унинг ўрнига ҳар сафар “ҳаддан ортиқ” ёки “беҳад” иборасини қўлланг. Шунда муҳаррир бу сўзларни ўчириб ташлайди ва ёзганларингиз бинойидай бўлади-қолади.

Хулоса: ортиқча сўзларсиз, аниқ, равон, таъсирли ёзинг. Ўринсиз ҳаяжон ёки ясама муболага сунъийликка олиб келади.

Сизга биров қаламҳақи таклиф қилмагунича, текинга ёзаверинг.

Ижодкор бўлишни чин юракдан истанг, ўз ишингизни севинг. Фақат пул ё шон-шухрат учун ёзсангиз, яхши натижага эриша олмайсиз. Бундан ҳафсалангиз тир бўлади ва ижоддан тезда кўнглингиз қолади.

Мақола ёзиш учун энг қулай фурсат – уни ўзингиз учун ёзиб тугатган пайтингиздир. Фақат шундагина асли нима демоқчи эканингизни аниқ-тиниқ англайсиз.

Илк уринишлар фақат қорғалмалар, холос. Буюк ёзувчиларнинг аксарияти асарларини қайта-қайта ёзган, таҳрир қилган. Ишлагандан, фикрлагандан эринманг.

Гоя, фикр ҳаммада бор. Бироқ ҳамма ҳам уни керагича ифода-лай олмайди. Битта хатбошида айтиш мумкин бўлган фикрни узундан-узоқ чўзадиганлар кўп.

Сўзларни тежанг, лўнда ёзишни ўрганинг. “Сўз бўтқаси” ҳеч кимга керак эмас. Ортиқча иборалар тушунарлилик даражасини тушириб юборади.

Бир сафар бахтли тасодиф тўфайли бир нарсани англаб етдим: ярмига келиб “тўхтаб” қолган китоб – агар озгина нафас ростлаб, унга янги куч ва ғайрат билан киришсангиз – юришиб кетади. Хом ва пала-партиш мақолаларга ҳам бироз танаффусдан сўнг янги руҳ бериш мумкин.

Иш унмай қолиши ҳаммада кузатилади. Ижодий кайфият ўзгарувчан бўлади. Дам олинг, бошқа юмушлар билан шуғулланинг. Бироқ танбаллашиб қолманг ҳам.

Буюк китоблар услуби ва моҳиятига қараб баҳоланади, қолипланган грамматикасига қараб эмас.

Диққатни гоя, услуб ва сюжетга қаратинг. Ёзиб бўл-

гандан кейингина грамматика, эга-кесимнинг ўрни ҳақида бош қотиришингиз мумкин.

Сифатлар масаласида бир гап: иккиланяпсизми, ўчириб ташланг.

Сўзларни, айниқса, сифатларни қўллашда эътиборли бўлинг. Маъносини ёки ўрнини билмай ишлатган сўзингиз тесқари, қулғили ёки маъно маъно келтириб чиқариши мумкин.

Қисқа ибора ва гаплар, оддий тил таъсирчан эканини англадим. Чин кўнгиладан ёзаяпсизми, шу услубни маҳкам тутинг. “Пардай майин ва гулдай чиройли” иборалар ўқувчини чалғитишига йўл қўйманг.

Қандай усулни танлаш – ўзингизга ҳавола. Энг муҳими – моҳият. Ёзганингизни ўқиган одам нима деяётганингизни, нима демоқчилигингизни тушуна олсин.

“Аёл бақирди”, деманг. Уни шундай вазиятга олиб келинги, ўзи бақирсин.

Воқеаларни худди кўриб тургандай, ўзингиз қатнашаётгандай тасвирланг. Шунда ўқувчи ҳам шу тарзда мутолаа қилади.

Бир хил усулда ёзадиган адибларни умуман тушуна олмайман.

Янгича усулларни қидиринг, сўз ясаб кўринг. Тасвир ва ифодада тажрибалар қилинг.

Тўғри сўз ва деярли тўғри сўз ўртасидаги фарқ худди чақмоқ билан тиллақўнғиз ўртасидаги фарққа ўхшайди.

Сўзларни танлаш ва қўллашга жиддий аҳамият беринг.

Сиз қанча кўп тушунтирсангиз, мен шунча кам тушунаман.

Яна ўша гап: равонлик, лўндалик. Ортиқча тафсилотларга умуман ўрин берманг.

Ориф ТОЛИБ тайёрлади



Тоғай МУРОД:

“Юлдузим
мангу ёнади”



Мен ўрта мактабни битириб,
шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз
беш ёшларгача уйланмайман, оила
қурмайман, бирор идорада فراқат
тириктилик учун ишлаймаман.

Мен فراқат бир мақсадни кўзлагдим:
ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон
адабиётини ўқиши.

У худди ўз асаридагидек ўта
тўғрисиўз, бир қарашда жуда дағал,
аслида эса ниҳоятда кўнгли нозик,
самимий, оқкўнги инсон эди...

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Мен ёлғиз ўғил бўлиб ўсдим.
Маъмур бўлиб ўсдим. Бировга
эғилмайдиған бўлиб ўсдим.
Бировга пой-патак бўлмайдиған
бўлиб ўсдим. Бировга ялтоқлик
қилмайдиған бўлиб ўсдим.



Болалик дўсти
Саттор Алимардон
ов билан,
1966 йил

“Тоғай бизнинг иўрабўшимиз
эди. Унинг айтгани айтган,
дегани деган бўларди. У
танани тиниқтиришни яхши
кўрарди: қорда ювинишни,
Ўзмолининг сойгача (ўн-тўрт
пақирим масофа) юзуриб бориб
келишни, қиш пайтларида
ариқнинг музини ёриб кўмилишни
ёқтирарди ва бизни ҳам шунга
манбур қилар эди.”



Тўй, Тошкент.
1984 йил
5 октябр

Чин гаплар кўнгулда бўлади. Тилга
ниқса ёлгон бўлади-қолади.

Шахсан мен Тоғай Мурод асар-
ларини мумтоз китобларим орасида
сақлайман, уларни ҳар сафар қайта
ўқиганда, унинг қаҳрамонларидаги
эркакча тантиликдан ва муаллиф
услубидаги мардона оҳанглардан завқ
оламан.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Адабиёт қасрини қандай
забт этса бўлади? Адабиёт
дарвозасидан қандай кирса
бўлади? Асл ишодкор Ада-
биёт қасрини ўз асари билан
забт этади. Асл ишодкор
эл-юртга "ура-ура" гаплари
билан эмас, бадиий асарлари
билан кизмат қилади.



Тоғай Мурод... Бу исм адабиётимизга дастлаб жуда
ҳам беозор, айтиш мумкинки, сезиларсиз кириб келди.
Аммо тез фурсатда севимли ва ардоқли номга айланди.

Тоғай Мурод... Бу исм XX аср ўзбек қиссачилигини
янги, шукуҳли чўққиларга кўтарди. Диққат қилинса,
адибнинг барча қиссаларида покдомон кишилар, уларнинг
ҳалол ва оддий ҳаётлари, дарду армонлари тасвирланган.

Тоғай Мурод... Бу исм ўзбек романчилиги тараққи-
ётида ҳам белгилловчи ўрин эгаллайди. Чунки адиб ўзбек
бадиий насридаги баён поэтикасини бутунлай янги
ўзанга буриб юборди. Эпик баённинг бу шакли ҳозирги
ўзбек насрида мутлақо янги бадиий ҳодиса бўлди. Мен бу
ҳодисани квантий баён шакли, деб номлагим келади.

Тоғай Мурод... Бу исм адабиётимизга сокин ва бео-
зор кириб келди, аммо абадий ифтихор билан насримиз
тарихида муҳрланиб қолди.

Баҳодир САРИМСОҚОВ,
филология фанлари доктори, профессор



Тоғайнинг момо:

- Илойим, ўзбеки пошкаста-аёллари... қо-
зонни ўтдан тўшмасин, супрасидан нон аримасин,
туз-таомлик бўлсин, кўт-баракотлик бўлсин,
ойдин айлик бўлсин, олжадай гулик бўлсин,
тамал-тошлик бўлсин, тоғ-тахтлиқ бўлсин,
ортобдай нурлик бўлсин, Муҳаммад пайғамбар
ёшнини кўрсин, бахт-иқболи қош-киприклари
орасида бўлсин, Озодлик гаштини сўюб-сўюб
тўйсин, қониб-қониб тўйсин, илойим!

"Саодат" журнали, 1994 йил 4-сон



Дўрмон, Ёш
ишодкорлар
даврасида,
1985 йил

Биродар, қаламқашни сўйдирадиган - асари
тили, қаламқашни кўйдирадиган - оғиз тили!

Тоғай Мурод ёрқин ранглар, мунис-мунис
оҳанглар ёзувчиси эди. У қисса битмасди. бал-
ки бор овози билан ҳазин-ҳазин шеър ўқирди,
қўшиқ айтарди. Бу шеърда ўзига хос сирли
оҳанг, жозоба оҳанрабодек жиллоланиб туради.

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Нодир Норматов, Тоғай Мурод,
Шўжур Холмирзаев, Рузи Чориев

Имон билан яшаётми, ноҳақликка тидолмовчи,
хўрлик-золимликдан наҳратланувчи, тин инсон
бўлиб яшаётми зот – асл зиёлидир!



“Олтинсой тонги” газетаси
таҳририятида, 1988 йил



Мен елкамдан нағрас олдим.
Мен энтиқдим. Мен хумордан
тиқдим. Мен галаба қозондим!



Зоир Мамажонов,
Тоғай Мурод,
Хуррамжон Раимов.
1984 йил



Бу дунёга келдингми?
Энди яша! Тишини тишига
қўйиб-қўйиб яша. Муштни
туғиб-туғиб яша. Чи-
даб-тидаб яша. Яшани
тидаганга тиқарган!

Бу дунёга келдингми?
Энди тида! Дунё – тида-
ганники! Охиригача тида,
Худо берган кунгача тида!

Саид Аҳмад ... тенгқурлари-
миздан Тоғай Муродни кўпроқ
ёқтирарди, ... шу бола ҳаммангдан
яхши ёзади, деб мақтаб юрарди.
Назаримда, у сўз ва оҳангдаги ўзи
орзу қилган ва балки етолмаган
недир сарбаст ва баланд парда-
ларни Тоғай Мурод асарларидан
топгандай эди. Дарҳақиқат, Тоғай
Мурод дўстимиз шамолдай эркин
эди – кўнглида борини ёзарди,
ёзганда ҳам яйраб ёзарди.

Биз Тоғай Мурод яхши ёзиши-
ни тан олардик...

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Ҳар банданинг кўкда
ўз юлдузи бўлади, ошна.
Шу юлдузнинг ёнгани –
шу банданинг ёнганидир.
Шу юлдузнинг сўнгани
– шу банданинг сўнгани-
дир.

Йўқ, ошна, йўқ!

Юлдузим ҳали ёнади!
Давраларим ҳали давом
этади!

Невараларим давра-
ларда:

– Ё, бобомнинг пири!
– дея айқириб-айқириб
олиша беради!

Юлдузим мангу ёнади!

Фаррух ЖАББОРОВ
тайёрлади.

Жайҳун соҳилида унган ниҳоллар

Жайҳун, Сайҳун – шаҳру кентларимга она бўлган сувларим.

Амударёдан тўлиб оққан оби ҳаёт Она Ватанимизнинг боғу роғларини гулла-тиб-яшналади, қадимий туркий тилнинг теран ва серирмоқ ўзанларидан сув ичган бадий адабиёт эса кўнгил боғларини обод этади. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари умр дарёсининг ўзани бир, она тилининг ўзаги бир.

Тойлар ўсиб тулпор бўлгай уларни миндиришига,

Улар ўсиб ботир бўлгай отларни елдиришига, –

деганларидек, бугун ана шу адабиётнинг ворислари миллий анъаналарни давом эттираётир. Давлатимиз раҳбарининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидан келиб чиқадиган вазифалар маъсулиятини ҳис этган ҳолда ўзбек тенгдошлари билан ҳамнафас ижод қилишаётир.

Қорақалпоғистон ёшларидан Сарвиноз Мусатдинованинг “Карвон йўллари”, Ривож Ўтарбоевнинг “Жайҳун жилвалари”, Сабоҳат Саъдуллаеванинг “Кўнғироқ” шеърлар тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” туркумида “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилди ва таълим муассасаларига бепул тарқатилди. Ўзбек ўқувчилари қорақалпоқ тенгдошларининг ижод намуналари билан яқиндан танишдилар.

Оққан дарё оқаверади, дейди халқимиз. Бир гуруҳ қорақалпоқ ёшларининг журналхонларга ҳавола этилаётган ижод намуналари шу фикрни яна бир бор тасдиқлайди.



Бердақ МУСТАФАЕВ

1996 йили Нукус туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети журналистика факультети талабаси.

Куз

Ёз оёқлаб, издан қадам босди куз,
Димогингни ёрар тўрқовун иси.
Хирмон уйиб, чарчамган элмиз биз,
Бог яратмоқ олтин қалбли халқ иши.

*Япроқлар турнадек шикаста овоз,
Тақдирнинг ҳукмига кўнар ноилож.
Этмоқчи бўлар-у қуш каби парвоз,
Учолмасдан ерга кўнар ноилож.*

*Куз бугуни иссиқ, эртаси совуқ,
Уйга беркинасан ёмғирдан қочиб.
Хўмраяди осмон, қовоғи солиқ,
Қуёш кечагидек турмас нур сочиб.*

*Вақт донишиманддир азалдан шундоқ,
Фаслар алмашиб келаверади.
Тароқ ботмас сочга ногоҳ тушар оқ,
Йиллар шамол каби елаверади.*

*Ҳар фаслнинг файзи, ўрни бўлакча,
Бирига ўхшамас бири, албатта.
Улар бамисоли тўрт ога-ини,
Феъл-атвори бўлак, отаси битта.*



Салтанат УЗОҚОВА

1992 йили Хўжайли туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қорақалпоқ филологияси факультети талабаси.

Кўнглим

Билмадим, неларни тусайди кўнглим,
 Ғурур, номус ва ор ҳамини солиб.
 Орзу-умидларим дилда лиммо-лим,
 Барини қулфладим сандиққа солиб.

Сир бергим келмайди, сақлайман сирим,
 Кўнглимда ҳасад йўқ, ичимда кирим,
 Дардларимни ошкор этса ҳам шеърим,
 Ҳеч очилмадинг-а, бағритош кўнглим?!

Гоҳида онамдек аллалар ҳаёт,
 Учаман, қуш каби қоқаман қанот,
 Бўйин эгиш феълу атворимга ёт,
 Лек ҳамдард излайди қаламқош кўнглим.

Висол йўли яқин, ҳижрон кўп узун,
 Сабр ила меҳнатнинг охири фузун,
 Оқлай онам сутин, отамнинг тузин,
 Тошар дарё каби сарқаш, ёш кўнглим.

Тонг отар, умримиз яна сермазмун,
 Кун ботар, барчамиз ҳаётдан мамнун,
 Кўнглим очиқ бўлса, ёришгай очун,
 Оламни кашф этар серқуёш кўнглим.



Дониёр НУРСЕЙТОВ

1989 йили туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида таҳсил олган. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.

Ўн тўққиз

Куз. Қош қораймоқда. Соат 19.
 Қуёш ботаётир, чўгдек қизил уфқ.
 Ҳаёт дарёсининг оқими қирмиз,
 Айни кунботарда кўринар аниқ.

Кимлардир югурар дарёдек тошиб,
 Кимлардир таксида талашар ўрин.
 "Навбат меники, қоч, турибман шошиб",
 Йўловчилар туртиб ўтар бир-бирин.

Автобус чирогин ёқар – 19.
 Дегандай: "Қани мин, қолдинг-ку танҳо".
 Дедим: "Вақт қадрини билдирдинг тигиз,
 Кетавер, шошининч эмасман асло.

Бир сулув келаётир, балким 19,
 Ёши йигирмага етиб-етмаган.
 Хотиржам ва беғам бу ажойиб қиз
 Бекорга ноз ила ишва этмаган.

Қуш каби питирлар кўксимда юрак,
 Юрак бефарқ эмас сулув қизларга.
 Энди бошқалардай шошман ҳалак
 Соат ўн тўққизда. Ўн тўққизларга...



Сарвиноз МУСАТДИНОВА

1989 йили Шуманай туманида туғилган.
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университетида таҳсил олган.
Ёш ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби”
республика семинари иштирокчиси.
“Карвон йўллари” шеърлар тўплами муаллифи.

Меҳмондўст қорақалпоқ

Яратган қадрият, дурдоналарни,
Оқ кўнгил, меҳмондўст қорақалпогим.
Онамдан қадимги афсоналарни
Тинглаб улгайганман болalik чоғим.

Элимда отадек улғудир меҳмон,
Ўчмаган боболар ёққан илк ўчоқ,
Тўйда қўша-қўша осилар қозон,
Жон деб меҳмон кутар овул, чангароқ.

Дерлар очарчилик йили бир пари
Меҳмон бўлиб элни синаган экан.
Одамга айланиб ночор ва қари,
Оқшом бир ўтовда тунанган экан.

Бир кафтгина гуруч қолган, кўноққа
Серфарзанд мезбоннинг бору йўғи шул.
Шавла қилиб сузганда бир товоққа,
Дастурхонга чўзилади неча кўл.

Уй эгаси уялганидан шошиб,
Қоронгида туртиб юборган шамни.
Болаларин кўлин товоқдан тўсиб,
– Олинг, – деган, – олинг, меҳмон, таомни.

Мезбоннинг ҳақиқага айлабди дуо,
Тўйиб олиб иссиқ шавлага меҳмон.
Қорақалпоқлардан бўлибди ризо,
Меҳмондўстлигига қолибди ҳайрон.

Халқим, мардлигинга сира шубҳа йўқ,
Бойсан, кўли очиқ, сахийлигинг рост.
Қорақалпоқ – меҳмондўст, деган доврўқ
Ўша мусофирдан қолган бир мерос.



Аллаёр ДАРМЕНОВ

1997 йили Кегайли туманида туғилган.
Кегайли туманидаги Халқобод саноат-
транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси.

Учрашайлик

Учрашайлик, бир гал бўйин ийгин сен,
Нурдан тиккан кўйлагингни кийгин сен.
Учрашганда уятчанман, билсан,
Индамасдан дудогимни суйгин сен.

Сочларингга қизил гуллар тақиб кел,
Қушдек ҳуркак юрагимни ёқиб кел.
Ўқ-ёй тортган қошларингнинг остидан
Отган ўқинг тегдими деб, боқиб кел.

Мен кутаман кўлларимда гул тутиб,
Ҳажр ўтига сабр сувин сирқитиб.
“Мен кимман?” деб, кўзларимни беркитиб,
Сен келсан, жоним, мени кўрқитиб.

Довдирасам, кўзинг билан от мени,
Ғариб каби қулбозорда сот мени.
Муҳаббатнинг метин бўлиб туғилган,
Ҳеч ечилмас чилвирига чат мени.

Ўксинаман келмасанг гап, дилбарим,
Бой бермагин олтин куннинг нурларин.
Учрашайлик, сўзлашайлик, жуда кўп
Сенга атаб гамлаб кўйган сирларим.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржималари

Расмларни Оловиддин СОБИР ўғли чизган.




Байрам АЙТМУРОД

1986 йили Қорақалпоғистон Республикаси Бўзотов туманида тугилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олган.

ҚЎНОҚ

ҲИКОЯ



А

замат алламаҳалда келди, унинг устига, ўзини беҳаловат ҳис қилаверди. Бир нарсани унутгандай, йўқотгандай бўлаверди. Томоғидан овқат ўтмади. Ижарадош жўралари – Нишон билан Сардор бир-бирига қарамай, пишиллаб овқатла-

нишарди.

– Ҳа жўра, мазанг йўқ? – деди Сардор нафсини сал қондириб олгач. – Нима бало, жиғилдонинг шишганми? Ё битта-яримтаси қорнингни тўйдириб юбордимми?



Азамат чуқур уҳ тортди.

– Намунча уфламасанг? Дунёни сув босаяптими?

– Севган қизи ташлаб кетган кўринади, – гапга қўшилди Нишон косасини нон билан сидирар экан. – Топдимми? Топди-им. Шу, сенинг севишингга қойил қоламан-да, жўра. Бор будинг билан мубтало бўлавермасдан, сал ўзингни аяброқ яхши кўрсанг бўлмайдами, менга ўхшаб? Ҳе, Мажнун! Ай, ўйлама, жўра! Нима кўп, киз кўп.

– Нималар деяпсан-ей? Қанақа севги, қанақа киз? – Азаматнинг энсаси қотди. – Мен нима хаёлдаман-у, сен нима дардда!

– Айт-да бўмасам, одамнинг ичини куйдирмай.

– Ўйлаяпман.

– Нимани? – деди Сардор.

– Боя маҳаллага бурилаверишда бир жувон

– Менга қаранглар, сизлар ростдан олиб келмоқчимисизлар? – деди Нишон. – У сен айтгандай ўғрим, тўғрим, биз билмаймиз-ку. Шантажчидир балки? Олиб келганингдан кейин, беш минутга қолмай дод-войни солиб, ҳаммани оёққа тургазса-чи? Бутун маҳаллага шарманда бўламиз-ку. Ўзи ижарада аранг судралиб юрибмиз. Бу ердан ҳам бадарга қилишмасин, тагин.

турган экан. Ёнида ёш боласи. Совуқда дийди-рабгина, кўзлари жавдираб, ҳар кимдан нажот истаб қараб турибди. Мендан ёрдам сўради. “Ука, шаҳарга меҳмонга келувдик. Аксига олиб, қариндошимиз чет элга кетган экан. Автобуслар ҳам тўхтаган. Эрталабгача тунашга жой топиб беролмайсизми?” деди.

– Сен-чи, сен нима дединг?

– Иложи йўқ, деб келаверибман-да, – елка қисди Азамат.

– Бекор қилибсан, жўра, – Сардор ҳам ўша аёлни кўз олдига келтириб, ичидан бир нарса узилгандай бўлди. – Боласи билан шу совуқда ташлаб келганинг яхши бўмабди.

– Менам шуни ўйлаб ўтирибман. Ҳа энди, ким билсин, ўғрими, тўғрими, дебман-да. Дабдурустдан олдингдан нотаниш биров чиқиб, тунашга жой сўраса, худди киссангдагини чиқар деётгандай довдираб қоларкансан киши. Гапийам сал шубҳали кўринди. Саросимада жуфтакни ростлайверибман.

– Э, олиб келавермабсан-да. Ҳа, танишардик. Тонггача суҳбатлашардик. Биз бўйдоқ, у жувон бўлса? А, лаббай! – беўхшов ҳазил қилди Нишон ва дўстларининг ялт этган қарашларидан буни сезиб, тилини тишлади.

– Мана шу сенинг ифлос ўйга боришингни билиб, олиб келмадим! – жазавага тушди Азамат.

– Вой-вў, ҳазиллашдим-ку!

– Ҳозир ҳазилнинг ўрними? – баттар тутуди.

– Йўқ, айт, ҳазил қилишнинг мавридими ҳозир? – Ўзингни бос, жўра! Меники бир омади гап-да!

– Азамат, қўй шуни, нима биринчи марта кўриб турибсанми? – деди Сардор. – Нишон, сенам тилингни тий. Оғзим бор, деб ҳар балони лақиллайверма. Хуллас, нима қиламиз?

– Кетиб қолмаганмикан? – тараддудланди Азамат.

– Қайдам, балки ҳалиям тургандир.

– Анча вақт ўтди-ку. Яна билмадим. Қараб келаемизми, ё?

– Менга қаранглар, сизлар ростдан олиб келмоқчимисизлар? – деди Нишон. – У сен айтгандай ўғрим, тўғрим, биз билмаймиз-ку. Шантажчидир балки? Олиб келганингдан кейин, беш минутга қолмай дод-войни солиб, ҳаммани оёққа тургазса-чи? Бутун маҳаллага шарманда бўламиз-ку. Ўзи ижарада аранг судралиб юрибмиз. Бу ердан ҳам бадарга қилишмасин, тагин.

– Ваҳима қилаверма! – жеркиб берди Азамат. – Туринглар, кетдик қидириб келаемиз. Бу ерга бўлмаса, уйда аёли бор бирорта қўшниникига жойлармиз.

– Мен бормайман, – деди Нишон.

– Сен қолавер, Сардор иккимиз қараб келаемиз.

– Эртага бир нарса бўлса, мен сизларни танимайман, айтиб қўяй!



Сардор ҳам иккиланиб қолди, кўнглига гулгула тушди.

– Балки, кетиб бўлгандир, а? – деди у ишончсиз оҳангда.

Азамат жўраларига бироз ҳайрон бўлиб қараб қолди, сўнг қўлини бир силтаб, кўчага чиқиб кетди.

Аёл боласи билан шаҳарга – ота уйига, инисининг тўйига борди. Қайнонаси тўшак тортиб ётибди, эри ўрим-йиғимда. Она-бола тўйни тарқатиб, иккинчи куни пешиндан сўнг йўлга тушди. Эридан уч-тўрт кунга рухсат олиб келган бўлса-да, жувон уйда қолган қайнонасини, рўзгорни ўйлаб, ота-онаси, қариндош-уруғининг гапини писанд қилмай, “Кетмасам бўлмайди”, деб туриб олди. Ўзи, шаҳар билан туманнинг ораси яқин, автобусда бирпаслик йўл. Аксига олиб, йўлда автобус бузилди ва улар туманнинг ўзига кун ботганда зўрға кириб борди. Бу ёғи қишлоққача яна пою пиёда анча юриш керак. Туманда қолай деса, на таниши, на қариндоши бор..

Она-бола тўлин ойнинг ёруғида икки томони юлғун босган ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб бораяпти. Кузнинг салқин ҳавоси этларини жунжиктирар, шамол юзларини тимдалар, она енгларини гижимлаб, дир-дир қалтираб, бола эса бошини чопонига тортиб, ғужинибгина борарди. Узоқ-узоқлардан сойнинг шовуллаши,

итларнинг ҳургани, эшакларнинг ҳанграгани эшитилади. Юлғунзордан ўтгандан кейин пахтазор чиқди. Ҳайдов бўлган ғўзапоялари навкарлардек саф тортганча ваҳима солади. Даланинг бу боши билан у боши камида икки чақирим йўл. Чап томонда эса жийдаю тўрангил шохлари бир-бирига чирмашиб кетган тўқайзор. Питир-питир, шитир-шитир, “ғийқ-ғийқ”, “пир-пи-и-ир” этади. “Жийданинг тагида ухлаб қолса, жин чалиб кетади”, деган гапни кўп эшитгани учунми, болани қалтироқ тутар, қанча тез юрмасин, йўл тугамайдигандек эди. Нуқул “Отам тракторида келиб, бизни олиб кетсайди”, деб айтади.

Даланинг ярмига ҳам етмасдан яқин атрофда шоқол улиди. Она чўчиб тушди, ўғлининг қўлидан маҳкам тутди. Бола пиқиллаб йиғлай бошлади. Тўқайзор томондаги саслар ҳам кучайиб, худди буталар орасидан баҳайбат ҳайвон чиқа солиб, ҳамла қиладигандек иккиси ҳам жойида серрайиб қолди. Она дарров ўзига келиб, қўлига узун таёқ олди. “Кўрқма болам, мен борман, секин юравер” – унинг овози қалтирарди.

Бир овулга кириб бордилар. Зим-зимистон. Милт этган чироқ йўқ. Ой ёғдусида пастқам уйлар янада ерга қапишиб кетгандек туюларди. Она-боланинг тинка-мадори қуриган, қадам ташлашга мажоли қолмаган эди, биринчи кўринган уйни қора тортиб боравердилар. ◉

Жувон илдириб қўйилган ёғоч ирганақни очди. Кенг ҳовлининг ўнг томонидаги қўрадан эчкиларнинг бир-бирини сузиб, хунук йўталгани эшитилди. Аёл ит-пити ташланиб қолса-я, дея қўлидаги таёғини маҳкам ушлаб олган, боласи эса унинг этагини қўйвормасди.

“Ким бор, ҳу-у-в”, деб чақирди. Бекорга хавотирланмаган экан, супа ёнида ётган эшакдай ит вовулади. Она орқага тисарилиб, қаттиқроқ бақирди. Болани қалтироқ тутди. Ит ҳуриб, улар томон яқинлаша бошлади. Энди қочиб чоғланиб туришганида, уй эшиги очилиб, бир кампирнинг шарпаси кўринди.

– Ҳа? – деди кампир кафтини манглайига тираб. – Ким у?

– Худойи қўноқмиз, эна.

– Киришлар, кираверинлар, нега ийманасан, болам? – деди кампир остонадан ичкарига бошларкан. – Келишлар-чи, қани. Вой, қулуним-ов, музлаб қолибсан-ку.

*Жувон ўглини туртиб,
“Момоннинг исмини айт”, деб
шивирлади. Мезбон буни сезиб,
болага юзланди:*

– Ҳа, айт-чи қани, кимнинг наварасисан?

– Шарифа момоннинг, – эркаланди бола.

– Шарифа? Э, ҳа, боядан бери шундай демайсанми? Тўй-маъракаларда кўп кўраман уни.

Кампир болага энгашиб, қўлларини силади, юзини юзига босди. Кампирнинг бети илиқ эди, ажин босган манглайи, чаккаларидан кўриниб турган оппоқ сочи момосини эслатарди. Фақат момоси сал тўлароқ, бу кампир эса жимитдек кина эди.

Момо меҳмонларни кичик бир хонага бошлади. Печ ёқилган, иссиққина тафти дарров қизарган юзларини эрита бошлади. Момо чироқни ёқди. Хона ўртасида чоғроқ хонтахта, бурчақда устига тўрт-беш кўрпача йиғилган сандиқдан

бўлак жиҳоз йўқ. Тўрда қорачадан келган бола ухлаб ётибди. Момо уни турткилаб уйғотди.

– Файрат, тур, болам! Меҳмон келди.

Бола гудраниб, кўзини очди. Бироз аланглаб турди-да, нотаниш одамларни кўриб, момосига норози қараб, бир нарсалар деб, чиқиб кетди.

– Эна, қўйинг, ётаверсин эди, – деди жувон паст овозда. – Сизларни ҳам овора қилдик...

– Овораси бор эканми, болам? Худойи қўноқ – худонинг қўноғи. Киришлар-чи, устингиздагини ечиб, юқорига ўтинлар-чи...

Момо печга шох-шабба ташлади, қора қумғонни тўлдириб, чой қўйди. Жувон эгнидаги пальтосини, ўғлининг чопонини ечиб, девордаги миҳга осди. Момо хонтахта атрофига икки қават қилиб кўрпача тўшади. Дастурхон ёзиб, жўхори унидан қилинган тўртта зоғора, пиёлаларда толқон, жийда, иккита ликопчада парварда олиб келди, иссиққина чой дамлади. Жувон ҳам тугунини ечиб, тўйнинг нон-бўғирсоғидан дастурхонга қўйди.

– Олинлар, уялманлар, йўл юриб чарчаган-дирсизлар, – деди момо зоғорадан синдириб болага узатаркан.

Бола йўл-йўлакай тугундаги нарсалардан чўқилаб келган бўлса-да, жуда очиққан эди. Зоғорани олиб, апил-тапил чайнай бошлади. Қовоқ қўшиб ёпилгани учунми, жуда мазали туюлиб кетди. Момо меҳрибонлик билан олдига толқон-нияма суриб қўйди. Нонни ютиб бўлмасдан, оғзига бир қошиқ толқон солганди, томоғига югуриб, йўтал тутди. Жувон уятдан қизариб кетди, момога билдирмасдан боласини чимчилаб олди.

– Шошмасдан еявер, қулуним, ҳаммаси сенга, – деди момо жилмайиб. Сўнг чой куйиб бераётиб, юрт суриштирди:

– Қизим, қай овулдансан? Кимнинг элисан?

– Қумлитовданмиз. Жумабой тракторчининг аёлиман.

– Жумабой тракторчиси ким бўлди экан? Қайнота-қайнонанг борми?

– Қайнонам бор.

– Ҳа, шундан гапир-да, бўлмасам...

– Энамизни ҳамма табиб дейди.

– Табиб? – кампир бир нарсани эслашга уринди, чоғи, унга тикилиб қолди. – Қумлитовда ким табиб эди-я?

Жувон ўглини туртиб, “Момоннинг исмини айт”, деб шивирлади. Мезбон буни сезиб, болага юзланди:

– Ҳа, айт-чи қани, кимнинг наварасисан?

– Шарифа момоннинг, – эркаланди бола.

– Шарифа? Э, ҳа, боядан бери шундай демайсанми? Тўй-маъракаларда кўп кўраман уни.

Жуда кайвони аёл. Ҳамма мақтайди қўли енгил, деб, – деди мезбон.

– Ҳа, қишлоғимизда ким касал бўлса, энамнинг олдига чоғиб келаверади.

– Тузук, тузук. Ўзи яхшими, ўйнаб-кулиб юрибдими? Ҳов, лақиллаб ўтиришимни қара, – дея момо жувонга чойнакни узатиб, ўзи қўзғалди. – Ҳозир сизлар чой ичиб турунглари-чи, мен қозонни отлангириб юборай.

– Эна, қўйинг. Чой етади, раҳмат.

– Ҳов, ундай дема. Чой томоқ бўлармиди?! Иссиқ овқатга нима етсин.

Жўралари аллақачон ухлаб қолган, хонада оғир сукунат ва зулмат кезиб юрарди. У жойига ётди, кўзи илинди дегунча, ўша кечадаги жимитдеккина момо билан қорачадан келган невараси совуқда қалтираб тургандай кўринаверди.

– Йўқ, эна, илтимос, овора бўлманг. Ўзи, шундоқ ҳам тинчингизни бузганимизга хижолат бўлиб ўтирибмиз. Ҳадемай тонг ҳам отади...

Момо сал каловланиб турди-да, боланинг кўзлари юмилиб кетаётганини кўриб, шаштидан қайтди. Момо ўзига, меҳмонларга қатор жой солиб, чироқни ўчирди. Жувон билан узоқ гаплашиб ётишди. Аёл қаердан келаётгани, нега кеч қолганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Момо ҳам ўғли билан келини шаҳарда яшаши, уларнинг қаерда ишлаши-ю, ўзи қишлоқда невараси билан бирга туриши ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Бола уларнинг гангур-гунгур гаплари-га қулоқ тутиб ётиб ухлаб қолди...

Тонгда аёл боласининг бошидан силаб уйғотди. Бола қараса, ёнида кечаги қора бола чой ичиб ўтирибди.

Кўзини ишқалаб, даҳлизга юз-қўлини ювишга чиқди. Момо бир нарса деди, шекилли, изидан мезбон бола келди, обдастани олиб, сув қуя бошлади.

– Исминг нима? – сўради у.

– Азамат.

– Меники Файрат. Адашиб қолдингларми?

– Йўқ, кечқурун қўрқдик.

– Ҳе, қўрқасанми қоронғидан? – истехзоли кулди у.

– Ҳа, сен-чи?

– Йўқ. Ҳечам қўрқмайман.

– Кучли экансан-да, а?

– Ҳа, қўрқсам, ёнимга итимни олволаман.

Кеча кўрдингми итимни?

– Кўрдим. Итинг катта экан.

– Мактабга борасанми?

– Йўқ, ҳали кичкинаман. Кейинги йил бораман.

– Мен учинчи синфда ўқийман.

– Учинчи синфда? Фақат уч баҳо оласанми шунда?

– Йўқ, бешга ўқийман мен.

– Алдама. Бешинчи синфлар бешга ўқийди.

Сен учга ўқийсан, – унинг устидан завқланиб кулди.

– Ҳозир қумғон билан бошингга бир ураман!

– Файрат обдаста ушлаган қўлини Азаматнинг тепасида сермади.

– Эна, қаранг! Файрат мени урмоқчи!

– Файрат! Безори! Тегма қўноқ болага! – момонинг таҳдидли овози эшитилди.

– Ўзи-ку, учга ўқийсан, деб устимдан куляпти, – деди Файрат попуғи пасайиб.

– Азамат! Ҳозир кўрасан мендан, – жувон дўк урди.

Меҳмон бола онасининг олдига югурди.

Файрат изидан кириб, унга еб қўйгудек қаради. Азамат онасига биқиниб ўтириб, чой ичди, қайноққина шўрвани паққос туширди.

Момо она-болани овулдан чиқаверишдаги катта ариқ бўйигача кузатиб қўйди. Ариқни ёқалаб юрса, катта йўлга тушишини айтиб, қўлларига майда-чуйда солинган тугунни тутқазиб, узоқлаб кетгунича қўл силтаб қолди.

– Йўлни билиб олдинглар, энди келиб-келиб турунглари...

Шундан кейин у уйга қайтиб боришмади, момо ҳам буларникига меҳмон бўлиб келмади.

Азамат маҳалла бошидан то бекатгача бўлган оралиқни бир неча марта айланди, жувоннинг изиниям тополмай, дами чиққан пуфакдай шалвираб ортига қайтди. Жўралари аллақачон ухлаб қолган, хонада оғир сукунат ва зулмат кезиб юрарди. У жойига ётди, кўзи илинди дегунча ўша кечадаги жимитдеккина момо билан қорачадан келган невараси совуқда қалтираб тургандай кўринаверди.



ОҒА

ҲИКОЯ

Уфқ қонталаш бўлиб келаверди. Қумлитовнинг тўридаги бир чети ҳовузга, бир томони шолизорга туташ Қурбон қассобнинг ҳовлисида уй эгалари ғимирлаб, кириб-чиқиб юрибди.

Ўрол гўшти жиклаб, паловга деганни бўлак, уйда осиладиган бош қозонга деганни алоҳида, қўноқ уйларга тарқатиладиганни бўлак ажратди, ундан кўз узмай турган Бўйноқнинг насибасини четроққа отди. Ит луқма ташланган тарафга ирғиб бориб, кўп ўтмай яна думини ликкилатганча қайтиб келди. Қассоб терига туз сепиб, кўранинг устига ёйиб қўйди. Келинларга кал-

ла-пойча куйдиришни топширди. Ичак-қоринни эскироқ тоғорага солди.

– Кенжабой, – деди. – болаларга айт, манавини Элмурод жувонмаргнинг уйига элтиб берсин. Бечоранинг беваси жўжабирдай болалари билан қолган, қўли калта-да...

– Эрта-индин ўзимиз паловга босмаймизми? – деди Кенжабой ясама хушчақчақлик билан.

– Қўйсанг-чи, ука, ўлиб турган жойингми? Сенларга бу ёғиям етиб-ортади.

– Ҳеч бўлмаса, чарвисини шилиб олайлик.

– Олганман, – жахли чикди Ўролнинг. – Бир айтганда “хўп” деса-да!

У отасидан қолган қассобпичоқ, тошқайроқ, тарози солинган халтасини эшик ёнига қўйиб, ичкарилаганда уй тўла одам – эртанги бўладиган маъраканинг тадоригига йиғилганлар ўрнидан турди. Тўрда ўтирган Раҳима момо ўғлининг бўйнидан қучоқлаб йиғлаб берди. Ўрол кампирни юпатди. Қолганлар ўнғайсизланиб, қимирлаб қолишди. Келинлар, қизлар кўзига ёш олди. Кенжабой тишларини ғичирлатиб, она-сига гапирмоқчи эди, Ўрол “индама” дегандай бош чайқади. Йиғилганлар силжиб, катта акага тўрдан жой беришди. Кампирнинг “Энди бу оиланинг боши сенсан, болам”, деб қайта-қайта айтгани ўтирганларга эриш туюлди. Орага жимлик чўкди.

– Семиз қўчқор экан. Эллик килога яқин тош босди. Мойининг қалинлигидан пичоғим юрмай қолди-я. Қуйруғининг ўзи бир тоғора бўлдими, а, Кенжабой? – деди Ўрол чой хўплаб. У доим шундай қилади, отасидан ўрганган одат. Кимнингдир жонлигини чалиб берадиган бўлса, уй эгаларидан бирортасининг ёнида туришини тайинлайди. Сўнг эринмай ҳисобот беради. “Ўзига уриб қолибди”, дейишларини истамайди. Боя ҳам Кенжабойни атайлаб олди-дан жилдирмади.

– Ҳм, – деди Кенжабой хушламайгина. У ҳали ҳам қўчқоридан айрилганига кўниқолмай ўтирганди.

– Яхши-ку! – ёнбошлади Тиловбой. – Энди овқатга гўшти мўл-кўл босса бўлади.

– Кенжабой, сен ўпкалама. Битта кўзини яхшилаб семиртирсанг, ўғлининг суннат тўйигача ҳўкиздай қўчқор бўп кетади. Маъракага тумонат одам келади-да, серка гўшти урвоқ ҳам бўлмайди: бибарака-да, барибир. Кимсан Қурбон қассобнинг болалари отасининг йилида эчки сўйибди-я, деган гап тарқалса, уят бўлади.

– Дуруст, шавла кетса кетсин, обрў кетмасин, иним, – дея катта аканинг гапини маъқуллади Тиловбой.

Бундан икки кун олдин Кенжабой туманга борганда акасининг уйига кириб ўтганди. Отасининг маъракасига серка сўймоқчилигини айтганда, Ўролбой “Нега энди, ўтган сафар қўчқорни атагандинг-ку”, деб тутақиб кетганди. Кенжабой “Қўчқорни неварангизнинг суннат тўйига олиб кўйсаммикан деб ўйлаб қолдим. Мен ҳам эл қаторига қўшилиб, қилаётган биринчи тўйим. Яна бозорга тушиб, қўй

қидириб юраманми?” Акаси ўшанда ё тушунмади, ё тушунишни истамади. Оёқ тираб олди: “Агар серка деяётган бўлсанг, бошқа қассоб топақол”, деди. Ука иложсиз кўнишга мажбур бўлди. “Энди айбини ювиб-чайишга бало борми, – ўйлади Кенжабой. – Бунисиям маъқуллаб ўтирибди. Ўзидан кетмади-да, жони ачирмиди...”

– Эл оғзига элак тутиб бўлармиди, Ўрол ака? Биттадан кўчқор етаклатиб юборсангиз ҳам яхши от олмайсиз. Арқонини бермабди бу қурумсоқ, деб кулиб кетади, – деб узиб олди Кенжабой.

Инисининг отини айтиб чақиргани Ўролга оғир ботди.

– Мен ҳам мановиларга айтдим! – Раҳима момо бир нарса эсига тушгандай, тўсатдан ўғли билан келинига ишора қилди. – Мени тинглармиди булар? Мияси айниган кампир айтаверди, дейди-да!

Қуёшнинг тигидан тақир бошини базўр паналаб бораётган ўн ёшлардаги болакай қассобнинг гапини тушунмади. Қўлидаги яримта нонни тишлаб, кавшанди. Қассоб тўриқ биянинг жоловини онда-сонда сермаб қўяр, бия илкис юришини тезлатганда бола қалқиб тушар ва қўли билан эгарни маҳкам ушлаб қоларди. Улар кун пешиндан оққанда қишлоққа кириб борди.

Раҳима момонинг арз қилиши ўтирганларга ёқмади, Тиловбой томоқ қирди. Катта келини лабини тишлаб, бош чайқади. Қизлар қош чимирди. Кенжабой билан хотини онасига еб қўйгудек қаради. Момо эса бепарво, яна бир нарсаларни пичирлаб, бирда жилмайиб, бирда қовоғини солиб ўтираверди.

– Ундай деманг. Қилади айтганингизни, қилмай қаергаям борарди? – деди Ўрол мийғида кулиб, ука-сингилларни зимдан кузатди. Уларнинг бепарволигидан ранжиди. Бир пайтлар бир оғиз сўзини қайтара олмайдиган ўғил-қизларнинг, босган изларига пою патак бўлишга тайёр келинларнинг бугун унинг гўё бор-йўқлигини сезмагандай ўтиришидан ғазаби келди. Кўзларингни мой босганми, деб бир буровга олмоқчи бўлди. Шайтонга ҳай берди.

* * *

– Сен кўп эзилма, болам, – деди Қурбон қассоб киртайган кўзларини боладан узмай. – Дунёнинг ишлари ўзи шундай. Биров Яратганнинг неъматидан умидвор ўтади, кимдир эса берганнинг қадрига етмайди.

Қуёшнинг тигидан тақир бошини базўр паналаб бораётган ўн ёшлардаги бола қассобнинг гапини тушунмади. Қўлидаги яримта нонни тишлаб, кавшанди. Қассоб тўриқ биянинг жилловини онда-сонда сермаб кўяр, бия илкис юришини тезлатганда бола қалқиб тушар ва қўли билан эгарни маҳкам ушлаб қоларди. Улар кун пешиндан оққанда қишлоққа кириб борди.

– Таниш, – деди Қурбон дастурхонга ўтирмай туриб. – Энди бу аёл сенинг онанг бўлади. Кўришинглар!

Раҳима изиллаб йиғлади. Қассоб эл уни “шарманда”га чиқариб қўйганини орқаворатдан эшитган. Эл, деб бўлмас, бир-икки тилига кучи етмаганлар шундай деяпти. Бу гап аёлининг ҳам қулоғига чалинган. Минг қилсаям ожиза-да, кўз очиб кўрганига ишонмай, кўчанинг гапига эргашиб юрибди. Ўшалар келиб қассобнинг юзига айтса-ку, нима қилишни ўзи билади. Қурбон чуқур уҳ тортди.

Эшик олдида ҳайрат тўла нигоҳларини бир эрига, бир болага қадаб турган Раҳима истамайгина кўришди. Ўзи, дардини кимга айтишни билмай юрганда бу нима қилиқ? Ким бўлди бу? Нега ундай қилади? Раҳима ичидан қайнаб келаётган адоқсиз саволларга жавоб топгиси келди. Лекин тиш ёриб, бирор нима деёлмади.

Бор дардини ичига ютиб, Ўролни “болам”, дея бағрига босди. Баъзи-баъзида эри уйда йўқ пайтлари ота-онасини суриштирди, тайинли жавоб ололмагач, баттар эзилди. Қурбон буни сезди.

– Бекор ич-этингни тирнаяпсан, хотин, – деди бир куни ётиш олдидан. – Гуноҳ етаклаб келмадим, хотин.

Раҳима изиллаб йиғлади. Қассоб эл уни “шарманда”га чиқариб қўйганини орқаворатдан эшитган. Эл, деб бўлмас, бир-икки тилига кучи етмаганлар шундай деяпти. Бу гап аёлининг ҳам қулоғига чалинган. Минг қилсаям ожиза-да, кўз очиб кўрганига ишонмай, кўчанинг гапига эргашиб юрибди. Ўшалар келиб қассобнинг юзига айтса-ку, нима қилишни ўзи билади. Қурбон чуқур уҳ тортди.

Кўклага бошида кичикроқ жонлиқ сўйиб, бутун овулни чақирди. Ёшуллиларни тўрга ўтқазиб, олдига калла қўйди, илик қўйди.



– Энди, ёшуллилар, менинг тиригим ҳам, ўлигим ҳам, очлигим ҳам, тўқлигим ҳам шу эл билан, – чайналди қассоб ҳаяжонини босишга уриниб.

– Ўн бир йилдан бери тирноққа зормиз. Буям бир Худонинг синовими, иноятими – билмадим, мулла бува. Аммо энди Ўролбой менинг болам. Унинг увол-савоби менинг бўйнимда. Лекин уни уйимга обкеганим ҳақида ножоиз гаплар тарқабди. Айтиб кўйай, Худонинг олдида юзим ёруғ.

– Биз қаердан биламиз? – гагини кесди Асқар писмиқ. – Эл олдида қасам ич.

Қурбон Асқарга ғижиниб қаради. Агар атрофда ҳеч ким бўлмаганда кекирдагини юлиб оларди. Аммо ўзини босди.

– Мен қасам ичмайман! Қурбон қассобнинг қасам ичганини ё бирор гагидан тонганини кўрганмисан? – деди зарда билан. – Лекин агар кўнглинг тўлмаётган бўлса, майли сен учун...

– Шарт эмас, – деди Эсон мулла. – Асқаржон, сен қачондан бери эл номидан гапирадиган бўлдинг? Ҳали отанг тирик, отангни кўрганлар тирик, – сўнг яна қассобга юзланди: – Давом этавер, иним.

– Агар кимда-ким боламга етим ё... хуллас, бармоғини бигиз қиладиган бўлса, ўзидан ўтқаласин!

– Жуда маъқул иш бўлибди, Қурбонбой! Етим-есирнинг бошини силамоқ катта савоб! Шундай эмасми, Эсон оға, – деди мулланинг ёнида ўтирган Тўлибой гагини тасдиқлатмоқчидай атрофга олазарақ қараб. Мулла “ҳа” дегандай бош ирғади. – Ўғил муборақ!

Ҳамма уни табриклади. Қурбон ўғлини чақириб, ёшуллилар билан кўриштирди. Эл дуога қўл очди.

Элнинг дуосида хосият кўп, куч бор. Ўролбойни олиб келганининг кейинги йилида Қурбон қассоб ўғилли бўлди. Унга Тиловбой деб исм қўйишди. Кейин Насиба, Азиза, Кенжабой туғилди. Уйи бола кулгусига тўлди. Ўролбой ука-сингилларини опичлаб, от бўлиб елкасига миндириб катта қилди. Болалар уни “ака” деб чақирди. Ака бўлмиш бундан қувонди, Қурбон билан Раҳиманинг эса севинчи ортди.

Ўролбой мактаб саводи билан қолди. Отасининг ёнида юриб, қассобчиликни ўрганди. Ука-сингиллари кими шаҳарда, кими туманда катта-кичик ўқишларда ўқиди. Отаси умрининг сўнгги кунларида шуни кўп такрорлади: “Сени ҳам ўқитишим керакмиди, болам. Сен ҳам ҳозир укаларингга ўхшаб юрармидинг. Билмасам, шароит бўлмадимми, ё ўзингда иштиёқ бўлмадимми. Лекин ҳеч қачон сени улардан кам кўрмаганман”. Қассоб бу гапларни Ўролбойдан кўра кўпроқ ўзига тасалли бериш учун айтарди.

* * *

...Ўрол ўтиравериб, бўғинларида оғриқ сезди, оёғининг чигалини ёзиш учун ташқарилади. Уйнинг ўнг томонидаги девор ортида ғўнғир-ғўнғир овоз келди. Инилари билан бироз гурунғ қилиш ниятда улар томонга юра бошлади. Кенжабойнинг алам билан чийиллашидан тўхтаб қолди.

– Нега у ўзини катта тутуди? Ким у бизга?

– Акамиз-да...

– Ака?! Менинг битта акам бор, у ҳам бўлса сиз! Бир қориндан тушмагандан кейин, қони қўшилмайди-ку!

– Ҳа энди, отамизнинг истаги шу бўлган.

– Отамизнинг ўтиб кетганига анча бўлди. Боқди, ўстирди, уйлантирди, уйли-жойли қилди. Энди унинг олдида қарзимиз йўқ! Нега ҳадеб у билан кенгашиб, иш қилишимиз керак? Нима, сиз билан менда калла йўқми?

Ўрол охиригача эшитолмади, ўпкаси тўлиб, танасини қалтироқ босди. Ортига ўгирилди-ю, зилдай оғир қадам ташлаб нари кетди.

* * *

Саҳармардондан Қурбон қассобнинг уйига узоқ-яқиндан келганлар йиғила бошлади. Эшик олдидаги қўлбола ўриндиққа кўрпача ташлаб, овул мулласи, яна беш-олти чол, ака-укалар қатор ўтиришди. Келганлар юзига фотиҳа тортиб, қўноқ уйларига кетишди. Пешинга бориб қассобнинг уйи ҳам, қўноқ уйлар ҳам меҳмонга тўлди. Ўчоқбошида овулнинг ёш йигитлари қозон тагига ўтин ташлаб, булқиллаб турган шўрвадан косаларга қуйиб, нон ботириб еб ўтиришди. Ялангоёқ болалар меҳмонларнинг от-эшагини суғориб, олдида бир сиқимдан ҳашак ташлаб қўйиб ё бўшаган идишларни сувга тўлдириб юрди. Келинлар қўли-қўлига тегмай, чой қайнатиб, идиш-товоқларни ювди.

Ўрол дамба-дам кўчага чиқиб, йўлга кўз тикди. Ўғли ҳаяллаброқ қолди. Ярим тунда отасининг қўнғироқ қилиб, жавондаги пулдан олиб келишини айтганда ҳайрон қолган, лекин сабабини сўрашга ботинолмаган эди. Ўрол пулни олиб, қассоблик анжомлари турган халтага солиб қўйди.

Уй эгалари маъракани тарқатиб, меҳмонларни бир-бир кузатди. Ўрол ўғлининг уловида уйига кетди. Тўрдаги хонани йиғиштираётган Кенжабойнинг хотини қайноғаси ташлаб кетган халтани кўтариб, омборга олиб чиқиб қўйди. “Унутиб қолдирибди, – ўйлади у. – Шу ерда туратурсин, ит тегармиди. Бир келганларида олиб кетар...”

Байрам АЙТМУРОДнинг “Қўноқ” ва “Оға” ҲИКОЯСИНИ ЎҚИБ...



Шойим БЎТАЕВ,
ёзувчи:

– “Қўноқ”, “Оға” ҳикоясида гуёки ташқи жиҳатдан бир-бирига таллуқли бўлмаган воқеа-ҳодисалар қаламга олингандек туюлса-да, муаллиф тасвирлаётган жой, одамлар уларни бир-бирига боғлаб яхлитлик касб этади. Қорақалпоғистон кенгликларида бундай одамлар билан учрашганингиз, уларнинг танти характерлари бир-бир кўз ўнгингиздан ўта бошлайди. Ёзувчи бошловчи бўладими ёхуд ном қозонган профессионални, – ўз одамлари-қаҳрамонларини яхши билиши, уларга меҳр-муҳаббати, ачиниши, ҳамнафаслиги юксак фазилатдир. Турмушда ҳар кунни, ҳар лаҳзада юз бериб турадиган шундай ҳодисалар борки, уларни илғаш синчков ижодкорга битмас-туганмас илҳом манбаидир. “Қўноқ” ҳикояси ҳам шундай, халқ ҳаётидаги оддий воқеага қурилган. Устоз шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Эй йўловчи бўла қол қўноқ, Уйда борин кўрурмиз баҳам” сатрлари билан бошланадиган шеърда ҳам қўноқ баҳонасида халқимизнинг нечоғлик тантилиги, бағрикенглиги ифода этилади.

Байрам Айтмуроднинг ҳикоясидаги Азамат “алламаҳалда келди, унинг устига, ўзини беҳаловат ҳис қилаверди”. У алламаҳалда келган бўлсаям, ижарадош жўралари “бир-бирига қарамай, пишиллаб овқатланишади”. Хуллас, Азамат кўчада боласи билан қолган бир жувонга “бўла қол қўноқ” демоқчи. Иккала ижарадоши билан шуни муҳокама қилишади. Ҳикоя учун мана шу воқеанинг ўзи етарли эди. Унинг остига “ўт ёқиш” (У.Фолкнер) мумкинми-йўқлигини

чуқурроқ бадиий мушоҳада қилишга имкон бор эди. Энди мавжуд матн ҳақида гапирадиган бўлсак, муаллиф гуё Азамат болалигида онаси билан бир момонинг уйидан жой сўраб турганини эслаганига ишора қилиб, ўша воқеани ҳам тасвирлайди. Ҳикоя ичида ҳикоя. Айни дамда уч нуқтадан тепа қисми – яъни, Азаматнинг ижарадошлари билан ҳангомаси ва уч нуқтадан пастки қисм – яъни Азаматнинг қайтиб бориб жой сўраган жувонни тополмагани олиб ташланса, эҳтимол, ҳикоябот воқеа бўртиб қолар – унинг остига “ўт ёқиш” имкони ҳамиша муаллиф билан бирга, уни ҳеч қачон тарк этмайди.

“Оға” ҳикоясига келадиган бўлсак, Кенжабой тўй қиламан деб боқиб юрган кўчқорни отасининг маъракасига катта акаси Ўрол сўйиб юборади. Бу Кенжабойга ёқмайди. Ўртага кампир аралашади. Шунда Ўролнинг ота-онаси бошқа бўлгани эслаб қолинади. Муаллиф бу воқеани ҳам тасвирлар экан, ўртадаги тарангликни шу муносабат билан бўшаштириб юборади. Агар жуда лозим бўлса, Ўролнинг бегона эканини бир-икки оғиз ишора билан эслатиб кетса ҳам, ўқувчининг ўзи бу ёғини англаб олган бўларди. Ёхуд ҳикоя қурилма-ускунасини бошқача тарзда ўйлаб кўриш лозим эди. Муҳим-номуҳим вазиятларнинг барчасини тарозида тортиб, керагини танлаб олиш ижодкор дидидан ташқари, ўқувчига ишончдан ҳам дарак беради. Ҳикояда ўрнида ишлатилган биргина детал ёхуд имо-ишора анча-мунча батафсилликнинг жойини босиб кетиши мумкин – айнан шуниси билан у ютади, пешқадам жанр сифатида бўй бергиси келмайди. Отадан қолган кафтдеккина ҳовлини талашиб жикқамушт бўлаётган ака-укалар, ўтказган маърака-тўй ёхуд қурган уйи билан гердаийб, бунақа ишларга қурби етмаганини назар-писанд қилмаганидан ўртага тушадиган совуқчиликлар, хотин, бола-чақа деб юзкўрмас бўлиб кетаётганлар – бунақа муаммолар айрим оилаларда бот-бот учраб туради. Уларнинг ижтимоий илдизи, маънавий муҳити ҳақида ўйлаш ёзувчининг виждон садосидир. Шу маъно-

да, Байрам Айтмуроднинг танлаган мавзуси ҳар қандай кишини ўйлашга мажбур қилади. Ифода йўсинида ҳам мавзунинг ўзи каби таранглик талаб этилади. Муаллифнинг ҳикоя бошидаёқ Ўрол тарафига ўтиб олиши ҳам унчалик тўғри эмасга ўхшайди. Қишлоқ муҳити, одамларини тасвирлашдаги топқирликлари, айрим ўзига хос деталларини инкор этмаган ҳолда, Байрам Айтмурод ҳали ҳикоя тили, стилистикаси устида ишлаши кераклиги кўриниб қолган. “Оға”нинг ечим қисмида аччиқланган Ўрол бир халта пул ташлаб кетади, аммо буни ҳеч ким пайқамай қолади. “Тўрдаги хонани йиғиштираётган Кенжабойнинг хотини қайноғаси ташлаб кетган халтани кўтариб, омборга олиб чиқиб қўйди.

“Унутиб қолдирибди, – ўйлади у. – Шу ерда туратурсин, ит тегармиди. Бир келганларида олиб кетар...”

Майли, қишлоқ аёлларининг, айниқса, Кенжабойлар хотинларининг беҳад синчковлигини бир четга қўя турайлик, Ўролнинг бу қилиғи мавҳумлиги билан барибир кўзланган натижани бермайди.

Мана, кўрдингиз, анча-мунча мулоҳаза юриштишга изн бердимиз, демак, Байрам Айтмуроднинг ҳикояларида “жон” бор. Ўзи туғилиб-ўсган масканни, ўз яқинларини севиб-ардоқлаган ижодкор, албатта, эса қоладиган характерлар ярата олишига ишонмоқ керак. Демак, унинг изланишлари ҳали давом этади...



Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
адабиётшунос:

– Муаллифнинг “Қўноқ” ва “Оға” ҳикоялари муталааси юрагимда ажиб соғинч ҳисларини уйғотди. Чунки ҳар икки ҳикояда менинг юрагимга яқин кишилар, қишлоқ одамлари, қишлоқ ҳаёти, энг муҳими, миллий урф-одатларимиз (меҳмоннинг иззатини жойига қўйиш, тасодифан келиб қолган кишининг уйга қўниб кетиши, қон-қариндошлик муносабатлари) ёқимли ритм билан тасвирланган. “Қўноқ”даги шаҳар кўчасида адашиб қолган Она ва бола, талабалар, бегоналарга уйдан жой бериб меҳр кўрсатган Момо, “Оға”даги қассоб ва ўғай укалар, укаларнинг бемехр, ўйсиз гап-сўзлари каби ҳолат-воқеаларда одамлар орасида меҳр-оқибатни сақлаш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий фазилатларни асраш ҳақида бонг урилгандай гўё. Ҳикоя учун танланган мавзулар бағоят муҳим, глобал. Ҳикояларда миллий колорит (қаҳрамонлар нутқида, макон тасвирида)ни беришга интилиш бор. Бу жуда яхши хусусият. Аммо чин маънодаги бадиий асар яратиш учун булар етарли эмас. Тажрибасизлик сезилади.

Бу “Қўноқ”да ҳикоя бошланиши ва тугалланишидаги талабаларнинг гап-сўзлари ортиқчилигида кўринади. Ишонмасангиз, ҳикоянинг боши ва охирига сунъий тарзда киритилган бошланма ва тугаллангани ташлаб ўқиб кўринг. Ҳикоя ҳеч нарса йўқотмайди. Ундан кўра, йўлида адашиб, қоронғида қолиб кетган Она-боланинг Момонинг уйига етиб боргунча бўлган руҳий драмасини бериш ҳикояга чуқур психологик тасвир олиб кирган бўларди. Тун қоронғиси, тўқайзор, шоқолларнинг увиллаши, боланинг дилдираб кўрқувга тушиши, Она ва боланинг ички кўрқув туйғусини бериш керак эмасди?! Лекин Момо идеали яхши киритилган.

“Оға”даги тасвирлар анча сокин ва бир маромда кечади. Аммо ҳикоянинг ечими тушунарсиз чиқибди. Ҳикоя моҳир драматург қўли билан ёзилиши керак. Бу менинг гапим эмас. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида мақола ёзган бир рус ёзувчиси “Абдулла Қаҳҳор моҳир драматург қўли билан ҳикоя ёзади”, деган эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳикояда кутилмаган драма, коллизия, фожиа, изтироб, қувонч шафқатсизларча ёзилиши керак. Ўролбой укаларининг муносабатидан сўнг бу дилоғриқдан, қон-қариндошлик ришталарига ўғайлик аралашганидан қаттиқ сиқилиши ва бунинг оқибатида ҳатто ҳаётдан кўз юмиши керак эди. Ҳикоянинг бошланма ва тугалланмаси Қурбон қассобнинг, маърақаси билан, Ўролнинг унутиб қолдирган халтаси билан якун топган. Ҳарҳолда, ечимни ўйлаб кўриш керак...

Булар – қисқа мулоҳазалар. Умуман олганда, ёш ёзувчининг катта мавзуларни бадиий талқин этишга урингани таҳсинга сазовор...



Сафарали ҚУРБОНОВ,
тадқиқотчи:

– Азаматнинг хотира даштини кезаркансан, тўрт девор ичида ўтиравериб феълинг ҳам то-райиб кетаётганидан хижолат тортиб, Қумлитов томонларга кетворгинг, ўгай отанинг ори учун куйиб-пишаётган Огага далда бўлгинг келади. Бироқ... ҳар келган меҳмонни Яратганнинг инъоми деб билгувчи меҳмондўст Кампирнинг кўзига кўзинг тушишидан хижолат чекасан. Лекин мана шу хижолатпазлик-да дилга яқин: кўнгилинг туб-тубида мудраб ётган туйғуларни сергаклантиради.

Байрам Айтмурод ҳикоялари мана шундай жиҳатлари билан ўзига хос. Уларда туркий халқларга хос бағрикенглик, жўмардлик каби хислатлар билгичлик билан қаламга олинган. “Ога” ҳикоясида тан олинмаган Оганинг Кенжабойдан дастлаб хафа бўлишига сабаб бўлган воқеа ҳам бир қарашда арзимасдек кўринади. Аслида эса халқимизга хос бўлган ажойиб тутумларимиздан бири ўзига хос тарзда тасвирланган:

“– Эл оғзига элак тутиб бўлармиди, Ўрол ака? Биттадан кўчқор етаклатиб юборсангиз ҳам, яхши от олмайсиз. Арқонини бермабди бу қурумсоқ, деб кулиб кетади, – деб узиб олди Кенжабой.

Инисининг отини айтиб чақиргани Ўролга оғир ботди”.

Замонавий психологияда инсонга исмини айтиб мурожаат қилиш ҳурматни англатиши таъкидланмоқда. Шарқда эса бунинг акси: ёши улуг инсоннинг исмини тилга олиш – кўзига тик боқиш билан баробар. Шу боис ҳам ҳурматга лойиқ кишининг исми айтилмасдан ўрнига изоҳловчиси қўлланилади. Бу ҳолат “Қўноқ” ҳикоясида янада маромига етказилган:

“– Қайнота-қайнонанг борми?

– Қайнонам бор.

– Ҳа, шундан гапир-да, бўлмасам...

– Энамизни ҳамма табиб дейди.

– Табиб? – кампир бир нарсани эшлашга

уринди, чоғи, унга тикилиб қолди. – Қумлитовда ким табиб эди-я?

Жувон ўғлини туртиб, “Момонгнинг исмини айт”, деб шивирлади...”.

Умуман олганда, муаллиф ҳар иккала ҳикояда ҳам жонли образларини яратишга эришган. Бетақрор халқона иборалардан ўринли фойдаланган. Миллий урфлар, удумлар, тутумлар бир воқеа атрофида жамланиб, элнинг бирлигини тутиб турувчи асосий восита экани имкон қадар таъкидланган. Бироқ бадиий битик учун бунинг ўзи кам. Гўзал одаду қадриятларимизни кўрсатиб ўтиш гўзал бадиий асар яратиш дегани эмас. Асарда гўзал поэтик тил, сюжет ва композицион бутунлик, улкан Фикрдан озикланган тугал фикр бўлиши зарур. Байрам Айтмурод ҳикояларининг мана шу жиҳатларида бироз оқсаш кузатилади, назаримда.

Жумладан, “Қўноқ” ҳикоясининг воқеалари муаллифнинг ўзи томонидан ҳам тўлиқ идрок этилмагандай таассурот уйғотади. Чунки ҳикоянинг айрим ўринларида бир фикр иккинчи фикрни инкор қилиш ёхуд мантиқий номутаносибликлар мавжуд. Масалан, мезбон кампирга бола томонидан берилган таъриф айнан шу ўринда ўзини оқламаган. Боланинг зим-зимистонда кампирнинг ажин босган юзи, рўмоли остидан кўриниб турган оппоқ сочи, умумий қиёфасини аниқ кўриши, момоси билан қиёслашига ўқувчи ишониши қийин.

Бундан ташқари, эга билан кесим ўртасидаги мантиқий номутаносибликлар (Узоқ-узоқлардан сойнинг шовуллаши, итларнинг ҳургани, эшакларнинг ҳанграгани қулоққа чалинди), гализ жумлалар макроматннинг бадиий қийматига салбий таъсир қилган ва муаллифнинг матн устида жиддий ишламаганини кўрсатиб қўйган.

Умуман олганда, муаллифнинг воқеликни бадиий кўра олиш, мавзуни танлай билиш қобилиятига эга экани кишини умидлантиради. Келгусида яхши асарлар кутишига ишонч беради.

Ақл ва қалб мувозанати



Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳаёт ҳақидаги қарашларимиз ўзгарди. Хусусан, фарзандларимизга эътибор ҳам бугун бошқачароқ. Илгарилари “Ҳа, энди бола дегани оила даврасида, умумий қозонда қайнаб улғаяди-да”, дейишар эди. Бугун эса оиланинг, умумий муҳитнинг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, ҳар бир фарзандга алоҳида эътибор, ёндашув зарур экани маълум бўлмоқда. Ўшатиш жоиз бўлса, бу худди ҳар битта ниҳолни бирма-бир, томчилаб суғоришга ўхшайди. Бундай эътиборнинг бўлгани яхши. Негаки, бу ҳол миллатимизнинг азалий фазилати – энг яхши нарсаларни фарзандларга раво кўришнинг тажассумидир. Бироқ шу ўринда кишида бир мулоҳаза уйғонади: биз ғамхўрлик деганда, баъзан фақат моддий, жисмоний парваришни, эътиборни назарда тутиб қўймаётимизми?! Ўғил-қизларимизнинг руҳий дунёсини бойитишга, уларга маънавий озуқа беришга етарлича эътибор қаратяп-

мизми?! Бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ҳаммамиз кўриб турибмиз, аммо мазкур жараёнда ўзимиз қай даражада иштирок этяпмиз?!

Боламиз жисмонан соғлом, эгни бут, орзу-ҳаваслари муҳайё, эл таъбири билан айтганда, егани олдида, емагани ортида бўлса, бунинг учун шукр дейишимиз керак, аммо унинг эҳтиёжлари шу билан тугамаслигини ҳам унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман. Фарзандларимиз қалбини, онг-шуурини ўзбекона рух, маънавий қувват билан тўйинтириш – бирин-

чи галдаги вазифамиздир. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, **“Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисодий ривожланиш билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим”**.

Маънавият, маънавий озуқа ҳақида гап кетганда ўз-ўзидан китобхонлик масаласи эсга тушади. Бугун ёшларимиз энг замонавий ахборот технологияларини миридан-сиригача билади. Улар интернет орқали дунёнинг кўз илғамас уфқларигача етиб бориш имконига эга. Ёшларимизнинг қизиқиш доираси ниҳоятда кенгайган. Бу қувонарли, албатта. Аммо ана шу қизиқишлар рўйхатида китоб ўқиш масаласи нечанчи ўринда туради, деган савол бир зиёли сифатида мени ўйлантиради. ➤



Бугун билимдон ёшларимиз жуда кўп, ўқувчиларимиз нафақат республика, ҳатто халқаро фан олимпиадаларида ҳам голиб бўлмоқда, уларнинг ақлий салоҳиятини кўриб қувонасан киши. Шу ўринда қалб хазинасини бойитадиган, руҳий камолот сари элтадиган бадиий адабиёт мутолаасининг аҳамияти юксаклиги, унинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, ақл ва қалб мувозанатига эришган инсонгина чинакамига бахтли бўлади.

Хўш, китобхонликка рағбат уйғотиш масаласида қайси омил бирламчи аҳамиятга эга? Шубҳасиз, бу борада биз катталарнинг фарзандларга ўрнак бўлишимиз жуда муҳимдир. Тан олайлик, ёшлар кам китоб ўқияпти, деб нолиймиз-у, ўзимиз – кўпчилик ота-оналар китоб ўқиш нималигини деярли унутиб қўйганмиз. Ора-сира енгил-елпи руҳдаги газеталарни варақлашимизни айтмаганда, даврий нашрларни кузатиб бориш, уларда чоп этилган яхши мақолаларни фарзандларимизга тавсия этишни ўйлаб кўрмаймиз ҳам. Яқинда бир масъул вазифада ишлайдиган киши билан суҳбатлашиб қолдим. Гап асносида сўнгги вақтларда қандай китоб ёки газета-журнал

ўқиганини сўрадим. У енгилгина кулиб: “Китоб ўқишга вақт қанчада?!” деди саволимдан хайрон бўлгандай.

“Вақт йўқ”, – бу – маънан эринчоқ одам учун энг осон жавоб, энг қулай баҳона.

Тўйма-тўй юришга, турли кўнгилхушликларга топилган “вақт” айнан китоб ўқишга келганда топилмай қолади. Ўзбекистон халқ эзувчиси Тоҳир Малик ёзганидек: “Бозорларга тушганимизда болаларимизга қурт, писта олишни унутмаймиз, лекин китоб дўконига кириш хаёлимизга ҳам келмайди”.

Истиқлолнинг энг катта ютуқларидан бири – одамлардаги тадбиркорлик, уддабуронлик қобилиятини юзага чиқарганидир. Бугун ҳамюртларимиз ўз интилишлари, саъй-ҳаракатлари туфайли катта-катта ишларни амалга оширмоқда. Илгари тушимизга ҳам кирмаган ишлаб

чиқариш жараёнлари йўлга қўйилмоқда. Тадбиркорларимиз соғлом рақобат майдонида ўз салоҳиятларини намойиш қилишмоқда. Шу аснода ҳам бир манзара кўзга ташланяпти: яъни китоб ўқиган, маънавий дунёси бой тадбиркор билан оми ишбилармоннинг фарқи сезилиб қоляпти. Онг-шуури фақат ҳисоб-китоб билан машғул ишбилармоннинг эришган ютуғи ўз тўптиғидан юқори кўтарилмаётган бир пайтда маънавиятли тадбиркорларимиз дунёга чиқмоқда, фақат ўзини ўйламасдан, эл корига яраб, халқнинг дуосини ҳам олмоқда. Хўш, бундай зиёли тадбиркорларимиз кўпайиши учун нима қилишимиз керак? Бу саволга барчамиз, айниқса, зиёлилар биргаликда жавоб излашимиз зарур, назаримда.

Халқимизда бир-бирини тўлдириб турадиган “савоб”, “увол” отлиғ икки тушунча бор. Бири бизни эзгу ишларга ундаса, иккинчиси мудом ёмон амаллардан қайтариб туради. Назаримда, биз катта авлод вакиллари ана шу кўҳна, аммо ҳеч қачон эскирмайдиган тушунчаларни, ҳикматларни ёшларимиз қалбига



ҳар куни ҳар соатда сингдиришга жидду жаҳд қилишимиз керак. Токи улар олтинга тенг вақтларини беҳуда сарфламасин, ўзларини ҳамшиша эзгу ишларга чоғласин. Ана шундагина йигит-қизларимизнинг парвози янада баландроқ, давомлироқ бўлади. Мулоҳазаларимиз сўнггида ёшларга тилагимизни ҳазрат Навоий таъбири билан айтишни лозим кўрдик:

*Агар ҳикматга бўлса илтифотинг,
Ки, бўлсун Нух умрича ҳаётинг!* ●

Абдураҳмон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси



Алфонс ДОДЕ
(1840–1897)

1840 йили Франциянинг Ним шаҳрида туғилган. Илк китоби – “Тегирмонимдан хатлар” (1869). “Кичкинтой”, “Тарасконлик Тартареннинг ғаройиб саргузаштлари”, “Кичик Фромон ва катта Рислер”, “Набоб”, “Нума Руместан”, “Ўлмас”, “Роза ва Нинетта”, “Оиланинг тиргаги” каби романлар муаллифи. 1897 йили Парижда вафот этган.

61

Сўнги сабоқ

Элзаслик болакай ҳикояси

Ўша куни эрталаб мактабга жуда ҳам кеч қолаётган эдим; муаллимдан танбеҳ эшитишимни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетарди. Устига устак, мосъе Амел биздан аввалги дарс мавзусини – сифатдошларни сўрамоқчи эди. Мен эса яримта сўз ҳам ёдламаганман. Бир зум хаёлимга дарсга кирмасдан сайр қилиб юриш фикри келди.

Ҳаво жуда очиқ ва илиқ эди...

Ўрмон четида сайроқи қораялоқларнинг куйлаётгани, тахта йўниш заводи ортидаги Ривер ўтлоғида немисларнинг сафда юриш машғулотларини бажараётгани эшитилиб турарди. Буларнинг бари мени дарсдаги сифатдош қоидаларидан кўра кўпроқ ўзига жалб қиларди, лекин ўзимни қўлга олиб, мактабга югурдим.



Мэрия¹ ёнидан ўтаётиб эълонлар тахтаси олдида тўпланиб турган одамларга кўзим тушди. Сўнгги икки йил ичида биз у ерда фақат кўнгилсизликдан хабардор бўлар эдик: бой берилган жанглар, реквизициялар, коммендант буйруқлари; ўйланиб қолдим: яна қандай нохушлик бўлиши мумкин?

Шу пайт шогирди билан эълонларни ўқиб турган темирчи Вахтер мени чақириб қолди:

– Шошма, болакай, улгурасан ўша мактабингга.

У устимдан куляпти деб ўйладим ва ҳаллолаганча мосъе Амелнинг уйи олдидаги гулзор томонга югурдим.

Одатда дарс бошида кўчага эшитиларли даражада шовқин кўтариларди – болалар қулоқларини қўллари билан ёпганча ўтилган мавзуларни фўнгиллаб такрорлашар, партани чилдирма қилиб чалишар, муаллимимиз эса чизғичи билан тинчлантиришга уринарди:

– Секинроқ, секинроқ, болалар!

Мен мана шу шовқин-сурон остида жойимга сездирмасдан ўтиришни мўлжаллагандим, аммо шу бугун якшанба тонгидек жимжит эди.

Очиқ ойнадан ўртоқларим аллақачон жой-жойларида ўтирганини, мосъе Амел эса ваҳимали чизғичини қўлтиқлаганча у ёқдан бу ёққа бориб келаётганини кўрдим. Қандай қилиб бу жимжитликда эшикни очиб кирсам экан? Кўркувдан қанчалик қизариб, қалтираётганимни тасаввур қилиб кўринг.

Аммо мени бошқа ҳолат ҳайрон қолдирди: кўпинча бўш турадиган орқа ўриндиқларда қўлида учбурчак мусиқа асбоби билан қария Хаузер, унинг ёнида собиқ мэр, почтачи ва бошқа қишлоқ кишилари ўтирарди. Уларнинг юзи гамгин; Хаузернинг тиззасида четлари титилган эски алифбе, унинг устида эса катта кўзойнак турарди.

Хавотирим ўринсиз экан: мосъе Амел менга мулойим қаради ва эркалаб деди:

– Қани, Франц ўғлим, кирақол. Биз сенсиз дарсни бошламоқчи бўлиб тургандик.

Мен стулни ҳатлаб ўтиб, ўз жойимни эгалладим. Шундагина, кўркувим босилганидан кейин муаллимнинг эгнидаги дабдабали яшил сюртук, бурама галстук ва бошидаги қора ипак тақяни кўрдим; у фақат инспектор ташриф буюрганда ёки мукофотлар тақдим этилаётганда шундай кийинарди. Бутун синф кўзимга ажиб ва дабдабали бўлиб кўринди. Аммо мени бошқа ҳолат ҳайрон қолдирди: кўпинча бўш турадиган орқа ўриндиқларда қўлида учбурчак мусиқа асбоби билан қария Хаузер, унинг ёнида собиқ мэр, почтачи ва бошқа қишлоқ кишилари ўтирарди. Уларнинг юзи гамгин; Хаузернинг тиззасида четлари титилган эски алифбе, унинг устида эса катта кўзойнак турарди.

Мосъе Амел аввалгидай мулойим, лекин жиддий оҳангда ҳаммамизга мурожаат қилди:

– Болалар, бугун сизлар билан сўнгги бор дарс ўтишимиз. Берлиндан Элзас ва Лотарингия мактабларида фақат немис тили ўқитилиши ҳақида буйруқ берилди... Янги ўқитувчи эртага келади. Бугун француз тилидан охирги машғулотимиз. Илтимос, эътиборлироқ бўлинглар!

Мана шу икки оғизгина сўз мени ларзага солди. Аҳ, разиллар! Мэрия деворига илинган эълон нима ҳақида эканлигига энди тушундим. Сўнгги француз тили дарси!..

Мен бўлсам зўрға ёза олардим! Демак, энди ёзишни яхши ўрганолмайман! Бутун умр саводсиз бўлиб қоламан! Дарсга кириш ўрнига қуш уясини ахтариб юрганим, музлаган Саара кўли устида сирпанчиқ учиб йўқотган вақтимга шунчалар ачиниб кетдимки! Бироз олдин зерикарли бўлган китоблар энди мен учун қадрдон дўстлардек бўлиб туюлди. Улардан ажралиш мен учун оғир эди. Мосъе Амел-чи?! Хаёлимда уни бошқа кўролмайдигандек эдим; унинг танбеҳлари, чизғич билан жазолашларини ҳам бир лаҳзада унутдим.

Бечора! У охирги дарс шарафига ўзининг байрамона либосларини кийганди; орқа ўриндиқлардаги қишлоқ одамларининг нима учун бу ерга тўпланишганини энди тушундим. Улар мактабга тез-тез келиб турмаганликларидан афсусда эдилар. Юз-кўзларидан муаллимнинг қирқ йиллик ҳалол хизмати учун миннатдорлик билдираётганга ўхшаб кўринишарди...

1. Шаҳар бошқармаси биноси

Исм-фамилиям янграганини эшитиб, хаёлим бўлинди. Жавоб бериш навбати меники эди. Қанийди, сифатдош қодаларини баланд овозда, тутилмасдан, дона-дона қилиб гаптириб бера олсам. Бироқ мен ҳаммасини чалкаштириб юбордим, оғирлигимни у оёғимдан бу оёғимга ташлаб, кўзимни ердан узолмай туравердим. Мосъе Амел менга тикилганча сўзлай бошлади:

Ҳар сафар, қаёққа ҳам шошилдим, эртага ёдлайман, деб ўйлайсан. Оқибати нима бўлди? Биз элзасликлар ўқишни доимо ортга сурамиз – фожеамиз ҳам ана шунда. Сизлар ўзингизни француз деб биласиз, ваҳоланки, ўз она тилингизда тўғри гаптиришни ҳам, ёзишни ҳам эглай олмайсиз.

– Мен сени койимайман, Франц ўғлим, шундоқ ҳам жазоланганингни билсанг керак... Ҳар сафар, қаёққа ҳам шошилдим, эртага ёдлайман, деб ўйлайсан. Оқибати нима бўлди? Биз элзасликлар ўқишни доимо ортга сурамиз – фожеамиз ҳам ана шунда. Сизлар ўзингизни француз деб биласиз, ваҳоланки, ўз она тилингизда тўғри гаптиришни ҳам, ёзишни ҳам эглай олмайсиз. Бунда сенинг айбинг бошқаларникидан кам эмас, Франц ўғлим. Биз ўзимиздан ўтқалашимиз керак. Ота-оналаримиз ўқишларимиз ҳақида кўп ҳам қайғуравермайди. Мактабга жўнатиш ўрнига қўшимча ақча мақсадида сизларни далага ёки фабрикага ишлаш учун юборишади. Мен ўзим-чи? Мен эмасми сизларга билим бериш ўрнига боғдаги гулларни парваришларни зиммангизга юклаган?! Мен эмасми балиқ овлагим келиб қолганда сизларни дарсдан озод қилган?!

Шундан сўнг мосъе Амел француз тили дунёдаги энг ажойиб тил эканлигини, бу тилни асрашимиз лозимлигини, чунки мустамлака халқ ўз она тили ёрдамидагина ёруғликка чиқа

олишини уқтирди... Сўнгра муаллим грамматикадан маъруза ўқиди. Дарсни яхши тушунаётганимдан ўзим ҳам ҳайратда эдим. Мосъе Амел мавзуни жуда равон тушунтирарди. Авваллари, дарсни бунчалик диққат билан тингламагандим. Муаллимимиз кетиш олдидан бор билиминини бизга қолдирмоқчидек эди, гўё.

Грамматикадан сўнг ёзувга ўтдик. Мосъе Амел намуна сифатида доскага чиройли хусниҳат билан қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: “Франция, Элзас. Франция, Элзас”.

Синф сув қуйгандек жимжит, фақат қоғоз устида югураётган қаламларнинг қитирлашигини эшитиларди...

Мактаб томида каптарларнинг ғув-ғувлагани кулоғимга чалинди. Ўйланиб қолдим: “Ҳали уларни ҳам немисча қуйлашга мажбурлаш керакдир?”

Кўзимни дафтардан узганимда мосъе Амелнинг мактаб билан қайта кўришолмайдигандек ҳар бир нарсага синчиклаб қараётганини пайқадим. Ўйлаб кўринг-а, у қирқ йиллик умрини шу мактабга бахшида этди. Эски стул ва парталар кирланиб ялтирар, ҳовлидаги каштан дарахлари осмон қадар бўй чўзган, уларнинг тагига экилган хмел бутун деразани тўсиб турарди. Унинг учун буларнинг ҳаммаси билан хайрлашиш оғир эди. Ахир, у эртага бу ерларни бутунлай тарк этади.

Мосъе Амел дарсни охиригача етказишга ўзида куч топа олди.

Ёзув-чизувдан сўнг тарих дарсига ўтдик; кейин барчамиз жўровоз бўлиб ҳарфларни қайтардик: ба, бе, би, бо, бу. Орқа ўриндиқдаги қария Хаузар ҳам кўзойнагини тақиб, алифбени қўлида тутганча бизга қўшилди: овози ҳаяжондан титраб чиқарди; уни эшитиб йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмасдик. О, йўқ! Бу дарс сира ҳам ёдимдан кўтарилмайди...

Тўсатдан черков соати кун ярим бўлганини, ибодатга шошилиш кераклигини эслатгандек бонг ура бошлади. Шу онда дераза тагидан машғулотдан қайтаётган прусс аскарларининг трубалари жаранглади. Мосъе Амелнинг ранги бўздек оқарди ва ўрнидан турди.

– Дўстларим, – деди у, – дўстларим, мен, мен...

Унинг бўғзига нимадир тиқилгандай бўлди. Қўлига бўрни олиб, катта ҳарфлар билан кучининг борича қуйидаги сўзларни ёзди:

“Яшасин Франция!”

Кейин бошини эгганча стулга ўтириб қотиб қолди ва қўли билан бизга ишора қилди:

“Энди тамом... Кетинглар”.

Саиджалол САИДМУРОДОВ таржимаси

Адиблар ҳаётидан



Манзили кўрсатил(ма)-ган хатлар

Ёзувчи Виктор Гюго умрининг сўнгги йиллари Парижда – ҳали ҳаётлик чоғидаёқ ўзининг номи билан аталган кўчадаги уйда яшаган. У хатда манзилини қайд этар экан, “Жаноб Виктор Гюго, унинг Париждаги авенюси”, деб ёзиб қўйган.



Ўз асари ҳақидаги иншо

Ёзувчи Валентин Катаевнинг набираси дугонаси билан боғлиқ қизиқ воқеани айтиб берган. Гап шундаки, дугонасига адабиёт дарсидан “Катаевнинг “Полк ўғли” қиссаси қаҳрамони Ваня образига ёзувчи қандай мақсад юклаган?” деган мавзуда иншо ёзиш топширилган бўлади. У Катаевлар хонадонига меҳмонга келади ва бу ҳақда муаллифнинг ўзидан сўраб олиб, иншо ёзади. Бироқ ёзма ишига “–3” баҳо олади, ўқитувчиси “Ёзувчи мутлақо бошқа мақсадни кўзлаган”, деб изоҳ ёзиб қўйган бўлади.

Фойдасиз маслаҳат

Жоан Роулинг “Гарри Поттер ва фалсафий тош” китобини 1995 йили ёзиб тугаллайди. Адабий агенти асарни 12 та нашриётга жўнатади ва барчасидан рад жавобини олади. Орадан бир йил ўтгачгина, қўлзмани Лондондаги “Bloomsbury” номли кичик нашриёт қабул қилади. Гарчи китоб чоп этишга тайёрланган бўлса-да, бош муҳаррир ёзувчининг болалар адабиётида муваффақият қозонишига ишонмасдан, келажакда бошқа иш билан шуғулланишни маслаҳат беради.



Энг қисқа ёзишма

Виктор Гюго 1862 йили таътилда дам олаётган чоғи яқиндагина чоп этилган “Хўрланганлар” романига китобхонларнинг муносабатини билгиси келади ва ўз ноширига фақат “?” белгисидан иборат телеграмма жўнатади. Ношир ҳам жавоб тариқасида битта “!” белгисидан иборат телеграмма йўллайди. Шубҳасиз, бу тарихдаги энг қисқа ёзишма эди.



“Робот” яратган ёзувчи

“Робот” иборасини чех ёзувчиси Карел Чапек муомалага киритган. У пьесасида одамсифат механизмларни дастлаб “лабор” деб атайдилар (лотинчада «labor» – иш), аммо бу сўз ўзига ёқинқирамайди. Шунда укаси Йозефнинг маслаҳати билан “робот” деб ўзгартиради. Ушбу атамага асос бўлган “robota” сўзи чех тилида шунчаки ишни эмас, ниҳоятда заҳматли меҳнатни билдиради.